

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлиги

Тошкент Давлат шарқшунослик институти

**А. ИСМОИЛОВ, Л. РАУПОВА**

# **Янги ўзбек имлоси**

Тошкент - 2004

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим  
вазирлиги

Тошкент Давлат шарқшунослик институти

**А. ИСМОИЛОВ, Л. РАУПОВА**

# **Янги ўзбек имлоси**

(ўқув кўлланма)

Тошкент – 2004

Ушбу кўлланма ўзбек янги имлоси ҳақидаги назарий ва амалий тушунчаларни ўз ичига қамраб олган бўлиб, у талабаларга, илмий ходим ва педагогларга, умуман, кенг жамоатчиликка мўлжалланган.

---

**Исмоилов А, Раупова Л. Янги ўзбек имлоси.** Т.: ТошДШИ наш-ти, 2002, 124-б.

© Тошкент Давлат шарқшунослик  
институти, 2004

## КИРИШ

1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Конуни қабул қилинди. Шубҳасиз, бу миллатимиз тарихидаги муҳим воқеалардан бири бўлиб қолади. 1995 йил 6 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси II сессиясида бу Конунга ва уни амалга киритиш тартиби ҳақидаги қарорга айрим ўзгартиришлар киритилди. Унда, жумладан, янги ёзув 2005 йилга қадар босқичма-босқич ўқитилиши кўрсатилиб, 1996 йил 1 сентябрдан умумтаълим мактабларининг 1-синфларида ва мактабгача тарбия болалар муассасаларида янги алифбода машғулотлар бошлаб юборилиши таъкидланган. Маълумки, бундай ишлар республикамизда оммалашиб кетмоқда.

Янги ўзбек алифбоси ва унинг имлосини ўргатиш давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим ишdir. Янги ўзбек алифбоси ва имло қоидаларини ўрганишда уни кирилл алифбоси ва амалдаги имло қоидалари билан қиёслаб ўрганиш яхши натижалар беради.

Олий ўқув юртларининг 4-курсларида ўрганиладиган «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси» курси 8-семестрда ўқитилади. Ўқув режасида бу семестр учун 28 соат маъруза, 32 соат амалий машғулот белгиланган. Мазкур кўлланмада 14 та катта мавзуга бўлиб берилган 28 соатлик маъруза материаллари ўрин олди. Ҷар бир маъруза охирида зарур адабиётлар ҳамда мавзу доирасида мустакил ишлаш учун саволлар берилди. Бу соҳа бирмунча янги бўлганлиги учун ҳал қилиниши керак бўлган масалалар талайгина. Шулардан бири ўқув режасида ажратилган амалий соатлар учун талабаларга тавсия қилиниши керак бўлган материаллар жуда оз. Бу масалани ҳал этиш учун имконият доирасида, бизнингча, талабаларга маърифий-адабий характерга эга бўлган матнлар илова қилинди ва улар мазкур мавзуларга алоқадор саволларга илова тарзида берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Олий таълимда ўқитиладиган «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш» тўғрисидаги Конун билан

боғлиқ бундай масалалар тўғрисидаги муаммолар талабаларга асосли, илмий, изчил берилиши зарур. Шу мақсадда биз қўлланмада амалдаги дастурга мувофиқ равишда бу соҳадаги оммалашган фикрларни бериш билан бирга зарур ўринларда шахсий мулоҳазаларимизни илмий асослашга ҳаракат қилдик.

«Лотин ёзувига асосланган ўзбек ёзуви» курсининг маъруза ва амалий машғулотларга мўлжалланган мавзулари, ўқув режаси «Ўзбек тили» кафедрасининг 2000 йил 5-сонли январь ойида бўлиб ўтган мажлис баённомасида тасдиқланган.

Қўлланмани тайёрлашда филология фанлари номзоди М. Ўмарроевнинг «Ўзбек тилидан мавзули тест саволлари тўплами»дан ва филология фанлари номзоди Г. Рихсиеванинг «Янги педагогик технология ва интерактив усулларни қўллаш бўйича услугбий тавсиялар» номли методик қўлланмасидан фойдаланилди.

# **Графика**

## **Режа:**

1. Графика – тилишуносликнинг асосий бўлими
2. Тил – ижтимоий ҳодиса
3. Тил ва ёзувнинг ўзаро боғлиқлиги
4. Ёзувларни ишлатишнинг асосий усуллари
5. Ёзувларнинг тарихий аҳамияти

## **Графика ҳақида умумий маълумот.**

### **Тил ва ёзувнинг ўзаро муносабати**

Тил дастлабки қарашда барқарор, ўзгармас фонетик, лексик ва грамматик системани ташкил этади. Масалан, бизга фикр алмасиши қуроли бўлиб хизмат қилаётган ўзбек тили, боболаримизга ҳам, ота-оналаримизга ҳам бирдай хизмат қилиб келган.

Тилдаги содир бўлаётган ўзгаришлар шундай секинлик билан бўладики, буни бир авлоднинг яшаш даврида ажратиб олиш ва уни қайд қилиш одатда амри маҳолдир. Уч-тўрт авлоддан кейин эса, тилнинг лексик, грамматик қатламларидаги силжишлар кўзга ташлана бошлайди. Бундай силжишларни биз бир нарса туфайли у ҳам бўлса, ёзув орқали билиб олишимиз мумкин (гап ёзув пайдо бўлгандан сўнгги давр ҳақида боради). Агар ёзув бўлмаса, тил тараққиёти тўғрисида бизда ҳеч қандай тасаввур бўлмаслиги мумкин эди. Факат ёзув борлиги учунгина биз тил-нинг тарихий тараққиётини кузатиш шарафига мусассар бўла-миз: бу ривожланишни қайд қиласиз, олдинги авлодларимиз тилини ўрганиб, уни ҳозирги даврдаги тил билан қиёслаймиз. Тилнинг ривожланиш йўлини ўрганамиз, тилга кириб келаётган янгиликларни ва уларнинг сабабини аниқлаймиз.

Ўқиши ва ёзув ҳозирги вақтда шунчалик одат тусига кириб колганки, гўё улар бир умр тил билан бирга боғлиқ бўлгандек кўринади. Аслида ёзувнинг пайдо бўлганига кўп вақт бўлгани йўқ. Баъзи тилларнинг ҳанузгача ёзуви йўқ. Америка қитъаси маҳаллий аҳолисининг кўпчилик тилларини бунга мисол тарикасида кўрсатиш мумкин. Инқиlobгача Россияда яшовчи кам

сонли миллатларнинг ўз ёзувлари йўқ эди. Уларнинг ёзувига асримизнинг 20-30 йилларида асос солинди.

Ёзувнинг пайдо бўлиши жуда катта аћамиятга эга бўлди, у маданият ва тилнинг тараќкиётига ижобий һисса кўшди. Ёзув воќеа ва ҳодисаларни абадийлаштириш ҳамда воќеа ва ҳодисаларнинг (ахборотини) узоќ масофага етказиш имконини берди.

Графика атамаси грекча сўздан олинган бўлиб, «ёзилган», «ифодаланган» деган маъноларни англатади. Бу ҳарфларнинг ёзилиши шаклларини ва ҳарф билан товуш орасидаги муносабатни ўрганадиган фандир. Шундай қилиб, графикани ҳарфларнинг ёзилиши, шакли, тури, хусусиятлари, сўздаги ўрни ва шу муносабат билан бирга улар ифодалаган товушларнинг хусусиятлари қизиқтиради. Сўнгти йилларда баъзи психологлар айрим шахсларни ҳарфларнинг ёзиш хусусиятига қараб, бу шахсларнинг характеристини аниқлаш йўлида анча ишлар қилдилар.

Ёзувнинг кенг тарқалган турларидан - пиктограмма ва логограммаларни ҳозирги ваќтда кўплаб кўлланилишига сабаб, уларнинг тушунчаларни аниқ, қисқа ва тежамли ифодалашидир. Масалан, 12+41 деб уни сўзлар билан ёzsак, бизга қанча ваќт ва масофа керак бўлишини аниқ тасаввур қиласиз. Бундан ташқари, пиктограмма ва логограммалар одамларнинг қайси тилга мансуб бўлишидан қатъи назар, ҳаммага тушунарлидир.

Юкорида қайд этилган ҳолатлар графика шуғулланиши лозим бўлган масалалардир.

Тилшунослик фани тарихида ҳарфларни ишлатишнинг олти-та усули қайд қилинган. Лекин булардан асосийси бешта: *фонетик, фонематик, тарихий (ёки анъанавий), морфологик ва символик* усуслардир. Бу принципларнинг ҳар бирини изоёлашга ўтишдан олдин шуни айтиш керакки, у ёки бу тилда улар айрим, соф ҳолда учрамайди балки, улар аралаш ҳолда учрайди. У ёки бу тилдаги бош орфографик принципини биз улар орасидаги нисбатдан аниқлаб оламиз: қайси принцип кўпроқ кўлланилса, ана шу принцип асосий бўлиб ҳисобланади.

**Фонетик принцип.** Бу принцип ҳозирги ваќтда асосий принциплардан биридир. **Фонетик принципга** асосан талаф-

фузда қандай товуш эшилса, шунга мос келадиган һарф ёзилиши лозим. Бунга энг яхши мисол ўзбек тилидаги жўналиш келишигининг кўшимчасидир: яни -га, -ка, -ка. Сўзнинг охирида буларнинг қайси бири эшилса, шуниси ёзилади. Масалан: *уйга, далага, боткоққа, қумлоққа, теракка, эшкакка* ва һока-зо. Бу кўшимчалар ҳам һар хил ёзилишидан қатъи назар, тилда ягона вазифани ўтайди. Фонетик принципга ўзбек тилидан яна бир мисол келтириш мумкин: *корин, бурун, сингил* каби сўзлар-га эгалик, келишик кўшимчалари кўшилиб келганда, улардаги унлиларнинг эшилтилмаслиги (талаффуз қилинмаслиги) натижага сида тушиб қолади: *корнига, бурним, синглим* каби.

**Фонематик принципга асосан морфлардаги** товушлар қайси позицияда ва қандай талаффуз қилинишидан қатъи назар, бир хил ёзилишни талаб қилади. Ўзбек тилидаги ўтган замон феълининг -ди кўшимчаси ва ўтган замон равишдоши кўшимчаси -(и)б бу принципга яхши мисол бўла олади.

**Тарихий принцип.** Тарихий ёки анъянавий принцип асосида сўзлар уларда мавжуд ҳозирги вақтда талаффуз қилинадиган, товушларга асосланиб ёзилмай, балки тарихда, яъни аввал ўтмишда қандай ёзилган бўлса, ҳозир ҳам шундай ёзилади. Кўп ғарбий Оврупо тиллари шу принципга буйсунади. Ҳозирги замон инглиз ва француз тиллари бу принципга энг яхши мисолдир. Масалан: *яшамоқ* сўзи, *ишламоқ* сўзи, ёмон кўрмоқ сўзи, *карз* сўзи инглиз тилида талаффуз қилинганда «е» һарфи тушиб қолади.

**Морфологик ва символик принциплар.** Морфологик ва символик принциплар сўзларнинг ёзилишида грамматика ва лексиканинг манфаатларини назарда тутади. Бунга рус тилидаги баъзи сўзларнинг ёзилиши қулай мисол бўла олади. Рус тилидаги юмшатиш белгиси юмшатиш лозим бўлган ундошлардан кейин ишлатилади, масалан, мел - мель, быт - быть ва ҳоказо.

**Символик принцип. Фонетика ажратадиган лексик омонимларни** фарқини кўрсатиш билан шуғулланади. Ма-салан: инглиз тилидаги *тун* ва *суворий* сўzlари бир хил

талаф-фуз қилинади. Хуллас, булардан ташқари яна тилшуносликда ёзувнинг пиктографик ёзув, идеографик ёзув ва фонографик ёзув каби кенг тарқалган турлари бор.

Ўзбек ёзуви ҳозирги ҳолга келгунга қадар узоқ тарихий йўлни босиб ўтиб, жуда кўп ўзгаришларга учради.

Тил ва ёзувнинг ўзаро муносабати ҳам анча қизиқ масала. Ёзув ижтимоий талаблар асосида жамиятнинг муайян тараққиёти даврида пайдо бўлган ва унинг ривожланиши билан боғлиқ равишда мукаммаллаша борган. Ёзув билан тил ўзаро узвий алоқадордир. Шунинг учун ҳам тил билан ёзув ўртасида жуда кўп умумий томонлар мавжуд. Ёзув кўп ҳолларда тилнинг ўрнини босади. Баъзи ҳолларда эса тilda бўлмаган имкониятлар ёзув орқали юзага чиқади. Масалан: ёзув туфайли кишилар узоқ масофадан ҳам бир-бирлари билан, ҳатто ўзларидан кейинги авлодлар билан ҳам, алоқа боғлаш имкониятига эга. Бироқ, ёзувнинг тилга нисбатан ўзига хос камчиликлари ҳам бор.

Ёзув кўп жиҳатдан тилга яқин бўлиб, баъзи ҳолларда унинг ўрнини боса олса ҳам, лекин вазифаси жиҳатдан унга нисбатан анча чегаралангандир. Шунинг учун ҳам у жамиятда алоқа воситаси сифатида тил билан teng ҳукукли бўла олмайди.

Тил жамият билан бир вақтда юзага келган. Тилсиз жамият бўлиши мумкин эмас. Лекин ёзувсиз жамият бўлган.

Ёзувнинг асосий хусусиятларидан яна бири унинг график белги бўлиб хизмат қила олишидир. Ёзув ва унинг график белгилари қабул қилингунга қадар кишилар ҳар хил жонли ва жонсиз предметлардан символик тарзда фойдаланар эдилар (масалан, олов ёки хабарлашиш, қушлар ёки итлар орқали хабарлашиш ва бошқалар).

Ёзув ўз-ўзидан пайдо бўлмай, балки, маълум бир эҳтиёж ва зарурат асосида - фикрни узоқ масофага етказиш ёки кейинги авлодларга қолдириш талаби билан яратилган. Ёзув мустакил ва асосий алоқа воситаси бўла олмайди. У алоқа воситаси бўлган тил учун ёрдамчи манба ҳисобланади.

Ёзув кўз билан кўрадиган ва кишилар ўртасида ўзига хос алоқа воситаси бўлиб хизмат қиладиган график белгилар сис-

темаси бўлиб, унинг жамиятда ўзига хос катта ўрни ва хизмати бор, яъни ёзув маълум бир масофа билан ажралган одамлар орасидаги алоқаларни яхшилашда, ёзма адабиётни ва ёзма адабий тилни юзага келтиришда, маълум бир даврда яратилган маданий-адабий ёдгорликларни кейинги даврларга етказиб беришда ниҳоят даражада муҳим роль ўйнайди.

Тил ва ёзувнинг ўзаро муносабати ҳақида тилшунослик тарихида жуда қизик маълумотлар учрайди. Мана шундай маълумотлар гарб тилшунослигига XVII-XVIII асрларда ҳам билдирилган. Маълумки, бу асрларда тил фалсафаси борасида уч концепция, яъни тилни фалсафий шарҳлаш тўғрисидаги оригинал ҳаракатлар намунаси сифатида тан олинган. Булар:

1. Инглиз эмпиризми.
2. Француз рационализми.
3. Илмий фалсафий концепция.

Шу ўринда мавзуумизга бевосита алоқадор бўлган баъзи маълумотлар юқоридаги қайд этилган учинчи даврга тўғри келади. Бу даврнинг кўзга қўринган вакили гарб тилшуноси Вильгельм Гейбниц (1646-1716) қарашларида кўриш мумкин. Тилшунос ўзининг қизикишларини бир неча йўналишда ривожлантириди. Чунончи: 1) тилларнинг ўзаро муносабатининг ўрганилиши ва уларда генеалогиянинг кўйилиши. Бу ўринда у тилга қиёсий-тарихий ёндошишнинг вакили сифатида намоён бўлган; 2) шунингдек, тилшунос фалсафий-назарий қарашлари билан тилнинг моҳияти ва унинг вазифаларини кўрсатади; 3) табиий тил масаласи мазкур ўринда жуда қизик маълумотлар асосида очиб берилган. Гейбницнинг бу масала юзасидан 1710 йилда нашр этилган (аммо 1704 йилда ёк тутатилган) «Инсон онги ҳақидаги янги тажрибалар» китобида бу фикрлар ўз ифодасини топган. Муаллиф фикр-мулоҳазаларини, илмий холосаларини рақамлар билан ифода этишни жуда қизик усулини таклиф этади. Бу нарса, яъни универсал символик характеристика уч мақсадга хизмат қилиши керак: 1) халқаро ёрдамчи тил бўлиши учун; 2) мавжуд билимни ифода этиш учун; 3) маълум ҳақиқатлардан ташқари маълумотларнинг янги қирраларини очиш учун.

Оғзаки ва ёзма нутқда ишлатиш мумкин бўлган тилнинг шакллантирилган лойиҳасини Гейбниц ўз ишларида тавсия этади. У қуидаги тарзда кўрсатилиши мумкин: а) 9 та кетма-кет ракамлар лотин ёзувидаги дастлабки 9 ундошини ифодалаши мумкин: 1=b, 2=c, 3=d, 4=f, 5=g, 6=h, 7=l, 8=t, 9=p... б) ўнлик разрядлар беш унли учун хизмат қиласи: 10=a, 100=e, 1000=i, 10 000=o, 100 000=u. Йирик разряд бирликлар эса икки ўнлик қўшилмаларни ифодалаши мумкин. 1000000 =ai.

Гейбницнинг ғоялари мантикий символиканинг тараққиёти учун туртки бўлди ва натижада мазкур маълумотлар математик мантиқ ва кибернетика учун қимматли бўлиб қолди. Айтиш жоизки, тилшуноснинг юқоридаги фикрлари янги лотин алифбосининг ўзгача қирраларини очища асос бўлади. Кўринадики, юқоридаги һодиса шарқ шеъриятининг гўзал дурданалари, яъни адабиётшуносликнинг шеърий санъатлар туркумига кирадиган - ҳарф санъати ва таърих санъатига ўхшаб кетади. Тилшунослик соҳасида бундай зарур, илмий, изчил фикрлар бундан бир неча аср олдин айтилган бўлса, ҳозирги янги аср тилшунослигига ҳам бу фикрлар ўзининг мавкеини сақлаб қола олган. Бундай маълумотларни шу соҳа вакиллари, тадқиқотчилар, шунингдек, талабалар учун ҳам зарур томонлари бор деб ҳисоблаймиз.

### **Оғзаки нутқ ва ёзма нутқ**

Нутқ ҳам тил ва ёзув каби икки хил шаклга эга: а) оғзаки нутқ; б) ёзма нутқ. Оғзаки нутқ тилнинг табиий ҳолда қўринишидир. Ёзма нутқ эса шу табиий нутқнинг ёзувдаги ифодасидир.

Оғзаки нутқ фикрни ифодалашнинг асосий воситасидир. Унда товуш комплекси, баъзан айрим товушлар воситаси билан фикр баён этилади. Нутқ органлари воситаси билан фикрни рўёбга чиқариш ва эшитиш органлари орқали уни ўқиб, идрок қилиш оғзаки нутқнинг асосий хусусиятларидан биридир.

Ёзма нутқ табиий нутқнинг шартли қўриниши бўлиб, фикрни ифодалаш воситаси сифатида у маълум даражада чегараланганилиги билан характерланади. Шунинг учун ҳам нутқнинг ёзма формаси қанчалик катта аћамиятга эга бўлмасин, у табиий

нутќ-нинг ўрнини боса олмайди, балки ёрдамчи восита бўлиб хизмат қилади, холос.

## **Ёзувнинг тарихий аћамияти**

Халќларнинг ќадимий ёзувини ўрганиш ћам жуда катта назарий ва амалий аћамиятга эга. Ёзувни ўрганиш ва илгариги даврларда яратилган ёзма ёдгорликларни ўқиш ќадимда амал қилган тилларнинг лексик-грамматик хусусиятларини, ўша ёдгорлик эгаси бўлган халќнинг тарихий урф-одатлари ва маданияти билан яќиндан танишиш имкониятини беради.

Агар ёзув бўлмаганда, аждодларимиз томонидан яратилган юксак маданият намуналари бизгача етиб келмаган бўлар эди, Гомер, Беруний, Фирдавсий, Улугбек каби буюк сиймоларнинг ажойиб фикрларидан баъраманд бўла олмас эдик.

Жамиятда китоб, газета, журнал ва умуман матбуотнинг таълим-тарбиявий аћамияти юксак даражага кўтарила бораётган ћозирги пайтда ёзувнинг, ёзма адабий тилнинг роли ћам ўсиб, таъсир доираси кенгайиб бормоќда.

### **Таянч иборалар:**

Графика, пиктограмма, логограмма, морфологик ва символик усул, фонетик принцип, символик принцип, тарихий принцип, талаффуз, лексик ќатлам, грамматик ќатлам.

### **Саволлар:**

1. Графика ћақида умумий маълумот беринг.
2. Ёзув ва тилнинг боғликлигини изоћланг.
3. Ёзувнинг аћамиятини тушунтириинг.

### **Адабиётлар:**

1. Турсунов Ж., Мухторов У., Раҳматуллаев Ш. Ҷозирги ўзбек адабий тили. -Т., 1992.
2. Азизов О. Тилишуносликка кириши. -Т., 1963.
3. Абдурахмонов Г., Мамажонов С. Ўзбек тили ва адабиёти. -Т., 1995.
4. Раҳматуллев Ш. Ўзбек лотин алифбоси. -Т., 1995.

## Ёзув ва унинг турлари

### Режа:

1. *Ёзув ва унинг тарихи*
2. *Тилишуносликдаги мавжуд ёзув турлари*
3. *Пиктографик ва идеографик ёзувлар*
4. *Фонографик ёзув ва унинг тарихидан*
5. *Ёзувнинг аћамияти*

**Ёзувнинг тарихий аћамияти. Ёзув турлари.**

**Фонографик ёзувнинг ўзига хос хусусиятлари**

Ёзув фикрнинг ташки ифодасидир. Ёзув орқали кишилар ўз фикрларини бир-бирларига билдирадилар, авлодларга қолдирадилар. Ёзув орқали биз минглаб йиллар олдин ўтган воќеалар, шахслар, илм ва одатлар тўғрисида маълумотга эга бўламиз, тил, маданият, фан, ижтимоий ҳаётда бўлган воќеалардан хабардор бўламиз. Ана шундай қимматга эга бўлган ёзув бирдан пайдо бўлмади, ҳатто, ҳозиргача ўз ёзувига эга бўлмаган халқлар ҳам бор. Масалан, Америкадаги баъзи маћаллий қабила ва уруғлар ҳозиргача ўз ёзувига эга эмас.

Собиќ Иттифоќ таркибидаги 50 га яқин халқ ва этник гурӯҳлар ҳам XX асрнинг 20-йилларида ўз ёзувларига эга бўлдилар.

Дастлабки ёзув расмлар орқали (бу хил ёзув «пиктографик»: пиктус - «чизилган» ва графо «ёзаман» дейилади). Бунда ҳар бир расм (ёки нарса) бирор маъно ифодалаган (куёш-кундузни, ой-тунни, тошбақа-бахтни каби).

Ёзувнинг кейинги даври – «идеографик» ёзувдир (грекча – «тушунча», – «ёзаман»). Бу хил ёзувда ҳар бир ёки бир гурӯҳ тушунча учун бир хил символик (рамзий) шакл олинади.

Пиктографик ва идеографик ёзувнинг яна бир кўриниши (унинг биринчи босқичлари) – логографик («сўз ёзаман») ёзув анча мураккаб бўлиб, минглаб шаклларни чизиш, уларнинг мазмунини билишни талаб этган. Шунинг учун кишилар ёзувнинг янги босқичи – фонографик ёзувга, яъни аввало айрим бўғинларни, кейинроќ айрим товушларни бирор белги билан

ифодалаш усулига ўтадилар. Фонетик ёзувнинг келиб чиқиши қадимги Финикия давлати билан боғланади.

Халқлар фонетик ёзувнинг турли шакларини танлаб олганлар: грек, лотин, арман, грузин, славян, араб ёзувлари ва уларнинг айрим ўзгарган турлари каби.

Қадимги ёзувлар тош, суяқ, ёточ, қамиш каби қаттиқ жисмларга сўнгра пергамент ва қоғозга ёзилган. Ёзув ўнгдан чапга, чапдан ўнгга ёки юқоридан пастга қараб ўқилади.

Кўпчилик олимларнинг фикрича, ҳар қандай ёзувнинг асосида мусаввирлик ётади. Атроф-теваракдаги нарсаларни суратда акс эттириш һамма халқларга хосдир. Шунинг учун ҳозирги замонда ёзуви бўлмаган пайтда одамлар баъзи ҳодиса ва воќеаларни узоқ масофага етказиш ниятида ёки замонда абадийлаштиришни, жон-ли ва жонсиз нарсаларнинг расмини чизиш йўли билан амалга оширишган. Бундай ёзув «пиктографик ёзув» деб ном олган. Бу атама икки сўздан иборат бўлиб, биринчи ярми лотинча (чизил-ган) ва иккинчи ярми грекча (ёзаман) деган маъноларни англа-тади. Бу ёзувнинг бирликларини пиктограммалар деб аташади. АҚШнинг таникли олими Л. Блумфильд бу ёзувга мисол тари-қасида қуидагиларни келтиради: Американинг маъаллий қабиласининг бир аъзосида дарахтнинг узун пўстлоғи бўлган. Пўстлоқда бир қанча шакллар чизилган бўлиб (тулки, бойўғли ва бошқалар), у айтиладиган муқаддас қўшиқ тартибини кўрсатар эди.

Тушунчалар мавъум тафаккурнинг ривожланиши натижасида пиктографик ёзув аста-секин мураккаблашиб борди ва натижада идеографик (грекча *тушунча* ва ёзаман деган сўзлардан ташкил топган) ёзув пайдо бўлди.

Баъзи олимлар ёзувнинг бу турини «логографик» (грекча *сўз ва ёзаман* деган сўзлардан ташкил топган) ёзув деб аташади, чунки бундай ёзувда ундаги символлар фақат бизни ўраб турган муҳитдаги нарсаларни акс эттирамай тилдаги сўзларни һам акс эттиради. Тилдаги ҳар бир сўз ўз символига эга бўлади. Идеографик (логографик) ёзувнинг бирлигини идеограмма (логограмма) деб юритишиади. Масалан, *кўл тез кунда қуриб қолди*,

дейдиган бўлсақ, бу гапда ташки дунёдаги бир предмет тўғрисида гап бораётир. Идеография нуќтаи назаридан бу ерда символ бор, лекин гап беш символдан ташкил топган. Маълумки, тилдаги ҳамма сўзлар ташки дунёдаги нарсаларга мос келмайди.

Логографик ёзувнинг пиктографик ёзувдан афзаллиги қўйидагилардан иборат:

- а) логографик ёзув хабар қилиниши лозим бўлган матнни анча муфассал акс эттира олади;
- б) пиктографик ёзувда сўз тартиби, сўз формалари ноаник бўлса, логографик ёзувда бу масалалар умуман ҳал қилинган;
- в) пиктографик ёзув субъективликка, (ихтиёрийликка) йўл қўйса, логографик ёзув барқарор логограммалардан ташкил топган.

Юқорида келтирилган ёзувларнинг ҳамма тури ўқиш ва ўқитиш ишларини анча мушқуллаштиради. Ёзувни аниқлаштириш учун, уни, албатта, осонлаштириш, содалаштириш керак эди. Бундай заруриятнинг туғилишига яна бошқа объектив сабаблар ҳам бор эди: Савдо-сотиқнинг ривожланиши ва давлатларнинг барпо бўлиши ҳам юқорида зикр этилган жараённи тезлаштиришга сабаб бўлди. Ёзувнинг соддалашиш жараёни бир неча йиллар ўтиши билан амалга оша бошлади.

Фонографик ёзув бир турли бўлмай, у ҳам кўп кўринишларга эга. Шулардан бири – *силлабик* ёки бўғин ёзувидир. Бу ёзув қўшма сўзларни майда қисмларга бўлиш йўли билан пайдо бўлди. Бу майда қисмлар ҳозирги вақтдаги бўғинларга тўғри келади. Шундай қилиб, фонографик ёзув дастлаб иероглифлар бўғинларини ифодалайдиган бўлди. У ёки бу сўзни ёзиш лозим бўлса, ана шу бўғинларни бир-бирига қўшиш усули билан тузишар эди. Бу ёзувга қадимги ҳинд ёзуви деванагри яхши мисол бўла олади. Бу ёзувдаги ҳар бир ишора ундош товушларнинг *a* унлиси билан қўшиб талаффуз қилинишини назарда тутади, яъни *pa, va, da, ga, sha* ва шу тартибда. Агар бошқа унлини талаффуз қилиш зарур бўлса, унда ё ҳарфларининг устига ёки тагига маълум белгилар қўйиларди.

Чунончи, бўғин ёрдами билан сўз тузиш имконияти кам бўлган тиллар, кейинчалик бўғинлар билан ишлатиладиган турли белгиларни кашф этишди. Тилшуносликда бу белгилар *диак-*

*ритик* белгилар, деб ном олган (бундай белгилар ҳозирги замон ўзбек тилида ҳам мавжуд: ў, қ ҳарфларидағи белгилар шулар жумласидандир).

Бундай диакритик белгилар қадимги һинд тилида ҳам кенг кўлланилган. Уларда ундошлардан кейин келувчи унлини, ва ћаттоқи, унлидан олдин турувчи ундошни бекор қилувчи белгилар ҳам бўлган; кейинчалик бу тилда ҳам ундошлар учун ҳам, унлилар учун ҳам янги ќўшимча символлар кашф этилиб, узилкесил фонографик ёзувга, яъни тилдаги сўз формаларини фонетик бирликлар – товушлар орқали ифодалашга ўтилди. Агар силлабик (бўғин) ёзуви фонографик ёзувнинг биринчи босқичини ташкил қиласа, ҳар бир товуш учун ўзининг символини яратиш, иккинчи босқич бўлди.

Ёзув кишилик жамиятининг тарихий тараќќиётида муҳим аћамиятга эгадир.

Гениал талантлар ижод ва турли эћтиросларини ёзув билан ҳам маћкам боялашган, ёзув кишиларнинг ижодий фаолиятини кучайтириш ва ривожлантиришга катта ёрдам беради.

Асрлар давомида майдонга келган моддий ва маданий бойликлар тарихи ёзув орқали ҳам ўрганилади. Кишилик томонидан ижод қилинган барча билим асослари турли китоб ва қўлланмалар ёзувнинг ёрдами билан ўзлаштирилади. Ишлаб чиќариш, илм-фан ва санъат соћаларидаги бой тажрибалар ёзув орқали наслдан наслга мерос бўлиб қолади. Маданий мерослар ёрдами билан одамлар ўзларининг ижтимоий-иктисодий ћаётини ќайта қуришда, ишлаб чиќариш, илм ва фан соћаларидаги билимларини кенгайтиришда, уни янада такомиллаштиришда ёзувдан кенг фойдаланадилар.

Ёзув турли қабила, халќ ва миллатлар орасида алоќа боялаш ва алоќани мустаћкамлаш учун ҳам хизмат қиласи. Тил ва ёзув турли миллат халќларига бир-бирларининг тажрибаларидан, моддий ва маданий бойликларидан фойдаланишга ёрдам беради.

Ёзув кишилик маданиятининг ажралмас бир ќисмидир. Ҳар бир халќнинг ўз ўсув даражаси, унинг моддий бойликларини ишлаб чиќариш билан, маданий юксаклиги эса шу халќнинг

ёзма ёдгорликлари билан ҳам белгиланади. Турли халқлар маданиятининг ўсув даражасини уларнинг мавжуд ёзув системаси ва ёзув техникаси қанчалик мураккаб бўлса, шу ёзувни амалда қўлловчи халқнинг ёзма маданияти тарихини ўрганиш ҳам шунчалик мураккабдир. Ёзув системаси ва техникаси, аксинча, қанчалик содда осон ва оммабоп бўлса, бу ёзувнинг ижодкори бўлган халқнинг ёзма маданияти ҳам шунчалик оммабоп ва юксак даражали маданиятдир. Маданиятдан орқада қолган халқларда ёзув бўлмайди; ёзув улар назарида сирли ҳодиса, сеъри куч сифатида тасаввур этилади.

Ҳозирги пайтда - китоб, газета ва журналнинг, умуман матбуотнинг ижтимоий роли тарихда мисли кўрилмагандир.

### **Таянч иборалар:**

Пиктографик ёзув, фонографик ёзув, логографик ёзув, идеограмма, логограмма, силлабик (бўғин) ёзуви, фонетик бирликлар, символ.

### **Саволлар:**

1. Ёзувнинг пайдо бўлиши ҳақида гапиринг.
2. Ёзув ва мусаввирлик санъатининг боғлиқлиги ҳақида гапиринг.
3. Пиктографик, идеографик ва логографик ёзувларининг ўзига хос хусусиятларини изоҳланг.
4. Фонографик ёзувнинг афзалликларини сананг.

### **Адабиётлар:**

1. Азизов О. Тилишунослика кириши. -Т. 1963.
2. Абдураҳмонов Г., Мамажонов С. Ўзбек тили ва адабиёти. -Т. 1995.
3. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек лотин алифбоси. -Т. 1995.

## **Ўзбек ёзуви тарихидан қисқача маълумот** **Режа:**

1. *Ўзбек халқи маданий турмушида қўлланилган ёзувлар ҳақида умумий маълумот*
2. *Араб алифбосининг ўзбек халқи ҳаётидаги ўрни*

Ҳозиргача туркий ва бошқа халқлар рус (кирилл) алифбоси асосида тузилган алифбодан фойдаланадилар. Ўзбекистон бу алифбога собиқ Иттифоқнинг 1940 йил 8 май куни қабул

қилинган қарорига кўра ўтди. Унгача Ўзбекистон ва бошқа республика ўлкаларида лотин, ундан ҳам сал илгари араб алифбоси жорий этилган эди. Ўзбекистон Марказий Ижроия Комитетининг 1928 йил март ойидаги III сессияси лотин алифбосини жорий қилишни кўриб чиқиб, бу алифбони давлат алифбоси деб қарор қабул қилди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистонда лотин алифбосига ўтиш осонликча кечмади. «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1933 йил 24 март сонида «Эски араб алифбосининг объектив суюнчиқлари» сарлавҳаси остида икки расм берилиб, уларга берилган изоҳлар лотин ёзувининг ҳануз оммалашмагани ва шунингдек, мазкур газетанинг 26 мартағи сонида Й. Охунбобоев бир неча туманларда ҳали ҳам араб ёзувида иш юритилаётганлигини эътироф этиб, танқид қиласиди. Бизга маълумки, лотин алифбосига ўтишдан олдин бутун мусулмон халқлари ва элатлари араб ёзувини кўллар эдилар.

1921 йилнинг 1-5 январда Тошкентда чақирилган тил-имло қурултойи, бошқа масалалар билан бир қаторда, араб ҳарфларининг сўз боши, ўртаси ва охирида кўлланилиш шаклларини соддалаштириди. Чунончи, ўзбек тилига хос бўлмаган *сад*, *зод*, *итқи*, *изғи* ҳарфларини алифбодан чиқарди, у.., ў.., и.., а.. товушлари учун алоҳида ҳарфлар белгиланди. 1922 йил апрел ойида бўлган маориф ва маданият ходимларининг иккинчи қурултойи ҳам биринчи қурултой қарорларини маъқуллади.

Араб алифбоси арабларнинг Мовароуннаҳри истило қилган давридан бошлаб кўлланила бошлаган. Бу ёзувда минглаб ил-мий, бадиий, диний асарлар яратилди, расмий ҳужжатлар тузилди. Биргина Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида 46 минг жилд араб алифбосида ёзилган асарлар сақланади. Араб алифбоси ва бу алифбода ёзилган асарлар, айниқса, 30-йиллар арафасида қаттиқ таъқиб остига олинди. Натижада кўп қимматбаҳо кўлёзмалар йўқотилиб, уларнинг эгалари қаттиқ жазоларга маҳкум этилди. Эски Туркистон халқлари, жумладан, ўзбек халқи ҳам, қадимдан юксак маданиятли халқ сифатида дунёга танилди. Араб истилосига қадар, Мовароуннаҳрда рун, уйғур, сугд,

моний ва брахма (брахмон) ёзувлари кўлланилган. Диний мазмундаги асарлар брахма ёки моний ёзувида, расмий ћужжатлар уйғур ёки сўѓд ёзувида, илмий, адабий, тарихий асарлар рун, уйғур ёки сўѓд ёзувида ёзилган.

Қайд этилган ёзувларда битилган кўп ёзма ёдгорликлар ћозиргача сакланиб келади. Руниј ёзувида – Урхун – Энасой тош битиглари, унинг ўрнида келган уйғур ёзувида (уни Мађмуд Кошгариј «туркча ёзув» деб номлайди) – ќадимги туркий ёдномалар (VII–X) – «Олтин ёруғ», «Майтри симит» будда ва христиан динига оид ёдномалар, юридик ћужжатлар, сўѓд ёзувида – (хитой деворининг ғарб тарафидан топилган) ћужжатлар (1906 йилда инглиз олими Арнольд Стейн томонидан топилди). Моний ёзувида – «хуастуанифт» ёдгорлиги ёзилган уйғур ёзуви, араб ёзуви билан баробар, XV асргача кўлланилди. «Қутадігу билиг»-нинг Вена (Ћирот) нусхаси (XI аср), «Ћиббат ул-ћаќоиќ (XII асрнинг) намунаси, Хоразмийнинг «Мућаббатнома» (1353 йил) асарининг ќадимги нусхаси каби асарларнинг айрим нусхаси ва парчалари уйғур ёзувида битилган. Уйғур ёзуви сўѓд ёзуви асосида келиб чиќкан, араб ва руниј ёзувларидан фарќли ўлароќ, унли товушлар айрим ћарфлар билан кўрсатилган, руниј ёзуви ћам ќадимги сугд ёзуви асосида келиб чиќкан деган назария бу соћада асосий ўринни эгаллайди.

Ёзма нутќ маълум бир тартиб ќоидалар асосида ёзилади. Бу ќоидалар умум томонидан ќабул ќилиниб, ћукуматнинг маҳсус ќарори билан тасдиқланади. Қабул ќилинган алифбо ћеч вақт мукаммал бўлмайди. Биринчи марта 1928 йили ќабул ќилинган алифбо (лотин алифбоси) 1934 йилда яна ќайта кўриб чиќилди (аввал 9 унли ишоралар тасдиқланган бўлса, уларнинг сони 6 тага туширилди). 1940 йили ќабул ќабул ќилинган рус алифбосига асосланган ўзбек алифбоси 1956 йили ќайта кўриб чиќилди ва мућим ўзгаришлар киритилди.

### Ўзбек ёзувлари тарихидан

Археология ва тарих фанларининг берган маълумотлари ва ёзма ёдгорликларига ќараганда, Ўрта Осиё халќлари ўзларининг маданий ћаётида турли ёзув системаларидан фойдалан-

ганлар. Ўзбек халқи Ўрта Осиё территориясида яшаб келган қадимги халқлардан бири бўлиши сифатида маълум ёзув системасини озми-кўпми ўз амалий тажрибасида қўллаган.

Ўзбек ёзувлари тарихида фонографик ёзув (товуш ёзуви, һарфий ёзув ёки алфавит - маъно берувчи товуш шакллари орқали ёзувда фикрни баён қилиш) асрлар давомида амалда ишлатилиб келган асосий ёзув системасидир.

Ўрта Осиё халқлари тарихида учрайдиган хилма-хил алфавитлар, чунончи: оромий, юнон, карошта, сўѓд, хоразм, эфталит, паҳлавий, суря, ҳинд, урхун, уйғур, араб ёзувларидан бирмунчаси ўзбек халқининг маданий турмушида ҳам ишлатилиб келган. Шунингдек, сўнгги йилларда лотин графикаси асосида қурилган янги ёзув системаси амалда қўлланилади.

Тарихий маълумотларга қараганда, бизнинг эрамизга қадар бўлган даврнинг VI-IV асрларда Ўрта Осиё территориясида шунингдек, Эронда клинопись билан бирга оромий ёзуви ҳам ишлатилган. Ўша даврнинг III-I асрларида оромий ёзуви билан бир қаторда юонон ва карошта ёзувлари қўлланган.

Буни моддий ва маданий бойликлар, турли ёдгорликлар очиқ кўрсатади. Қимматбаҳо тошлар, танга ва кичик асбоб-ускуналарда тоҳар ёзуви, Бухоро танглари ва муҳрларида, баъзи идиш-товоқ парчаларида паҳлавий ёзуви намуналари учраб қолади. Будда дини таъсиридаги турклар тилида санскрит алфавити билан ёзилган ёдномалар сақланиб қолган.

Бизнинг эрамиз ћисоби билан I-VI асрларда, анироғи II асрдан бошлаб, сўѓд ёзуви ҳам ишлатила бошлайди. Ўша замонда, яъни II асрнинг охири ва III асрнинг бошларида, Хоразм шоғи чиқарган пулларда хоннинг тамғаси билан бирга Хоразм ёзувида ёзилган сўзлар учрайди.

Хоразм алфавити оромий ёзувига яқин бўлиб Ўрта Осиё халқлари орасида кенг миқёсда тарқалган. Эрон ва Ўрта Осиёдаги ёзувлар, чунончи паҳлавий ёзуви, сўѓд алфавити, Марказий Осиё ва Узоқ Шарқ халқлари орасида қўлланилган уйғур, мўғул ва манжур ёзуви, Бухоро ва ўратепаликлар алифбоси – оромий ёзувидан ажралиб чиққан. Аммо Хоразм алфавити

қадимги классик оромий ёзуви анъанасини сақлаб қолиш жиһатдан юқорида санаб ўтилган ёзувлардан фарқ қилади.

Урхун алфавитида ёзилган тарихий һужжатлар V-VIII асрларда турли турк қабилаларининг Урхун ва энасой номли ёзувидан фойдаланганликларидан дарак беради. Бу ёзув уч хил номга эга: 1) Мўғилистон территориясида Урхун дарёси атрофига топилган ёдномаларга қараб – Урхун ёзуви, 2) Енисей дарёси қирғоғидаги ёдгорликларга қараб – Енисей ёзуви; 3) Қадимги герман-руник ёзувига ўхшаш бўлгани туфайли - руник ёзуви номлари билан юритилади.

Турли илмий-текшириш муассасалари, тўгарак ва жамият, айрим шахс ва илмий ходимларнинг кузатишлари натижасида урхун ёзуvida ёзилган бир неча ёдгорликлар кўлга киритилган. Бу ёдгорликлар орасида: Кул-тегин ва унинг акаси Билгихон, Мўғилхон ва бошқалар қабрларидаги тошларга ёзилган хатлар; Мўғилистонда, Жанубий Сибир, Қирғизистон ва қисман Ўзбекистон территориясидан топилган ҳар хил тош, калтак ва бошқа материалларга ёзилган урхун хатлари бор.

Ўн биринчи асрнинг тилшунос олими Маҳмуд Кошгариј ўзининг «Девони луғотит-турк» номли асаридаги «Сўз тузишдаги асос бўладиган ҳарфлар тўғрисида» номли мақоласида уйғур алфавитининг тузилиши ва уйғур ёзувининг техникасини алоҳида шарҳлаб беради.

Милод ҳисоби билан VII-VIII асрларда араблар Ўрта Осиёни забт қилиб олади. Шундан кейинги маҳаллий халқлар орасида ислом дини ва ислом маданияти кенг тарқалади, эски турк ёзувлари ўрнида араб алифбоси ишлатила бошлиайди.

Ўрта Осиё олимлари, шу жумладан, ўзбек олимлари, ўз асарларини араб, тожик ва туркий тилларда араб алифбосида ёзib қолдирганлар. Фароблик файласуф ва мусиқашунос Абу Наср ал-Фаробий; хоразмлик астроном, математик ва географ Абу Райхон ал-Беруний; бухоролик табиб, файласуф, қомусчи Абу Али ибн Сино; фарғоналик Бурҳониддин Али ал-Марғилоний; ўзбек халқининг улуғ шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ва бошқалар ўзларининг шоҳона асарларини араб алифбосида ёзганлар.

Араб алифбоси ўзбек халқи ҳаётида бир неча асрлар давомида қўлланилиб келди.

1928-29 йилдан бошлаб араб алифбоси асосидаги ўзбек ёзуви лотинлаштирилган алфавит билан алмаштирилди. Лотин алфавити ўн йилдан ортиқ амалда қўлланилиб келди.

1929 йилда муомалада бўлган лотин ёзуви ва имлосига доир мутахассислар ўз даврида ва ундан кейин ҳам мулоҳазаларини билдиришган. Қуйида мазкур фикрлардан баъзи ўринларини айнан келтирамиз.

### **Имло тўғрисида баъзи мулоҳазалар**

Имло қоидалари оғир бўлса, мазкур ўқувчи тез ёзишга осонлик билан ўргана олмайдилар, агар улар енгил бўлса, ўқувчилар ўзлаштириши дуруст бўлади.

Имлони ўрганишнинг енгил усули унинг қоидалари оз бўлишидадир, бу биринчи шарт. Иккинчидан хоћ болалар, хоћ катталар бўлсин, имлони яхши ўзлаштиришда ўқитувчилардан тинглаган методикаси мућим роль ўйнайди (маълумки, ўқитувчи яхши, осон метод қўлласа, кўп қоидалардан иборат мураккаб имлода ҳам муваффақиятларга эришиши мумкин.

Шу боис, янги имло тўғрисида сўз бошлагандан кейин, янги имло лойићаси (1933 йил 18 май кунги, «Қизил Ўзбекистон» газе-тасида эълон қилинди) афзалликлари ва нуќсонлари назарда тутилади.

Бизга маълумки, мактабда имло ўргатишда бир неча усуллардан фойдаланиш мумкин: а) эшиттириб имло ўргатиш - (слуховой диктант); б) кўргазиб имло ўргатиш (зрительный диктант), ҳаракат билан имло ўргатиш ва бошқалар.

### **Чўзиқлилар масаласи**

Қисқача айтганда, ҳозирда чўзиқлилар масаласида келишмовчилик «Э» шаклини қолдириш ёки қолдирмаслик масаласидир. Бир жићатдан қараганда «Э» шакли алфавитда сақланиши керак. Чунки «Э» билан келадиган сўзларни ҳам «а» билан ёза бошласак, у сўзларнинг бутунлай маънолари бузилиб ёки бошқа маънони беради масалан:

káttá- katta

áriq- ariq

qálám- qalam

báliq- baliq

ágrpá- arga

gálá-gala

Шунинг билан бирга «э» ўрнига «а» ва «а» ўрнига «э» ёзганда маъносида юч кандай зарар келмайдиган сўзлар юам кўп<sup>1</sup>.

Бу икки шаклни қолдириш имлода яна қийинчиликларни тугдирари (айникса, 1-синф болалари ва бошқа миллат вакилларининг тил ўрганувчилари учун). Энди, бирдан бир тўғри йўл асосан, 5 чўзиқни (а, о, и, і, е) олиш, аммо юзирги «э» билан ингичка қилиб ёзмада маъноси бузиладиган сўзларни «а» оркали ёзишдан иборатдир.

## Қисқа унлиларни ёзувда тушириб қолдириш масаласи

**Янги лойиҳа бўйича сўзнинг 1-бўғинидаги қисқа унлиларни ёзувда тушириб қолдириши, яъни, билим – *blim, dirp - dr.* шаклида ёзиш тавсия қилинади, масалан: *dir, ning, miz* қўшимчалари жуда кўп учраши маълум. Шу боис, бу қўшимчалар ўртасидаги қисқа «і»ни тушириб қолдирсан, уларнинг маъносида юч кандай ўзгариш бўлмаслигига шубҳа йўқ. Бизда юқоридаги қўшимчалар кўп учрайди ва уларга ўқувчиларнинг кўзи тушиши билан улар қисқа «і» ни тушириб қолдиришади. Бу эса мазкур ўринларда қисқа «і» тушириб ёзиш маданий, иктиносидий ва техник томондан бизга фойда беражак<sup>2</sup>.**

Муаллифнинг мазкур фикрлари, бизнингча, бирмунча муноза-рали, сабаби, юқоридаги қайд қилинган қўшимчалар билан келган ўринларда муаллифнинг фикрлари юқдек. Лекин, лугат бойлигимизда «і» шакли билан учровчи сўзлар мавжудки, бундай ҳолларда туширилган қисқа «і» техник иктиносидни эмас, балки маъновий ғализликларни тугдиради.

1940 йилнинг май ойидан бошлаб, ўзбек ёзуви лотинлаштирилган алфавитдан рус графикаси асосидаги янги ёзув системасига кўчирилди. Шундан кейин рус графикаси негизига ку-

<sup>1</sup> Қўлланмада илова қилинган баъзи мисолларнинг транскрипцияда бериш имконияти мураккаблигини юнособга олиб, баъзи мисоллар кирилл ёзувида илова қилинди. Мазкур манбаларнинг асл нусхалари адабиётлар рўйхатида берилган (муаллифлар).

<sup>2</sup> Амирор А. Имло тўғрисида баъзи мулҳазалар. Адабий тил ва имло тўғрисида мақола қарорлар. II тўплам, Т. 1934 (лотин имлосида).

рилган ўзбек ёзуви ўзбек халқининг ягона умумхалқ ёзув системаси бўлиб қолди.

Лекин шу ўринда собиќ иттифоќ давридаги тил ислоҳотларини ҳам тилга олиб ўтишимиз керак. 1922 йили араб алфавити ислоҳ қилиниб, ўзбек миллий тилининг хусусиятларига қўра қайта ишланди. 1929 йилда қабул қилинган лотин алфавитига 1934 йилда жиддий ўзгаришлар киритилди: унлиларни ифодаловчи айрим ҳарфлар қисқартирилди ва имло қоидалари янгидан тузилди. 1950 йили тилшунослик соғасида бўлиб ўтган мунозарадан кейин рус графикаси асосидаги ўзбек ёзувини яна та-комиллаштириш мақсадида амалдаги орфография қоидаларига баъзи бир аниқлик ва ўзгаришлар киритилди.

1989 йил ўзбек тилининг Давлат тили ҳақидаги қонуни қабул қилинди ва 1993 йил 3 сентябрда лотин графикасига ўтиш ҳақидаги қонун қабул қилинди. Бу қонунга кўра, 2005 йилга келиб, Ўзбекистон тўла лотин графикаси асосидаги ёзувга ўтади. Ҷозирги кунда дарслик ва айрим китоблар лотин графикасида чоп этилди. Бошланғич синфларда ёзувни лотин графикасида ўргатиласяпти.

### **Таянч иборалар:**

Фонографик ёзув, хоразм алфавити, туркий тил, «Девони луготит турк», тил-имло қурултойи, араб ёзуви, ёзма нутқ.

### **Мустақил ишлаш учун саволлар:**

1. Ўзбек лотин алифбоси дастлаб қачон жорий қилинган ва унинг оммалашиши йўлидаги қандай ҳаракатларни биласиз?
2. Ўзбек араб алифбоси имлосига бағишлаб чакирилган анжуман қачон ва қаерда ўтказилган? Мазкур анжумандан сўнг ўзбек араб алифбосида қандай ўзгаришлар бўлди?
3. «Ўзбек халқи ёзув маданияти билан ҳам анча буюkdir...» деган фикрларни қандай қилиб изоҳлайсиз?
4. Џозиргача мавжуд бўлган (тарихи мобайннида қўлланилган) қандай ёзувларни биласиз, уларнинг тарихи билан алоқадор адабий намуналар мавжудми?

### **Адабиётлар:**

1. Абдураҳмонов Г., Мамажонов С. Ўзбек тили ва адабиёти. -Т., 1995.

- Абдураҳмонов Г. Ўзбек тили ва халқининг шаклланиши. -Т., 1999.*
- Исҳоқов Ф. Эски ўзбек тили ва ёзуви. -Т. 1990.*
- Санақулов У, Насрийдинзода Б. Қайдимги ёзувлар ва эски ўзбек алифбоси. -Т. 1990.*

## **Ўзбекистон Республикасининг «Лотин ёзувига асосланган Қонуни» һақида. Ўзбек лотин алифбосига ўтишнинг афзалликлари**

### **Режа:**

- Лотин һарфларига асосланган ўзбек алифбоси қўлланишининг даврларга бўлиншии.*
- Лотин һарфларига асосланган ўзбек алифбосининг тарғиб қилиншии.*

Ўзбекистонда лотин һарфларига асосланган ўзбек алифбоси қўлланишининг икки даври бор: 1) Ўзбекистон Республикаси ташкил топгандан сўнг 1926-1940 йилларгача бўлган давр; 2) Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилингандан (1991 йил 31 август) кейинги давр. Бу Республика Олий Кенгаши 1993 йил 2 сентябрда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини һаётга жорий қилиш тўғрисидаги қонун қабул қилинганидан кейинги даврdir.

Бу икки давр оралиғида собиқ иттифоқ даврида (60 йилдан зиёд) 1940 йил 8 майда Ўзбекистон Олий Совети сессияси қабул қилган кирилл алифбоси ва шу алифбога мослаб тузилган имло һамда 1956 йил 4 апрелда тасдиқланган «Асосий имло қоидалари» қўлланилди.

Ўзбекистонда лотин һарфларига асосланган ўзбек ёзуви қўлланилишининг биринчи даври, янги алифбони ҳозирлаш ва уни амалга ошириш ишида бажарилган илмий-методик масалалар тилшунос Й.Абдуллаевнинг «Ҳамроҳим» номли рисоласида баён қилинган эди. Яна унда қўйидаги зарур ўринлар мавжуд:

«Нутқ товушларининг йўғонлиги ва ингичкалиги масаласида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари бошқа ҳудудлардан фарқланадилар: сингорманизмни қатъий ҳимоя қилган баъзи ўзбек мутахассисларининг ўзбек тилида йўғонлик ва ингичкалик

тўғрисидаги фикрларга Б. Чўпонзода, А.Фитрат, Е.Д. Поливанов, М. Ўодиев эътиroz билдирганлар.

Ўзбекистон, Татаристон, Кирғизистон, Абхазия, Ёқутистон ва бошқа мамлакатларда лотинлаштириш юзасидан тўпланган ишлар тўғрисидаги ҳисоботлар ҳам тингланилиб, тегишли кўрсатмалар берилади.

1928 йил 2 марта Самарқандда Ўзбекистон Янги алифбо марказий қўмитасининг I пленуми бўлиб ўтади. Пленумда Бутун Итифоқ Лотинлаштириш қўмитасининг II пленуми якунлари; Ўзбекистон Янги алифбо марказий қўмитаси амалга оширган ишлар ва унинг келгусидаги вазифалари ҳамда жойларда бажарилаётган ишлар юзасидан ахборотлар тингланди.

Бу йиғинда Ўзбекистон Марказий Ижроқўмининг III сессиясида маъқулланган «Янги ўзбек алифбосини амалга ошириш учун иш режаси» тасдиқланади.

Ўзбек Янги алифбо марказий қўмитасининг II пленуми 1928 йил декабрь ойи бошида Самарқандда бўлиб ўтди. Бу пленум қарорида янги алифбога ўтиш ишлари республикада кенг суръатда амалга оширилиб, янги алифбо давлат алифбоси бўлиши борасида унинг меҳнаткаш омма ўртасидаги кенг ўрни кўрсатилиб ўтилади. Қарорда янги алифбода чиқариладиган китобларнинг сифатини яхшилаш, «Қизил тамға» газетасини ку-чайтириш, «Аланга» журналини мундарижа жиҳатдан кенгай-тириш, уйғур ва тожик тилларида ҳам янги алифбода китоблар нашр қилишни кўпайтириш масалалари кўрсатиб ўтилади.

Ўзбек тили имло қоидаларини янгидан тузиш, амалдаги ўзбек алифбосини такомиллаштириш юзасидан 1938 йилнинг бошида ЎзХКС қошидаги Фанлар қўмитасининг А.С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт илмий-текшириш институти ходимлари профессор А.К. Боровков бошчилигига иш олиб боришга киришиб, алифбо лойиҳасини тузганлар.

1938 йилнинг 9 декабрь ойида мазкур алифбо «Ўқитувчилар газетаси»да чоп этилиб, у Тил ва адабиёт илмий-текшириш институти томонидан маъқулланган, шунингдек унда «Ўзбек тилининг янги орфография проекти» муҳокама учун босилиб

чиққан. Унда янги имло қоидаларига қўшиб такомиллаштирилган ўзбек алифбоси ҳам берилган. Бу алифбода 29 һарф бўлиб: ёзувда *a* нинг *o* дан, ёрдамчи қўшимча чизик («кўчиш белгиси») билан фарқланиши кўрсатилган эди.

Қори Ниёзий 1939 йил 13 октябрда Тошкент шаҳар зиёлиларининг умумшаҳар йиғилишида «Лотинлаштирилган алифбони рус графикаси асосидаги янги алифбога кўчиши» ҳақида маъруза қилади.

«Ўқитувчилар газетаси»нинг 1939 йил 7 ноябр сонида тилшунос Собиржон Иброҳимовнинг «Рус графикаси асосидаги янги ўзбек алифбосига тезроқ кўчайлик», 15 ноябрда Мурод Шамснинг «Рус графикаси асосидаги янги ўзбек алифбоси» мақолалари босилиб чиқади. 23 ноябрь сонида «Рус графикаси асосидаги янги ўзбек алифбоси» берилади. Ўзбекистон Халқ маориф комиссари М.Йўлдошевнинг «Янги ўзбек алфавити» мақоласида янги алифбо кенг тарғиб қилинади.

Тилшунос олимларнинг А.К.Боровков рађбарлигидаги маҳсус тузган янги имло қоидалари ва алифбо лойиҳаси ХКС ва ВПК (б) МК нинг 1938 йил 13 марта чиққан «Миллий республикалар ва вилоятлар мактабларида рус тилини мажбурий ўрганиш ҳақидаги» қароридан сўнг эътибордан қолиб кетган. Мазкур қарорни ҳаётга жорий қилиш юзасидан тадбирлар белгиланган.

Ўзбекистонда лотин һарфлари асосидаги алифбо қўлланишининг биринчи даврида янги алифбо яратишда фидойилик кўрсатган Боту-Маҳмуд Ҷодиев, Е.Д. Поливанов, Абдулла Алавий, А.К. Боровковнинг хизматларини алоҳида кўрсатиш керак. Бу олимлар мукаммал ўзбек алифбоси ва имлосини яратиш соҳасида илмий изланишлар олиб боргандар.

Ўзбекистонда лотин һарфлари асосидаги алифбо қўлланишининг биринчи даврида янги алифбо марказий қўмитаси амалий-илмий ҳамда ташкилий тадбир уюштириш ва уларни режали ўтказишда, халқнинг саводхонлиги соҳасида тарихий ишларни амалга оширган.

### Таянч иборалар:

Лотинлаштириш кўмитаси, кирилл алифбоси, ўзбек ёзуви, янги имло қоидалари, рус графикаси асосидаги алифбо, тилшунос, мақола.

### **Адабиётлар:**

1. Абдуллаев Й. Янги алифбо ва имлодан кўлланма. -Т., 1996.
2. Абдуллаев Й. Ўмароҳим (ўқув кўлланма) Т., 1996.
3. «Ўқитувчилар газетаси». 9 декабрь, 1938.
4. Шарофиддин ўғли Фазлиддин. «Гулистан» журнали. 1994, 3-сон.
5. Қўчкортоев И., Бюжиеев А., Маҳмудов Н. ва бошқалар. Тилимиз жозигасининг тилсими. «Халиқ сўзи» газетаси. 28 июль, 1993 йил.
6. «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари». «Маърифат газетаси», 6 сентябрь, 1995 йил.

**Ўзбек лотин алифбосидаги һарфларнинг бош ва кичик, босма һамда ёзма шаклларининг қиёси:**

A	A	B	B	D	D	E	E	F	F	G	G
a	a	b	b	d	d	e	e	f	f	g	g
H	H	I	I	J	J	K	K	L	L	M	M
h	h	i	i	j	j	k	k	l	l	m	m
N	N	O	O	P	P	Q	Q	R	R	S	S
n	n	o	o	p	p	q	q	r	r	s	s
T	T	U	U	V	V	X	X	Y	Y	Z	Z
t	t	u	u	v	v	x	x	y	y	z	z
O'	O'	G'	G'	Sh	Sh	Ch	Ch	Ng	Ng		
o'	o'	g'	g'	sh	sh	ch	ch	ng	ng		

Жадвалдан кўринадики, бир һарфнинг бош ва кичик шакллари орасида, бош һарфларнинг босма һамда ёзма шакллари ўзаро жуда ўхшаш.

### **Ўзбек кирилл ва лотин алифболаридағи һарфларнинг қиёсий жадвали**

БОСМА ҲАРФЛАР				ЁЗМА ҲАРФЛАР			
Бош ҳарфлар		Кичик ҳарфлар		Бош ҳарфлар		Кичик ҳарфлар	
кир.	лот.	кир.	лот.	кир.	лот.	кир.	лот.
A	A	а	а	A	A	а	а
Б	B	б	б	Б	B	б	б
Д	D	д	д	Д	D	д	д
Е	E	е	е	Е	E	е	е

Φ	F	φ	f	Φ	F	φ	f
Г	G	г	g	Г	G	г	g
Ҳ	H	ҳ	h	Ҳ	H	ҳ	h
И	I	и	i	И	I	и	i
Ж	J	ж	j	Ж	J	ж	j
К	K	к	k	К	K	к	k
Л	L	л	l	Л	L	л	l
М	M	м	m	М	M	м	m
Н	N	н	n	Н	N	н	n
О	O	о	o	О	O	о	o
П	P	п	p	П	P	п	p
Қ	Q	қ	q	Қ	Q	қ	q
Р	R	р	r	Р	R	р	r
С	S	с	s	С	S	с	s
Т	T	т	t	Т	T	т	t
Ү	U	ү	u	Ү	U	ү	u
В	V	в	v	В	V	в	v
Х	X	х	x	Х	X	х	x
Ҷ	Y	Ҷ	y	Ҷ	Y	Ҷ	y
З	Z	з	z	З	Z	з	z
Ӯ	O'	Ӯ	o'	Ӯ	O'	Ӯ	o'
Ѓ	G'	ѓ	g'	Ѓ	G'	ѓ	g'
Ш	Sh	ш	sh	Ш	Sh	ш	sh
Ч	Ch	ч	ch	Ч	Ch	ч	ch
Нг	Ng	нг	ng	Нг	Ng	нг	ng

**Ўзбек тилига хизмат қилган уч алифбо-ўзбек араб алифбосига, ўзбек кирилл алифбосига, ўзбек-лотин алифбосига қиёсий баҳо.**

**1929 йилда қабул қилинган ўзбек лотин алифбоси ва янги алифбонинг қиёсий таълили**

**Режа:**

1. **Ўзбекистон һукуматининг Давлат тили һақидаги қонунини қабул қилиншии.**

2. Ўзбек-араб, ўзбек-кирилл, ўзбек-лотин алифболарини ўзаро қиёсласи.
3. Ўзбек лотин алифбосининг афзалликлари.

1989 йил 21 октябрда ўн биринчи чақирик Ўзбекистон Олий Кенгашининг ўн биринчи йиғилишида Ўзбекистон һукуматининг Давлат тили һақидаги Конуни қабул қилинди. Конун ўзбек тилига давлат тил мақомини берди. Давлат тили һақидаги Конунни муҳокама этишда уч хил фикр билдирилди.

1) Давлат тили һақидаги Конун қабул қилишнинг һожати йўқ. Республика мустақил давлат бўлгач, унинг тили, табиий, давлат тили бўлиб қолади. Республикамиз Ўзбекистон экан, демак, унинг давлат тили ҳам ўз-ўзидан ўзбек тилидир.

2) Ўзбекистон Республикасида ўзбек тили, умуман, бирор тил давлат тили бўлиши мумкин эмас. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу фикр Чор Россияси ва рус тили чекка ўлкаларга босиб келаётган бир даврда, маъаллий миллат ва уларнинг тилини сақлаш мақсадида айтилган фикр эди.

3) Бизнингча, энг тўғри қараш эса, Ўзбекистон Республикасида ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш шарт деб ҳисобловчиларнинг фикри эди.

Ўзбекистонда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши давридан лотин һарфларига асосланган ўзбек алифбосини қайта тиклаш масаласи ўртага қўйилди, бу юзасидан матбуотда бир ярим йилга яқин эркин мунозара бўлди. Мана шундай муҳокамалардан сўнг кўпчилик мутахассислар лотин алифбосини қайта тиклашни маъқул кўрди. Бу масала Ўзбекистон Олий Кенгashi сессиясида ҳам кўрилди. 1993 йилнинг бошида туркий халқлар учун муштарак алифбо тузиш юзасидан ҳам иш олиб борилди.

Тилшуносларнинг эътироф этишича, биз фойдаланган уч алифболар олдига қўйиладиган талаблар бўйича һар уч алифбомизни таққослаб чиқиши кифоя:

Алифбодаги ҳар бир шакл товуш кўрсатиш учун хизмат қилиши керак, товуш кўрсатмайдиган шакл (белги) бўлмагани маъқул. Ўзбек араб алифбосида сукун аломати (—) товуш кўрсатмайди. Белги (апостроф) ўзбек лотин алифбосида ҳам бор ва

у ўзича товуш кўрсатмайди. Ўзбек кирилл алифбосида бундай белги иккита (ъ, ՚) ва улар ўзича товуш кўрсатмайди. Кўринадики, бу талаб жиҳатидан ўзбек араб алифбоси ва ўзбек лотин алифбоси, ўзбек кирилл алифбосидан устун.

Алифбодан фойдаланувчи тилдаги ՚ар бир фонеманинг ўз ՚арфи бўлиши керак. Ўзбек араб алифбосида, масалан, унли фонемалар етарли ՚арф билан таъминланган. Шундай ՚олат ўзбек лотин алифбосида ՚ам мавжуд. Шунга қарамай, ўзбек кирилл алифбоси ва ўзбек лотин алифбоси ўзбек араб алифбосидан устун.

Алифбода шу тилда йўќ фонемалар учун ՚арф бўлмаслиги керак, ՚арфлар фаќат шу тилда бор фонемалар учун олиниши керак. Ўзбек араб алифбосида барча ислоҳотлардан кейин ՚ам иккита арабча фонеманинг ՚арфлари (՚ойи ՚утти - ՚) ва (айн - ՚) ՚арфлари сақланиб қолинди. Ўзбек кирилл алифбосида биргина ՚арф (ц) бошқа тил фонемасини кўрсатишга хизмат қиласди. Лотин алифбосида бундай ՚арфий ортиқчалик йўќ. Бу томондан, кўринадики, ўзбек лотин алифбоси устун.

Алифбодаги барча ՚арфлар ՚ар қандай ՚олларда ՚ам айни бир фонемани кўрсатиши лозим. Ўзбек араб алифбосида алиф (׀), вов (Ѡ), йо (Ѽ) ՚арфлари ўрни билан унли товушни, шунингдек, ундош товушни ՚ам кўрсатишга хизмат қиласди. Ўзбек кирилл алифбосида икки фонема учун маҳсус ՚арф олинмаганлиги сабабли уларни ифодалаш бошқа ՚арфлар устига юкланган (о, ж). Ўзбек лотин алифбосида ՚ам шу сақланди.

Алифбодаги ՚ар бир ՚арф бир фонемани кўрсатишга хизмат қилиши лозим. Икки ёнма-ён келган фонемани бир ՚арф билан ёзиш айрим ноқулайликлар чиқаради. Ўзбек кирилл алифбосида е, ё, ю, я ՚арфлари маълум ишлатилишда ёнма-ён келган икки фонема учун ёзилади. Бундай ՚олат икки алифбода йўќ.

Алифбодаги ՚ар бир ՚арф ўзининг таг шакли билан бошқа ՚арфлардан аниқ фарқланиб туради. Ўзбек араб алифбосида 32 ՚арф 16 тагшакл асосида ՚осил қилинган, ՚арфлар шу 16 тагшаклнинг ост ва уст қисмига нуқталар қўйиш билан фарқланган. Тагшаклнинг бир хиллиги ўзбек кирилл (е, ё, и, й,

к, х, ҳ) алиф-босида ва ўзбек лотин алифбосида ҳам мавжуд (а, о, у, к, х, д...).

Ҳарф дастхатда олдинги ва кейинги ҳарфларга қўшиб ёзилиши маъқул. Бу талабга биринчи галда ўзбек араб алифбоси жавоб бермайди. Ўзбек кирилл ва ўзбек лотин алифболарида бундай камчиликлар йўқ.

Шу мавзу бўйича маҳсус изланишлар олиб борган тилшунослар Ш. Раҳматуллаев, Й. Абдуллаев, М. Қодиров, К. Назаровлар биз фойдаланган уч алифбо – ўзбек араб алифбоси, ўзбек кирилл алифбоси, ўзбек лотин алифбосига қиёсий баҳо бериб, уларнинг 20 га яқин маъно нозикликларини қайд этишган. Бизнингча, уларнинг ҳар бирини яна қайта такрорлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Юқоридаги қиёслардан аёнки, уч алифбомиздан бирортаси ҳам муқаммал эмас (муқаммал алифбо дунё миқёсида ҳам йўқ, улардан ҳар бири муқаммал алифбо олдига қўйиладиган талабларга турли даражада жавоб беради). Санаб ўтилган талабларга нисбатан кўп жавоб берадигани ўзбек лотин алифбосидир.

Ўзбек лотин алифбоси биринчи марта 1929 йили қабул қилинган. Мазкур алифбога 1934 йилда қайта тузатишлар киритилган. Шунга кўра биринчи ҳолатда, 9 унли ишоралар тасдиқланган бўлса, уларнинг сони 6 тага туширилди. 1940 йилда қабул қилинган рус алифбосига асосланган ўзбек алифбоси 1956 йилда қайта кўриб чиқилди ва муҳим ўзгартиришлар киритилди. Алифбога киритилган ҳар бир ўзгартириш Ўзбекистон Олий Кен-гаши қарори билан ўзгартирилади ва тасдиқланади.

1993 йил август ойида бўлиб ўтган конференцияда муҳокама қилинган алифбо лойиҳасида 30 ҳарф ва бир белги бўлиб (апостроф), унли фонемаларни ифодаловчи 6 ҳарфдан иккитасининг ҳар бири (у ва ў) икки хил товушни ифодалашни кўрсатиш назарда тутилган: о, о; у, и. 1993 йилда қабул қилинган ўзбек лотин алифбосининг лойиҳасидан сўнг билдирилган таклифлар, мутахассислар фикрлари инобатга олиниб, 1995 йилнинг 6-7 майида Олий Кенгаш сессиясида

ўзгартиришлар киритилди. Бундан кейин мана шу алифбога қатый амал қилинган һолда иш олиб борилади.

Янги ўзбек алифбосига ўтиш, асосан, ўзбек алифбосини жондаги ривожланган давлатлар ёзувига яқинлаштириш ғоясини назарда тутади. Шундай қилиб, мазкур янги алифбода 26 та һарф ва 3 та һарфлар биримаси мавжуд. Тутук белгиси нутк товушини ифодаламайди, шунинг учун бу белги алифбода берилмади, унинг қўлланилиш ўринлари имло қоидаларида кўрсатилади.

### **Таянч иборалар:**

Давлат тили, фонема, мукаммал алифбо, янги ўзбек алифбоси, һарф, дастхат, апостроф...

### **Мустақил ишлаш учун саволлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили һақидаги Конун эълон қилингандан сўнг, бу соҳада қандай қарашлар бўлди ва улар қандай моҳиятни назарда тутган эди?
2. Ўзбек лотин алифбосининг ўзбек-кирилл ва ўзбек-араб алифболаридан қандай ўзига хос жиҳатлари мавжуд?
3. Ўзбек лотин алифбосини мукаммал алифбо сифатида эътироф этиш мумкинми? Умуман, дунёда мукаммал алифбо борми?
4. 1929 йилда қабул қилинган ўзбек лотин алифбоси билан янги ўзбек лотин алифбосининг қандай ўхшаш ва фарқли томонларини санашингиз мумкин?

### **Адабиётлар:**

1. Раҳматуллаева Ш. Ўзбек тилининг янги алифбоси ва имлоси. -Т., 1999.
2. Абдуллаев Й. Янги алифбо ва имлодан қўлланма -Т., 1996.

## **Ўзбек лотин алифбосидаги һарфлар тартиби**

### **Режа:**

1. *Ўзбек тили асосий имло қоидаларининг қабул қилиншии*
2. *Ўзбек лотин алифбосидаги һарфлар тартиби ва қўлланилиши*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маћкамасининг 1995 йил 24 августда «Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини тасдиқлаш һақида» қарори чиқди.

Ишчи гуруҳ томонидан «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари»ни ћозирлаш жараёнида ўзбек тилшунослик фани янги атамалар билан бойитилди, баъзилари такомиллаштирилди, чунончи:

*Асос – 1995 мактаб ва олий ўқув юртлари дарслклари ва ўқув ќўлланмаларида ишлатиладиган ўзак ва негиз тушунчалари биргаликда асос атамаси («Асос ва ќўшимчалар имлоси») билан ифодаланади: ўқии, элак, ќишлоғим сўзларининг асоси ўқи, эла, ќишлоқ ќисмларидир; иши, ишили, ишила... сўзларининг асоси иш, ишли, ишла ќисмларидир. Эндиликда ўзбекча сўзларнинг таркиби ћақида гап кетганда ўзак ва асос тушунчалари назарда тутилади.*

*Овоздор товуши – шу вақтгача сонор товуши атамаси билан ифодаланиб келинган тушунча англашни осонлаштириши учун овоздор атамаси билан берилди. Бундай товушларни ћосил ќилишда овоз (ун) шовқинга нисбатан устун бўлади. Шунинг учун овоздор товуш деб олинди.*

*Қаратувчи бирикма – қаратќичли бирикма атамаси ўрнида ќўлланди. Қаратувчили бирикманинг (ќовуннинг ќоқиси-ќовунќоқи) бир сўзга айланиши билан юзага келган ќўшма отлар ќўшиб ёзилади, масалан: минѓбоши, сўзбоши, олмаќоқи, макка-жўхори.*

*Тутук белгиси – бу белги лотинча ўзбек алифбосида 1926 йилдан ќўлланилади. Мазкур алифбода бу белги учун маъно, раъно, аъзо, суръат сўзи мисол ќилиб берилган эди.*

30-йилларда тутук атамаси апостроф атамаси билан бирга ќўлланилган, кейинроқ тутук берилмай, апостроф ќўлланаверган. 1993 йилги ўзбек алифбосида тутук белгиси (апостроф) деб кўрсатилган.

Мазкур белги ќўлланган ўринларда товуш тутилади ёки унли нутк товушини айтишда товуш бир оз тутилиб, шу унли товуш чўзиқроқ талаффуз ќилинади: «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари»да тутук белгиси атамаси ќўлланади; унга яна бир вазифа юкланди («Тутук белгисининг ќўлланishi»га ќаранг).

*Кўчии белгиси – бу тушунча ва атама ўзбек тилишунослигида 1995 йил май оидан кўллана бошлади. Ўзбек янги алифбосидаги «о» ва «г» ҳарфларига кўчиш белгиси кўшилса, бу ҳарфлар ўзбекча сўроқ сўзидағи «ў» товушини, галла сўзидағи «ѓ» товушини ифодалайди.*

*Кўчии белгиси босма ҳарфларда унинг ўнг томонига ҳарфнинг юқори қисми бараварлигида тескари вергул билан (‘) ифодаланади:*

*Ёзма ҳарфларда эса кўл ҳаракатини ҳамда ёзувнинг кўринишини эътиборга олиб, ёзма ҳарфнинг устига тўлқинсимон чизик тортиш билан ифодалаш тавсия қилинди.*

*Ёзма матнда тутук белгиси вергул, кўчии белгиси эса ҳарфнинг устига тўлқинсимон чизик, босма матнларда эса тутук ҳарфнинг юқори қисми бараварлигида вергул, кўчиш белгиси эса ҳарфнинг ўнг томонига тескари вергул шаклида бўлади.*

*Ҳарфлар биримаси билан ифодаланадиган нутк товуши кирил алифбосидаги тонг сўзидағи «нг» эди. Янги ўзбек алифбосида бундай бирималар З та бўлди, яъни «ш», «ч» («ch», «sh», «ng») товушлари ҳамда «нг» ҳарфлари лотинча ҳарфлар бирималари билан олинди:*

*Ўзлашма сўз – ўзбек тили луѓат бойлигига бошқа тиллардан, чунончи: араб, форс, рус, инглиз ва бошқа тиллардан ўтган сўзлар олинма сўзлар, бошқа тиллардан ўтган сўзлар ўзлашма атамаси билан берилди.*

*1995 йил май оидада ўзбек тилишуностигида имло белгилари тушунчаси ва атамаси пайдо бўлди. Бундай белгилар З хил бўлиб, улар қўйидагилардир:*

*Тутук (апостроф) 1995 йилгача ўзбек алифбосида охирги ўринда берилар эди. Бу белгининг ёзувда кўлланиш ўринлари бўлиб, нутк товушини ифодаламайди. Шунинг учун бу белги 1995 йилдан алифбода эмас, имло қоидаларига кўчирилди.*

*Янги ўзбек алифбосида «ў» ва «г» нутк товушларини лотинча ҳарфлар билан ифодалашда мустакил ҳарфлар эмас, балки мазкур товушлар лотинча «о» ва «г» ҳарфларга ишора кўшиш билан ифодаланиши қабул қилинди. Бу ишора кўчиш белгиси атамаси билан ифодаланади.*

Булардан ташқари, ёзувда чизиқча һам ишлатилади. Чизиқча имло белгиси, чизиқ эса тиниш белгидир (*тире сўзи чизиқ атамаси билан алмаштирилди*).

Демак, ўзбекча имлода уч хил имло белгиси бор: *тутук* ва *кўччи белгилари һамда чизиқча*.

Тутук һамда чизиқча кўлланиш ўринлари имло қоидаларида берилади.

Ёзувда айрим һолларда урғу белгиси һам ишлатилади.

**Ўзбек-кирилл алифбосида ва ўзбек-лотин алифбосида шакллари бир хил ва айни бир товушни ифодалайдиган босма һарфлар.** Ушбу һарфларнинг шакли һам, товуш ифодалаш вазифаси һам бизга маълум. Фақат лотинча «к» һарфининг тик чизиқ қисми юқорига чўзиқроқ ёзилади «к» (бу фарқ ўқишида халақит бермайди):

**Ҳар икки алифбода шакллари бир хил, лекин товуш ифода-лаш вазифаси фарқли босма һарфлар.** Кирилл алифбосида икки вазифада келадиган бу һарфлар лотин алифбосида доим бир ва-зифада ишлатилишини билиб олишимиз керак: н, а, о, е, и...

Е: (е) а) Ўзбек лотин алифбосида бир унли товушни ифодалайди: ek, el, er, en - [эк, эл, эр, эн..].

б) Ўзбек кирилл алифбосида бўғин ичида (ундошдан кейин) бир унли товушни ифодалайди; бўғин бошида эса икки товушни (e-э) ифодалайди; кек, беш, Ѳеч; ер (йэр), ем (йэм), етти (йэтти).

**Ҳар икки алифбода шакллари бир хил, лекин бошқа бошқа товушларни ифодалайдиган босма һарфлар.** Бу һарфларни биламиз, фақат уларга бошқа (янги) товушни бириктириб ўқишига ўрганишимиз керак:

а) Р : а) Ўзбек-лотин алифбосида жарангсиз - pol, pok.

б) р портловчи ундош товушни ифодалайди: Pop (Поп), pok (пок), кара (капа);

в) Р - Ўзбек кирилл алифбосида жарангли титроқ ундош товушни ифодалайди: Раҳим, рұксат, заар;

*B* : а) Ўзбек лотин алифбосида портловчи ундош товушни ифодалайди: Век (Бек), Вор (боп); б) Ўзбек кирилл алифбосида сирғалувчи ундош товушни ифодалайди: Вали, Вобкент.

Н (h): а) Ўзбек-лотин алифбосида бўғиз ундош товушни ифодалайди: Hakka (Ҳакка); б) Ўзбек кирилл алифбосида тил олди овоздор бурун товушни ифодалайди: Наманган, Нурота;

У (у): а) Ўзбек-лотин алифбосида тил ўрта ундош товушни ифодалайди: ou (ой), rau (пай); б) Ўзбек-кирилл алифбосида тил орқа тор унли товушни ифодалайди: узум, муғим, турғун;

В (б) в): а) Ўзбек-лотин алифбосида портловчи лаб ундоши ифодалайди: вов (боб), вор (боп), воу (бой);

Б: Ўзбек кирилл алифбосида юмшатиш–айириш белгиси вазифасини бажаради: альбом, батальон.

Изоҳ. Бу ҳарф («ъ») билан белгининг («ъ») доира шаклидаги кисми ҳажман бир оз фарқ қиласи, лекин бу фарқ ўқиша халақит бермайди.

### **Таяинч иборалар:**

Қаратувчи бирикма, овоздор товуш, асос ва қўшимча, имло бирликлари, ёзма ҳарф, шакл, босма ҳарф, кўчиш белги, жарангиз, портловчи...

## **Мустақил ишлаш учун саволлар:**

1. Овоздор товуш тушунчаси нимани ифодалайди? У илгари һам ўзбек тилида мавжуд қайси тушунчага тенг келади?
2. Ўзбек тилшунослигида имло белгилари деган тушунча қачон пайдо бўлди ва бундай белгилар нечта?
3. Лотин ва кирилл алифбосида шакллари бир хил, лекин товуш ифодалаш воситаси фарқли бўлган һарфларга қандай һарфлар киради?
4. Ўзбек кирилл алифбосида ва ўзбек лотин алифбосида шакллари бир хил ва айни бир товушни ифодалайдиган һарфларга мисоллар келтиринг?

## **Адабиётлар:**

1. *Қодиров М., Эрназаров Т. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ва имлоси.* -Т., 1997.
2. *Раҳматуллаев Ш. Ўзбек лотин алифбоси.* -Т., 1995.

## **Босма ва ёзма һарфлар. Бош ва кичик һарфларнинг ёзилиши**

### **Режа:**

1. *1993 йил 6 майда қабул қилинган Янги ўзбек алифбоси*
2. *Алифбодаги һарфларнинг қўулланилишига кўра икки гуруҳга бўйиниши*
3. *Ёзма һарфларни ёзишининг ўзига хос хусусиятлари*

Янги ўзбек алифбоси ва унинг имлосини ўргатиш давлат аћамиятига эга бўлган мућим ишлардан бири саналади. Та-бииики, бу жараёнда асосий масъулият шу сона вакилларининг зиммасига тушади. Шунинг учун һам янги ўзбек алифбосини ўрганишда унинг ўзига хос томонларини аввало илғаб олиш зарур. Чунончи, янги ўзбек алифбоси ва имло қоидаларини ўрганишда уни кирилл алифбоси ва амалдаги имло қоидалари билан қиёслаб ўргатиш, бизнингча, яхши натижаларни беради.

1993 йил 2 сентябрда қабул қилиниб, 1995 йил 6 майда ўзгаришлар киритилган янги ўзбек алифбосида 26 һарф бор, З нутқ товуши эса һарфлар бирикмаси билан ифодаланади: мактаб

таълимида эса ўзбек алифбосида 29 ҳарф бор. Шу ҳарфлардан 6 таси унли товушларни, 23 таси эса ундош товушларни кўрсатади.

Унли нуткъ товушларининг 5 таси 5 хил ҳарф билан ифодаланади: «а», «о», «ү», «и», «е». Биттаси эса, яъни «ўзбек», «ўртоқ» каби сўзлардаги «ў» товуши маҳсус белги билан эмас, «олмоқ» сўзидағи «о» ҳарфига «кўчиш белгиси»ни кўшиш билан кўрсатилади: бу белги ёзма ҳарфларда унинг устига тўлкинли чизик тортиб, босма матнларда эса ҳарфнинг ўнг томонига юкори қисми бараварлигидаги «тескари вергул» ишораси шаклида бўлади: O'zbek, o'tin, o'ch.

Ундош товушларни ифодаловчи ҳарфлардан 18 таси 18 хил нуткъ товушини билдиради.

Ҳар бир ундош ҳарфнинг номи (бе (в); де (д)) билан шу ҳарф ифодалайдиган нуткъ товуши икки хил тушунча эканлигини унутмаслик керак. Унли ҳарфларда эса унинг номи ва у ифодалайдиган товуши бир хил бўлади.

Ўзбек имлосида қиска ва чўзиқ унли товушлар бир хил ҳарф билан ифодаланади.

Ўзбекистонда 1941 йилдан 1994 йилгача лотин ҳарфлари асосидаги ўзбек алифбосини ўргатиш, ҳуснихат методикаси юзасидан амалий-назарий ишлар олиб борилди. 1993 йилдан бошлаб бу масаладаги эътибор ортди. Мактаб ўқитувчилари, биринчи навбатда бошлангич синф муаллимлари, турли курсларда янги ўзбек алифбоси ва имлосини ўргатувчилар ўзлари ҳуснихат қоидаларига риоя қилиб ёза олиш малака ва кўнижмаларини ҳосил қилишлари, сўнгра таълим беришлари талаб қилинади; чунки шогирдлар устоздан ўрнақ, намуна олишларини асло унутмаслик керак.

Лотин ҳарфлари асосидаги ўзбек ёзуви ва имлосини ўргатиша айниқса, «алифбо даврида» ўқитувчининг ўзи ҳуснихатга қатъий риоя қилиб, доскага кўпроқ ёзиб бориши, бунда ҳарфларнинг туташтирилиши, айниқса қўйл ҳаракатининг узилмаслигига алоҳида эътибор бериши талаб қилинади.

Алифбодаги ҳарфлар кўлланиш ўрнига кўра икки гуруҳга бўлинади: ёзма ва босма кичик ҳарфлар, ёзма ва босма ҳарфлар.

Ёзма һарфларни ёзишда кўл һаракати асосан узилмайди. Бунда һарфларнинг бир-бири билан қаеридан, қандай туташтирилишини аниқ билиб, бу юзасидан қўникма ва малакалар ҳосил қилиш катта аћамият касб этади. Айрим һарфларнинг ўзида туташтирувчи унсурни йўқ. Бунда ёрдамчи унсур ёзув вақтида қўшилади.

Хуллас, янги ўзбек алифбосидаги һарфларни юќорида қайд этганимиздек, ўзбек кирилл алифбосидаги һарфлар билан қиёслаб ўргатиш анча яхши самарааларни бериши мумкин. Бу ўринда биз қуидагича усулни тавсия этишимиз мумкинки, бунга кўра ўзбек лотин алифбосини ўргатиш анча қулайликларни туғдириши мумкин. Чунончи:

- 1) һар икки алифбода шакли бир хил ва айни бир товушни кўрсатадиган һарфлар: м..т..а..к..о..х..
- 2) һар икки алифбода шакллари бир хил, лекин бошқа-бошқа товушни кўрсатадиган һарфлар: в..н..р..е..

### **Таянч иборалар:**

Имло қоидаси, унли ва ундош товуш, лотин һарфлари, босма һарф, ёзма һарф, кичик һарф, катта һарф, һусниҳат, чўзиқ унли товуш.

### **Мустақил ишлаш учун саволлар:**

1. Янги ўзбек лотин алифбосида акс этган унли ва ундошларни алобида санаб чиқинг ва уларнинг ўзига хос томонларини сананг.
2. Босма һарфларнинг ёзилишида эътиборга олиниши керак бўлган қандай хусусиятларни биласиз?
3. Ёзма һарфларни ёзишда асосан нимага аћамият бериш лозим?

### **Адабиётлар:**

1. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек лотин алифбоси. -Т., 1995.
2. Абдуллаев Й. Янги алифбо ва имлодан қўлланма. -Т., 1996.

## **Ҳарфларни қўшиб ёзиш. Ўзбек лотин ёзувидағи ҳарф бирикмалари. Ўзбек кирилл алифбосидаги ҳарф бирикмалари. Графемаларнинг ўзбек лотин алифбосида акс этиши**

**Режа:**

- 1. Ҳарфларни қўшиб ёзин имкониятларининг турлича бўлиши.**
- 2. Ўзбек лотин ёзувидағи ҳарф бирикмалари.**
- 3. Грамофемалар ва уларнинг гуруҳларга ажратилиши.**

Ҳарфларни алоҳида-алоҳида ёзиш билан ҳарфни сўз ва жумла таркибида бир-бири билан туташтириб ёзиш орасидаги ақлий жараённи фарқлаш зарур. Маълумки, ҳарфлар алоҳида ёзилганида ақлий жараёнда узилиш бўлади, сўздаги ҳарфларни туташтириб ёзганда эса, ҳар бир ҳарф ёзилаётганида ундан кейинги, уларнинг бир-бири билан қандай туташтирилиши тўғрисида ўйлаш узлуксиз давом этади. Кишининг фикрлаши фаоллашиб боради-да, шу аснода малака ва қўникма ҳосил бўла бошлайди.

Демак, сўз ва жумлаларда ҳарфларнинг туташтириб ёзилишига ақлий фаолиятини ривожлантирувчи бир жараён сифатида ёндашиш керак.

Бизнингча, янги алифбони ўрганувчилар имкон қадар кўпроқ ёзишлари ва мунтазам ўқиб туришлари лозим. Ўзбек лотин алифбосида бир сўз таркибига кирадиган ҳарфлар ўзаро қўшиб ёзилади. Кўшиб ёзиш имконияти ҳарфларда турлича. Уларни бир неча алоҳида гуруҳларга бўлиб кўрсатишимиш мумкин:

1) Ўзбек лотин алифбосидаги кичик ёзма ҳарфларни қўшиб ёзиш имконияти икки турли бўлади:

а) ўзидан олдинги ва кейинги ҳарфга қўшиб ёзиш имконияти ҳарфнинг ўзида бор:

б) ҳарфнинг ўзидан кейинги ҳарфга қўшиб ёзиш имконияти бор-у, олдинги ҳарфга қўшиб ёзиш имконияти эса бироз чекланади.

2) Ўзбек лотин алифбосидаги бош ҳарфлар, одатда, ўзидан кейин келган ҳарфларга қўшиб ёзилади. Ана шундай имконият

қўйидаги бош ёзма ҳарфларнинг ўз шаклида бор: А, В, М, Н, Д, Ј, О, Р.

Бу бош ёзма ҳарфларнинг ўз шаклида кейинги ҳарфга қўшиб ёзиш имконияти йўқ, шу сабабли бундай бош ёзма ҳарф зарур ўринда кейинги ҳарфга ётироқ чизиқча билан қўшиб ёзилади.

Демак, иккинчи тур бош ёзма ҳарфдан кейин иккинчи тур кичик ёзма ҳарф келса, бу ҳарфлар ётироқ чизиқча билан қўшиб ёзилади.

### **Ўзбек лотин ёзувидағи ҳарф бирикмалари**

1995 йил 6 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Олий Кенгаш қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилди. Бунда 26 ҳарф, 3 та ҳарфлар бирик-маси мавжудлиги эътироф этилган. Янги алифбо асосида ишлаш 1996 йил 1 сентябрдан 1-синфларда бошланиши, янги алифбога тўлиқ ўтилиши 2005 йилга қадар тугалланиши қайд қилинган.

Янги ўзбек лотин алифбосида ўзбек тилидаги 3 хил нутқ товуши («ш», «ч», «нг») ҳарфлар бирикмаси билан қўйидагича ифодаланади: ҳарф бирикмаси *шоли*, *ўқии* каби сўзларда «и» товушини (*sholi-o'qish*);

*ch-* ҳарф бирикмаси *чўл*, *ишионч* каби сўзларда «ч» товушини (*chol-ishonch*);

*ng-* ҳарф бирикмаси *онг*, *тенглик* каби сўзлардаги тил орқа овоздор бурун товушини ифодалаш учун ёзилади (*ong*, *bong*, *teng*).

Бу товуш амалдаги алифбода 1940 йил 8 майда ҳарф бирикмаси «нг» билан ифодаланиши қабул қилинган эди.

Демак, ҳарф бирикмаси билан ифодалангандан нутқ товушлари ўзбек тилида икки ҳарфни ёнма-ён келтириш билан кўрсатилади.

1. Янги ўзбек лотин алифбосини ўргатишда бир неча қулайликлар назарда тутилган. Аввал ёзилиши қийин бўлган ҳарфдан қутилиш мақсадида бу ҳарф кўрсатадиган товушни ифодалаш ҳарфига юкланди. Чунончи, бу уч ҳарф ўрнига ғарб тилларида қабул қилинган усул билан ҳарфларни бирлаштириш (яни, ҳарф бирикмалари орқали ифодаланади). Ўзбек тилида мавжуд

бўлган бош ҳарфлардан тузилган шартли қисқартмалар юқорида қайд этилган бирикмалар («sh» - «ш»), («ch» - «ч») таркибидаги иккинчи ҳарф ҳам бош ҳарф шаклида ёзилади:

Америка Қўшма Штатлари - (АҚШ) – AQSH.

2. Агар сўз сидирғасига бош ҳарфлар билан ёзилса, sh-ш, ch-ч, ng-нг таркибидаги иккинчи ҳарф ҳам бош ҳарф шаклида ёзилади: (Тошкент - Мингбулоқ - Toshkent, Mingbuloq)

Маълумки, ўзбек-кирилл алифбосида 4 та графемалар мавжуд бўлиб, улар: «е», «ё», «ю», «я» дир. Мазкур графемалар ўзбек лотин алифбосида ёзма нутқда бирмунча ўзгарган ҳолда акс этган. Яъни, ўзбек лотин алифбосида ўзбек-кирилл алифбосидаги «ё», «ю», «я», «е» ҳарфлари ўрнига қайси ҳарфларни ёзиш улар бажарадиган вазифаларга боғлиқдир. Уларни шартли равишда бир неча кичик пунктларга бўлиб кўрсатишмиз мумкин:

1) «е», «ё», «ю», «я» ҳарфлари икки товушни (й+унли) ифодалашга хизмат қилса, бу ҳарфлар ўрнига «уо», «уи», «уа» ҳарфлари ёзилади.

Масалан: заём – zayot, юмор – yumor, ядро – yadro.

ёмғир – yomg‘ir, ютуқ – yutuq, яхши – yaxshi

2) «ё», «ю», «я», «е» ҳарфлари ўзидан олдин келган ундошнинг юмшоқ эканини кўрсатишга хизмат қилса: а) асосан «ё» ҳарфи ўрнига «о» ҳарфи, «ю» ҳарфи ўрнига «и» ҳарфи, «я» ҳарфи ўрнига «а» ҳарфи ёзилади: сажер–sajer, люстра–lyustro, фляга–flyaga;

б) сўзнинг талаффузи кескин ўзгариб кетмаслиги учун қисман ё..ҳарфи ўрнига уо..ҳарфлари ёзилади: актер–aktyor, буро–byoro, снаряд–snaryat, каби.

Кўринадики, «е», «ё», «ю», «я» ҳарфлари ўзидан олдин келган ундошнинг юмшоқлигини кўрсатиш учун хизмат қилса, ўзбек лотин алифбосида эса улар икки хил акс эттирилади. Қачон бир ҳарф ва қачон икки ҳарф ёзишни қоидалаштириб бўлмайди, шу сабабли бундай ҳарф қатнашадиган сўзларнинг тўтири ёзилиши имло лугатида кўрсатилади.

«Ўзбек тилининг қисқача имло лугати»га (ЎЗФА нашриёти, 1962) киритилган сўзларнинг 41 тасида ё..ҳарфи шундай

вазифада келган. Ана шу сўзларнининг 17 тасида ё. Ҳарфи ўрнига о.. Ҳарфини ёзиш етарли: дирижёр–dirijyor, ликёр–likyoy.

Қўйидаги 24 та сўзларда эса «ё» ҳарфи ўрнига «ую» ёзилади: aktyor–актёр, дублёр–dublyor, боксёр–boksyor, плёнка–plyonka, вертолёт–vertolyot, суфлёр–suflyor, ваҳтёр–vaxtyor, partnyor–партнёр. Шу лугатга киритилган сўзларнинг 55 тасида «ю» ҳарфи ўрнига «и» ҳарфини ёзиш етарли: алюминий–aluminiy, бюджет–bugjet, люкс–luks.

Қўйидаги 4 сўзда эса «ю» ҳарфи ўрнига «уи» ёзилади: бюроқрат–byurokrat, бюст–byust, меню–menyu.

Мазкур лугатдаги сўзларнинг 47 тасида «я» ҳарфи шундай вазифада келган: молекуляр–molekulyar, сентябр–sentyabr, юбилияр–yubilyar.

Қўйидаги сўзларда эса «я» ҳарфи ўрнига «уа» ҳарфлари ёзилади: дворян–dvoryan, словян–slovyan, наряд–naryad, заряд–zaryad.

### **Таянч иборалар:**

1. Ҳарф, жумла, бош ёзма ҳарф, ҳарф бирикмаси, лугат, талаффуз, ҳарф бирикмаси, грамофема...

### **Мустақил ишлаш учун саволлар:**

1. Ҳарфларни кўшиб ёзишининг қандай имкониятлари мавжуд? Мазкур имкониятлар асосида «Ўзбекистон» ва «Оилас – фахрим» мавзуларга тегишли бўлган сўзлардан ёзинг.
2. Ўзбек лотин алифбосидаги ҳарф бирикмаларининг ўзига хос хусусиятларини сананг. Шартли қисқартмаларда мазкур ҳарф бирикмалари қандай акс этади?
3. Амалдаги алифбода мавжуд графемалар ўзбек лотин алифбосида қандай вазифаларни бажаради? Уларни маълум бир гурӯйларга ажратган ҳолда сананг ва изоҳи учун мисоллар келтиринг.

### **Адабиётлар:**

1. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг янги алифбоси ва имлоси. -Т., 1999.
2. Қодиров М., Эназаров Т. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ва имло курсининг дастури. -Т., 1997.

## **Кирилл алифбосидаги «ъ», «ъ» белгилари ва «Ҷ» һарфининг янги ўзбек лотин алифбосидаги сўзларда акс этиши**

### **Режа:**

- Кирилл алифбосидаги «ъ» ва «ъ» белгили сўзларнинг ёзилиши*
- Қайта ислоҳ қилинган алифбода «Ҷ» һарфининг ифодаланиши.*

Жорий этилаётган янги ўзбек лотин алифбомизнинг алоҳида таъкидланадиган хусусияти шуки, ушбу алифбо сирасидаги барча һарфлар ўзбек тилида мавжуд товушларни ифодалайди, фақат ўзга тилга мансуб товушни ифодалайдиган һарф йўқ. Ўзбек лотин алифбосининг олдинги кўринишида «с» һарфи русча «Ҷ» товушини ифодалашда белгиланган эди. Алифбонинг қайта ислоҳ қилинган охирги кўринишида бу товушни алоҳида бир һарф билан ифодалашдан воз кечилди.

Ўзбек кирилл алифбосидаги «Ҷ» һарфи ўрнида ўзбек лотин алифбосидаги қўйидаги һолатларни алоҳида кўрсатиш лозим бўлади:

а) «Ҷ» һарфи ўрнига ўзбек лотин алифбосида сўз охирида, сўз бошида, олд қўшимчадан кейин, ундошдан кейин «s» һарфи ёзилади:

кварц—kvarts,  
шприц—shpris,  
целлофан—sellofan  
цилиндр—silindr,  
антициклон—antisiklon  
конструкция—konstruksiya

б) бошқа һолатларда унлидан кейин ёзилади:

глицирин—glitsirin,  
гербицит—gerbisit,  
конституция—kontitutsiya

Янги ўзбек алифбоси жорий этилганлигидан бошлаб, кўпгина мутахассисларимиз бу масалага бағишлиб изланишлар олиб боришидни ва айни пайтда ҳам бу жараён давом этмоқда. Биз эътиборимизни қаратмоқчи бўлган масалалардан бири шуки, муаллифлар баъзи масалаларни ёритишда турлича ёндошмоқда-

лар. Бу бир тарафдан, ижобий һол саналса-да, аммо кези келганды янги имломизни ўрганувчиларни бироз шошириб, ўйлантириб қўйиши мумкин. Ҳусусан, шундай һолатлардан бири ўзбек-кирилл алифбосида мавжуд, ўзбек-лотин алифбосида эса ало-һида ҳарфга эга бўлмаган «ц» ҳарфининг имлоси масаласидир. Бу ҳа́да тильтуносларимиз Ш. Раҳматуллаев, А. Ўожиев, Й. Абдуллаев, М. Қодиров, К. Назаровларнинг ишларида ҳам учратишимиш мумкин. Бу ва шунга ўхшаш ҳал қилиниши лозим деб топилган масалаларга кейинроқ яна қайтилади.

Ўзбек-кирилл алифбосидаги мавжуд «ъ», «ъ» белгилари ўзбек-лотин алифбосида қўйидагича ўз аксини топган:

а) «ъ» белгиси – бу белги ундош товушнинг юмшоқлигини кўрсатса, ўзбек-лотин алифбосида бундай һоллар маҳсус қайд этилмайди.

Киёсланг: альбом–albom, вольт–volt, апрель–aprel  
нефть–neft, сентябрь–sentabr, январь–yanvar

б) айриш белгиси вазифасини бажарса:

«ю», «я» «е» ҳарфлардан олдин келганида белги ташланиб, «ю», «я», «е» ҳарфлари ўрнига «ү», «у», «ө» ҳарфлари ёзилади: интервью–intervyu, фортепъяно–fortepyano, премьера–premyera;

«о», «и» ҳарфларидан олдин келганида белги ўрнига «ү» ҳарфи ёзилади: павильон–pavilyon, батальон–batalyon, Ильин–Ilyin  
«ъ» белгиси:

а) бу белги рус тилидан олинган сўзларда ташланиб, ундан кейин келган «е», «ю» ҳарфлари ўрнига «у», «ү» ҳарфлари ёзилади: разъезд–razyezd, адъютант–adyutant;

б) араб тилидан олинган сўзларда бу белги тутук белгисига алмаштирилади: маъно–ma’no, санъат–san’at, Раъно–Ra’no.

Шу ўринда тутук белгисига ҳам изоҳ берилади: кетиши бизнингча, ўринлидири.

Тутук белгиси – ‘ бу белги ўзбек лотин алифбосида 1926 йилдан бери кўлланилади. Мазкур алифбода бу белги учун апостроф сўзи асос қилиб олинган. 30-йилларда тутук атамаси билан бирга кўлланила бошлаган. Кейинчалик эса, тутук берилмай, апостроф атамасининг ўзи ишлатилган.

1993 йилги ўзбек лотин алифбосида тутук белгиси (апостроф) деб кўрсатилган. Мазкур белги ёнлланганда товуш тутилади ёки унли нутк товушини айтишда товуш бир оз тутилиб, шу унли товуш чўзиқроқ талаффуз ёилинади: эълон—e'lon, Неъмат—Ne'mat.

Яна юам аникроқ ёилиб айтадиган бўлсак, тутук белгиси юқорида қайд этганимиздек, «ъ» белгиси билан ишлатиладиган арабча сўзларда аксарият юлларда ёнлланнилади.

### **Таянч иборалар:**

Ўзбек лотин алифбоси, ундош товуш, тутук белгиси, араб тили, юарф, рус тили, нутк товуши, талаффуз.

### **Мустақил ишлаш учун саволлар:**

1. «ъ» ва «ъ» белгилари ютнашган гапларни ўзбек лотин алифбосида ёзинг. Уларнинг имлосига аћамият беринг.
2. Маънавият, таассурот, эътибор, эъзоз, аъло, санъат, ёалъа, саъва, вайда, даъво каби сўзларда «ъ» белгиси туширилганда ёндан ўзгаришлар юз беради? Юқоридаги сўзлар билан боғлиқ матнлар тузинг. Уларни лотин алифбосида ёзинг.
3. Ўзбек кирил алифбосидаги «Ҷ» ўзбек-лотин алифбосида ёндан акс этганигини мисоллар билан тушунтиринг. Мисолларни лотин алифбосида дафтaringизга ёзинг.

### **Адабиётлар:**

1. Абдуллаев Й. Янги алифбо ва имлодан ёнлланма (Совъа). -Т., 1996.
2. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг янги алифбоси ва имлоси. -Т., 1999.
3. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек лотин алифбоси. -Т., 1995.

## **1995 йил 24 августда қабул ёилинган «Ўзбек тилининг асосий имло ёидалари»**

### **Режа:**

1. Ўзбек тили асосий имло ёидаларининг қабул ёилиниши
2. Янги имло ёидаларининг ўзига хос хусусиятлари

«Ўзбек тилининг асосий имло ёидалари» лойиҳаси Ўзбекистон Фанлар академияси тилшунослик институти илмий

кенгашида, Тошкент давлат университети, Тошкент давлат педагогика институти тил кафедраларининг қўшма йиғилишила-рида, Халқ таълими вазирлигининг Республика таълим илмий-услубий марказида атрофлича муҳокама қилинди. Билдирилган хуносалар ишчи гурӯҳ томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди, бир қанча қоидаларга ва келтирилган мисолларнинг ёзилишига аниқлик киритилди, моддалар таълил қилинди, ортиқча деб һисобланган қоидалар чиқариб ташланди. Хусусан, юкламаларнинг ёзилишида амалдаги имло қоидаларида мавжуд бўлган қоида сақлаб қолинди. Ҳар бир қоида фақат илмий жиҳатдан-гина эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам ўзлаштиришга осон бўлиши эътиборга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 1995 йил 24 августда «Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» қарори чиқди. Ишчи гурӯҳ томонидан «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари»ни ҳозирлаш жараёнида ўзбек тилшунослик фани айрим янги атамалар билан бойитилди, айримлари такомиллаштирилди, чунончи:

1995 йилгача мактаб ва олий ўқув юртлари дарслклари ва ўқув қўлланмаларида ишлатилган ўзак ва негиз тушунчалари биргаликда а с о с атамаси («Асос қўшимчалар имлоси») билан ифодаланади: ўқиш, элак, қишлоғим сўзларининг асоси эла, ўқи, қишлоқ қисмларидир. Эндиликда ўзбекча сўзларнинг таркиби ҳақида гап кетгандা, ўзак ва асос тушунчалари назарда тутилади.

Овоздор товуш – шу вақтгача сонор атамаси билан берилган тушунча англашни осонлаштириш учун овоздор товуш атамаси билан алмаштирилди. «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари»га тегишли бўлган бунга ўхшаш ўзгартирилган тушунчаларнинг баъзилари билан биз юқорида ҳам тўхталганмиз. Шу боис бу ҳақда яна кенг тўхталиб ўтишни лозим топмадик.

Умуман олганда, и м л о б е л г и л а р и тушунчаси ва атамаси ўзбек тилшунослигига 1995 йил май ойидан пайдо бўлди. Бундай белгилар уч хил.

Т у т у қ – (апостроф) 1995 йилгача ўзбек алифбосида охирги ўринда берилар эди. Бу белгининг ёзувда қўлланилиш

ўринлари бўлиб, нутќ товушини ифодаламайди. Шунинг учун бу белги 1995 йилдан алифбода эмас, имло қоидаларига кўчирилди. Янги ўзбек алифбосида «ў» ва «ѓ» нутќ товушларини лотинча ҳарфлар билан ифодалашда мустақил ҳарфлар эмас, балки, мазкур товушлар лотинча «о» ва «ѓ» ҳарфларига ишора кўйиш билан қабул қилинди. Бу ишора **кўчии белгиси** атамаси билан ифодаланади. Булардан ташқари, ёзувда чизикча ҳам ишлатилади. Чизикча имло белгиси, чизик эса тиниш белгидир (тире сўзи чизик атамаси билан алмаштирилди).

Демак, ўзбекча имлода уч хил имло белгиси бор: тутук, **кўчии белгиси** ҳамда **чизикча**. Мазкур белгиларнинг иккитаси тутук ҳамда чизикчанинг ёулланиш усуллари имло қоидаларида берилади. Тилшуносларимиз айтганларидек, булардан ташқари, айрим ҳолларда у рғ у белгиси ҳам ишлатилади.

### **Таянч иборалар:**

Имло қоидаси, сонор атамаси, овоздор товуш, ўзак ва негиз тушунчаси, асос тушунчаси, ургу, чизикча, имло белгилари.

### **Мустақил ишлаш учун саволлар:**

1. «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари» лойиҳаси қабул қилиниши билан ўзбек тилшунослик фани қандай янги атамалар билан бойиди? Уларнинг изоҳи учун мисоллар келтиринг.
2. Асос, овоздор товуш, қаратувчи бирикма, кўчиш белгиси каби янги атамаларни қандай тушунасиз?
3. Ўзбек тилшунослигига имло белгилари тушунчаси қачондан бошлаб пайдо бўла бошлади ва улар нечта деб қайд этилган?

### **Адабиётлар:**

1. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек лотин алифбоси. -Т., 1995.
2. Қодиров М., Эрназаров Т. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ва имлоси. -Т., 1997.

## **Унлилар имлоси. Ундошлар имлоси**

### **Режа:**

1. **Унли ҳарфларнинг янги имлода акс этиши**

## **2. Ундошлар имлосининг мавжуд имло қоидалари ва янги имло қоидалари орасидаги умумийлиги**

Ҳозиргача амал қилиб келинган имло қоидалари 1956 йилнинг 4 апрелидан бошлаб жорий қилинган. Шундан бери ўтган вақт давомида ўзбек тилшунослиги сезиларли тарақкӣ этди, тил ҳодисаларини тушунишимиз чуқурлашди, имло қоидаларидаги ортиқчаликлар, хато ва камчиликлар очик кўринди, айрим тил ҳодисаларини қоидаларда қамраб олиниши ҳам аниқ бўлди. Булардан қатъи назар имло қоидаларини янгилаш ўз-ўзидан лозим бўлиб қолди. Алифбони алмаштириш имло қоидаларини ҳам қисман англашни тақозо этади. Ана шу заруриятлар туфайли амалдаги имло қоидалари қайта ишланиб такомиллаштирилди ва амалиётга жорий қилинди. Ушбу қўлланма ҳозир жорий этилган имло қоидаларида айни пайтда амалда бўлган имло қоидаларига қисмма-қисм қиёслаб шарҳланилган фикрларга таянади. Демак, ушбу қўлланмадан фойдаланишда ҳар икки имло қоидалари тўпламига эга бўлиш зарур<sup>1</sup>.

### **Тарфлар имлоси**

Бу қисм 32 параграфдан иборат бўлиб, унлилар имлоси (1-7 параграфлар) ва ундошлар имлоси (8-32 параграфлар) деб иккига ажратилди.

### **Унлилар имлоси**

Унлилар имлоси бўлимида товушлар амалдаги қоидаларда берилган тартиб асосида жойланди, фақат олдин кенг, сўнгра тор унлилар, охирида ўрта - кенг унлилар берилади. Шундай жойлашишда унли товушларнинг ўзаро яқинлиги ва нутқда бир-бирига ўтиши ҳисобга олинди.

Бу бўлимдаги 2-, 5-, 6-параграфларда соф график қоида (ҳарф товуш муносабат) берилди, қолган тўрт параграфда эса, график қоида билан бир қаторда орфографик қоида ҳам берилди.

---

<sup>1</sup> Яна бу ҳақда қаранг: Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг Янги алифбоси ва имлоси. –Т. 1999.

Җарфлар имлоси бўлимидаги график қоидалар алифбони ўрганиш жараёнида айтилиши ҳисобга олиниб, бу ерда асосан орфографик қоидалар бўйича мулоҳаза юритилди.

«а» ҳарфи. Амалдаги қоидаларда бу ҳарф 6-параграф сифатида берилган бўлиб, ундаги уч пунктдан учинчиси жорий этилаётган қоидаги киритилмади. Ўзбек тилига ўзлашган бундай арабча сўзларнинг кўпчилигига учинчи бўғинда «а» айтиш ва ёзиш қабул қилинган (аслида эса бу бўғинда «і» унлиси қатнашади);

Шу туфайли бундай сўзларнинг тўғри ёзилиши бўйича ягона қоида бериб бўлмайди, унинг тўғри ёзилиши имло лугатида кўрсатиласди.

Гарб тилларидан олинган сўзлар учун тузилган 2-пунктдан бир бўғинли сўзлар чиқарилди, демак, бундай сўзларни аслига кўра «а» унлиси билан айтиш лозимлиги кўзда тутилди. Бу пунктга шарқ тилларидан сўз киритилиб, «а» унлиси ўрнига «о» унлиси айтиш анча кенг ҳодиса экани намойиш қилинади ва бундай сўзлардан аслига кўра «а» айтиш ва ёзиш лозимлиги қоидалаштирилди.

Бу параграфнинг графика масаласи акс этган 1-пунктида ҳам ўзгариш бор: мисоллар бошқача сараланади: ҳодиса унлиниңг қаттиқ-юмшоқлиги асосида эмас, балки муҳимроқ белгилари (тор-кенглиги, олд қатор ёки орқа қатор унлиси эканлиги) асосида изоҳланади (бундай ўзгаришлар бошқа параграфларда ҳам амалга оширилади). Афсуски, унлиларнинг лабни фаол иштирокига кўра белгисини таъкидлашдан воз кечилди.

Имло қоидалари лойићасининг муҳокамаси шуни кўрсатадики, унлиниңг орқа қатор товуш эканини тил орқа ундошнинг таъсирида ортиқланиши ҳодисасидан фарқланмаслиги бор экан: «а», «і» унлилари - ўз табиатига кўра олд қатор унлилари (ilm, il каби), лекин ёнида келадиган ундошнинг таъсири билан ортиқланиши мумкин (islom, ilhom каби). Амалдаги имло қоидаларида бундай ортиқланиш ҳодисаси “қаттиқ айтилади”, “қаттиқ унли” деб тушунтирилган. Талаффузга доир бундай таъкидлар жорий этилаётган имло қоидаларига киритилмади.

Хуллас, янги имло қоидаларининг “Унли имлоси” бўлими анча соддалашди ва ихчамлашди. Аммо шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бу борада һали һам ечилиши керак бўлган масалалар талайгина.

“Ўзбек тилининг имло қоидалари”да 25 параграфнинг 18 тасида график қоида берилган. Уларнинг айримларига қисқача шарҳ бериб ўтиш мумкин:

1. **A, a** ҳарфи:

1) aka, alanga, og'a; sentabr, noyabr каби сўзларга оид қатор кенг унлини ифодалаш учун ёзилади;

2) bahor, zamon; savol, gavda; vasvasa каби сўзларнинг олдинги бўғинида, vaqt, vahm каби сўзларда а айтилади ва ёзилади.

2. **O, o** ҳарфи:

1) ona, omon, quyosh, fido, baho, xola, lotin; mukofot, mahorat каби сўзларда орқа қатор кенг унлини ифодалаш учун ёзилади;

2) boks, poezd, tonna, talon; agronom, mikrofon; direktor, termos каби ўзлашма сўзлардаги унлини ифодалаш учун ёзилади;

3. **J, j** ҳарфи:

1) ish, iz, qil, xirmon, ilhom, ikki, ixtisos, shoyi, tulki; volida, piramida; bilan, biroq, sira, qishloq, chiroq каби сўзларда олд қатор тор унлини ифодалаш учун ёзилади;

2) o'tin, o'rik, bo'lim каби олдинги бўғинда о' унлиси келадиган сўзларнинг кейинги бўғинида і айтилади ва ёзилади;

4. **U, u** ҳарфи:

1) uy, kun, buzoq, buloq, Buxoro; butun, uchuq, usul, yulduz; mashhura; ko'zgu, suyu; aluminiy, yubiley каби сўзларда орқа қатор тор унлини ифодалаш учун ёзилади;

2) qovun, sovun, tovush, yovuz, qirg'ovul, chirmovuq каби сўзларнинг олдинги бўғинида о унлиси келса, кейинги ёпик бўғин бошидаги ундошидан кейин и айтилади ва ёзилади

5. **O', o'** ҳарфи о'ta, o'q, o'zbek, o'simlik, do'ppi; bo'tako'z, semizo't, gulko'gra, noo'r'in каби сўзларда орқа қатор ўрта кенг унлини ифодалаш учун ёзилади.

6. **E, e** һарфи erkin, esla, evaza, ekran, eksport; kel, zehn; kecha, behi, telefon, teatr; poyezd, atelye; e'lon, ne'mat, she'r каби сўзларда олд қатор ўрта-кенг унлини ифодалаш учун ёзилади.

7. Ёнма-ён келадиган унлилар имлоси:

1) унлилар орасига баъзан у ундоши кўшиб айтилса ҳам ёзилмайди:

а) ia: *material, milliard, radiator; tabiat, shariat* каби;

б) io: *biologiya, million, stadion, radio* каби;

в) ai: *ukrain, said, maishat* каби;

г) oi: *alkoloid, ellipsoid, doim, shoir, oila* каби;

д) ea: *teatr, okean, laureat* каби;

2) ае, ое унлилари сўз ичидаги келганда иккинчи унли у айтилса ҳам, аслига мувофиқ е ёзилади: *aerostat, paeta* каби.

Бошқа ҳолларда ёнма-ён келган унлилар одатда айнан айтилади ва ёзилади: *manfaat, kauchuk, aorta, saodat, burjua, shuaro, ishoot, sanoat, vakuum, tuamto, matbuot, tabiiy, rioya* ва бошқалар.

### Ундошлар имлоси

8. **B, b** harfi;

1) bob, bahor, bir, majbur, zarb каби сўзларда жарангли портловчи лаб ундошларини ифодалаш учун ёзилади;

2) hitob, yuzlab, kelib каби сўзлар охирида р айилса ҳам b ёзилади.

9. **P, p** һарфи: paxta, pichoq, opa, tera, tup, yop каби сўзларда жарангиз портловчи лаб ундошини ифодалаш учун ёзилади.

10. **V, v** һарфи:

1) ov, suv, kuyov: ovoz, savol: volida, vatan каби сўзларда овоздор сирғалувчи лаб ундошини ифодалаш учун ёзилади;

2) avtobus, avtomat каби ўзлашма сўзларда v баъзан f айтилса ҳам v ёзилади.

11. **F, f** һарфи:

1) fan, fe'l, futbol, fizika: asfalt, juft, insof, isrof каби сўзларда жарангиз сирғалувчи лаб ундошини ифодалаш учун ёзилади;

2) fasl, fayz, Fotima, fursat каби сўзларда f товуши баъзан р айтилса ҳам, аслига мувофиқ f ёзилади.

**12. М, м** һарфи: may, muborak, tomon, ilhom қаби сўзларда овоздор лаб-лаб р ундошини ифодалаш учун ёзилади.

Жорий имло қоидаларидан янги имло қоидаларининг фарқи шуки, унда сўз охиридаги икки бир хил һарф сақлаб ёзиш қоидалаштирилди. Янги алифбода бунга ўхшаш һодисаларнинг баёнига аниқлик киритилди, унга кўра сўз охиридаги иккинчи һарф ёзилмаслиги таъкидланди, “кўшимча” сўз ўрнига “кисм” сўзи ишлатилди. Жумладан, тилшуносларимиз Ш. Раҳматуллаев ва Й. Абдуллаевлар ушбу һодисани ижобий баҳолашган. Бизнингча, бу жуда ўринли ўзгариш – сабаби, һақиқатан һам, юкламани кўшимча дейиш ўринсиз.

Кўшимчалар имлоси учун 5 та маҳсус параграф ажратилган бўлиб, һозир уларнинг айримларига қисқача тўхталиб ўтамиз (амалдаги имло қоидаларининг мазкур қисмига 25 параграф ажратилган - бундай камайиш 3 сабабга кўра юз берган:

- а) айрим һодисалар янги имло қоидаларига киритилмади;
- б) айрим һодисалар имло қоидаларининг бошқа қисмларига ўтказилди;
- в) айрим һодисалар ўзаро бир параграфга бирлаштирилди.

Биз мазкур сабабларнинг һар бирига қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз:

- 1) Сон-сана қаби товуш ўзгариши (31-параграф) киритилмади, яни бунда шу қисмнинг ўзидагина бўладиган ўзгаришларни һисобга олиб, бундай һодисалар сўз ясалишига тааллуқли деб баҳоланди һамда улар имло луѓатида ўз аксини топди.
- 2) Иси-иссиқ қаби товуш ўзгариши (40-параграф) киритилмади, чунки бундай товуш саноғли сўзлардагина бўлиб, булар һам сўз ясалиши билан боғлиқ.
- 3) Амалдаги қоидалар 44-параграфида келтирилган - гани, -гин кўшимчаларини бирор талаб билан -гали, -гил шаклида ёзиш һозирги ўзбек адабий тили учун хос эмас. Бу кўшимчалар тизими шаклида берилиши табиий.
- 4) Амалдаги қоидаларнинг 46-параграфида -ли, -лик кўшимчалари кенг тавсифланган. Сўз ясалиши билан боғлиқ бўлганлиги учун бундай һодисалар имло луѓатида ўз

аксини топган. Аммо, баъзи сўзларнинг тўғри ёзилиши, жумладан, тошкентлик, бухоролик каби сўзларнинг тўғри ёзилиши имло луғатида ўз аксини топмаган.

- 5) Амалдаги қоидаларнинг 49-параграфида саналган (фамилия ва ота исмини билдирувчи сўзлар кўшимчалари имлоси) киритилмади. Бундай тизимнинг ўрнини келгусида «исм - ота исм» тизими олиш назарда тутилди.

Жорий этилаётган қоидалар тўпламидаги 35-параграфнинг 3-пункти анча мураккаб тузилган бўлиб, бу пунктда «о», «о’», «и», «е» унлиси билан тугайдиган сўзларга эгалик кўшимчаси қандай шаклда кўшилиши баён қилинади. Бундай қоида амалдаги имло қоидаларида йўқ, демак, булар янги қоида сифатида ўрганилиши керак. “Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари”да қайд этилган асос ва кўшимчалар имлоси билан боғлик ҳодисалар ҳақида тилшуносларимиз ўз ишларида кенг тўхтатланлар. Бу ўринда биз муҳим ҳисобланган баъзи қисмлар устидагина тўхтадик, холос.

Кўшиб ёзиш амалдаги қоидаларнинг 56-параграфида 4 пункт қилиб баён қилинган. Амалдаги имло қоидаларидан фарқли ўлароқ, янги имло қоидаларида кўшимча сўзлар, қисқартма сўзлар имлоси ҳам берилди. Қисқартмалар ҳақида 49-параграфида янги қоида берилди, унда қисқартма қисмларини, шунингдек, унга кўшиладиган кўшимчаларни кўшиб ёзиш таъкидланади. Ёнма-ён келган икки қисқартмани ажратиб ёзиш айтилади. 40-параграфда ҳам янги қоида берилди: сўз ясовчи кўшимча кўшилса, такрор тақлид сўз қисмлари орасидаги чизиқча ташлаб, бу қисмлар кўшиб ёзилиши айтилган: пир - пирак! Пирпирак.

Сўзларнинг кўшиб ёзилиши ҳақидаги қисмлар ҳам бу соҳада муфассал ёритилган. Бу масалаларнинг ёритилиши, бизнингча, талабаларга мустақил топширик сифатида берилса, улар эса амалдаги имло қоидалари билан солиштиришса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

### **Таянч иборалар:**

Кўшиб ёзиш, товуш ўзгариши, имло қоидалари, товуш, адабий тил, сўз ясалиши, эгалик кўшимчаси, тўғри ёзиш, имло

ќоидалари, орфографик ёида, график ёида, һарф имлоси, бўгин, ёшимча, ёисм, олд ёатор, орка ёатор унлиси.

### **Мустаќил ишлаш учун саволлар:**

1. Жорийдаги имло ёидалари ёачондан бошлаб ёабул ёилинган? Унга ёндай ўзгаришилар киритилди?
2. Унлилар имлоси янги имлода ўзига хос ёндай хусусиятларга эга? Унинг ёзилишига доир мисоллар келтиринг.
3. Ундошлар имлосида мавжуд имло ёидалари билан янги имло ёидалари ўртасида ёндай бир хилликлар бор?

## **Асос ва ёшимчалар имлоси. Сўзларни ёшиб ёзиш имлоси**

### **Режа:**

1. *Асос ва ёшимчалар имлосидаги ўзгаришилар*
2. *Ёшиб ёзиш ёидаларининг янги имлода акс этиши*

Такомиллашиб анча пухта ишланган имло ёидалари айни пайтда амалиётга жорий этилган. «Ўзбек тилининг асосий имло ёидалари»да ҳозиргача амалда бўлган имло ёидаларига изчиллик билан тўхталиб, улар ёисмма-ёисм шаръланган. Жумладан, мазкур имлода асос ва ёшимчалар имлоси учун 5 та маҳсус параграф ажратилган бўлиб, ҳозир уларнинг айримларига ёискача тўхталиб ўтамиш: (амалдаги имло ёидаларининг мазкур ёисмига 25 параграф ажратилган. Бундай камайиш 3 сабабга кўра юз берганлиги ва буларнинг изоћи юкорида ёайд этилди.

Ўзбек тилидаги асос ва ёшимчалар имлоси ҳамда сўзларни ёшиб ёзиш масалаларини талаба ва ўқувчиларга етказиши бирмунча мураккаб жараёндир. Бу мураккабликни юзага келтирган омиллардан яна бири талаффуз меъёрлари ва имлонинг ҳамма ваќт ҳам бир-бирига мос келмаслик ҳолатларидир. Шуни ҳисобга олган ҳолда мазкур мавзунинг ёритилиши учун янада кенг тўхталишни лозим топдик. Бунинг учун, албатта, «Ўзбек тилининг асосий имло ёидалари»га яна мурожаат ёилинди<sup>1</sup>.

Ёшимча ёшилиши билан сўз охиридага унли ўзгаради:

---

<sup>1</sup> Каранг: Ўзбек тилининг асосий имло ёидалари.

1) «а» унлиси билан тугаган феълларга -v, -q, -qi кўшимчаси кўшилганда «а» унлиси «о» айтилади ва шундай ёзилади: sayla-saylov, sina-sinov, aya-ayovsiz; so'ra-so'roq, bo'ya-bo'yoq; o'yna-o'ynoqi, sayga-saygoqi каби;

2) «i» унлиси билан тугаган кўпчилик феълларга -v, -q кўшимчаси кўшилганда бу унли «ii» айтилади ва шундай ёзилади: o'qi-o'quvchi, qazi-qazuvchi, sovi-sovuq каби. Лекин «i» унлиси билан тугаган айрим феълларга -q кўшимчаси кўшилганда, бу унли «i» айтилади ва шундай ёзилади: og'riq, og'riq, qavi-qaviq каби.

### Эслатма:

- 1) ундош билан тугаган барча феълларга -uv кўшилади: ol-oluv, yoz-yozuv каби;
- 2) ундош билан тугаб, таркибида «u» унлиси бор феълга -uq кўшилади: uz-uzuq, yut-yutuq каби. Лекин iyushiq, burushiq, uchuriq (шунингдек, buliduriq) каби сўзларнинг учинчи бўғинида «i» айтилада ва шундай ёзилади.

«k», «q» ундоши билан тугаган кўп бўғинли сўзларга, шунингдек, bek, yo'q каби айрим бир бўғинли сўзларга эгалик кўшимчалик кўшилганда «k» ундошига, «g» ундошига, «q» ундоши «g» ундошига айланади ва шундай ёзилади: – tilak-tilaging, yurak-yuragim, kubok-kubogi, bek-begi; tayoq-tayog'i, qoshiq-qoshig'i, yaxshiroq-yaxshirog'i, yo'q-yo'g'i каби. Лекин кўп бўғинли ўзлашма сўзларга, бир бўғинли кўпчилик сўзларга эгалик кўшимчалик кўшилганда «k», «q» товушк аслича айтилади ва ёзилади: ishtirok-ishtiroki, ocherk-ocherki, erk-erki, huquq-huquqim, ravnaq-ravnaqi, uuq-uuqi каби.

Қуйидаги кўшимчалар кўшилиши билан сўзнинг таркибида товуш тушади ёки ортади:

1) o'rın, qorın, burun, o'g'il, bo'yin, ko'ngil каби баъзи сўзларга эгалик кўшимчалик кўшилганда, qayir, ayir каби феълларга нисбат шаклини ясовчи -il кўшимчалик кўшилганда, iksi, olti, yetti сўзларига -ov, -ala кўшимчалари кўшилганда иккинчи бўғиндаги унли айтилмайди ва ёзилмайди: o'rın-o'rnim, qorin-qorni, burun-burning, o'g'il-o'g'ling, ko'ngil-ko'ngli, yarim-yarmi; qayir-qayril, ulug'-ulg'ay, sariq-sarg'ay, iksi-ikkov, iksi-

ikkala, yeti-yettov каби;

2) u, bu, shu, o'sha олмошларига -da, -dan, -day, -dagi, -ga, -gacha, -cha кўшимчалари кўшилганда «n» товуши кўшиб айтилади ва шундай ёзилади: unda, bunday, shunda, o'shancha каби; бу олмопшарга эгалик кўшимчалари кўйидагича кўшилади: buningiz, o'shanisi каби;

3) «о», «о'», «и», «е» унлилари билан тугайдиган сўзларга эгалик кўшимчалари кўйидагича кўшилади:

а) кўпчилик сўзларга эгалик кўшимчалари -m, -ng, -si; -miz, -ngiz, -si (ёки -lari) шаклида товуш орттирмай кўшилади: bobom, bobosi, bobomiz, bobongiz, bobosi (ёки bobolari); orzum, orzung, orzusi; orzumiz, orzungiz, orzusi каби.

Кўйидаги кўшимчаларнинг бош товуши икки ёки уч хил айтилади ва шундай ёзилади:

1) тақлид сўзлардан феъл ясовчи -illa (chirlla; taqilla) кўшимчаси сўз таркибида «v» ёки «и» товуши бўлганда –ulla айтилади ва шундай ёзилади: shovulla, lovulla, gurulla каби;

2) нисбат шаклини ясовчи -dir кўшимчаси жарангли ундош билан тугаган бир бўғинли сўзларга (ke1 сўзидан бошқа), шунингдек «z» ундоши билан тугаган орттирма нисбат ясовчисидан кейин кўшилади: quvdir, egdir, kuldir, yondi; o'tkazdir, tomizdir каби. Колган барча ҳолларда бу кўшимча -tir айтилади ва шундай ёзилади: tiktir, kestir, uyaltir, chaqirtir каби;

3) жўналиш келишиги кўшимчаси -ga, чегара билдирувчи -gacha, равишдош шаклини ясовчи -gach, -guncha, -gani, -gudek, сифатдош шаклини ясовчи -gan, буйруқ майлининг иккинчи шахс кўрсаткичи -gin, шунингдек -gina кўшимчаси уч хил айтилади ва шундай ёзилади:

а) «k» ундоши билан тугаган сўзларга кўшилганда бу кўшимчаларнинг бош товуши «k» айтилади ва шундай ёзилади: tokka, yo'lakkacha, ko'nikkach, zerikkuncha, to'kkani, kechikkudek, bukkan, ekkin, kichikkina каби;

б) «q» ундоши билан тугаган сўзларга кўшилганда бу кўшимчаларнинг бош товуши «q» айтилади ва шувдай ёзилади: chopiqqa, qishloqqacha, yoqqach, chiqquncha, chiniqqani, qo'rqqudek, achchiqqina каби;

в) қолган барча һолларда сўз қандай товуш билан тугашидан ва бу қўшимчаларнинг бош товуши «к» ёки «q» айтилишидан қатъи назар «g» ёзилади: bargga, pedagogga, bug'ga, sog'ga, og'gan, sig'guncha каби.

### Қўшиб ёзиш

Xona, noma, poya, bop, xush, ham, baxsh, kam, umum, rang, mijoz, sifat, talab каби сўзлар ёрдамида ясалган қўшма от ва қўшма сифатлар қўшиб ёзилади: tabriknoma, taklifnoma, bedapoya, om-mobop, xushxabar, umumxalq, sovuqmijoz, devsifat, suvtalab каби.

-(a)r (инкор шакли — -mas) қўшимчаси билан тугайдиган қўшма от ва қўшма сифатлар қўшиб ёзилади: o'rribosar, otboqar, cho'lquvar, ishyoqmas, qushqo'nmas каби.

Такрор тақлид сўзларга қўшимча қўшиш билан ясалган от ва феъллар қўшиб ёзилади: pirpirak (pir-pir+ak), hayhayla (hay-hay+la), gijigijla (gij-gij+la) каби.

Нарсани (предметни) бошқа бирор нарсага нисбатлаш (қиёслаш), ўхшатиш йўли оиласан билдирувчи қўшма от ва қўшма сифатлар қўшиб ёзилади: karnaygul, qo'ziqorin, otquloq, oybolta, devqomat, sheryurak, bodomqovoq, qirg'iyo'z каби.

Нарсани унинг ранги, мазаси, ўзидаги бирор нарсаси ва шу каби белгилари асосида билдирувчи қўшма отлар қўшиб ёзилади: olaqarg'a, qizilishton, achchiqtosh, mingoyoq каби.

Нарсанинг бирор мақсад, иш учун мўлжалланганлигини билдирувчи қўшма отлар қўшиб ёзилади: kirsovun, qiyumataxta, tokqaychi, oshrayhon, molqo'ra, nosqovoq, ko'zoynak каби.

Нарсани жойга нисбат бериш асосида билдирувчи қўшма отлар қўшиб ёзилади: tog'olcha, cho'lyalpiz, suvilon, qashqargul каби.

Маросим, афсона кабиларни билдирувчи қўшма отлар қўшиб ёзилади: kiruvdi, kelintushdi, qoryog'di, Urto'qmoq, Ochילדasturxon каби.

Қаратувчили бирикманинг бир сўзга айланиши билан юзага келган қўшма отлар қўшиб ёзилади: mingboshi, so'zboshi, olmaqoqi каби.

Иккинчи қисми турдош от билан ёки obod сўзи билан ифодаланган жой номлари кўшиб ёзилади: Yangiyo'l, To'rtko'l, Mirzacho'l, Sirdaryo, Kosonsoy, Yangiobod, Xalqobod каби. Лекин иккинчи қисми атоқли от бўлган жой номлари ажратиб ёзилади: O'rta Osiyo, Ko'hna Urganch, O'rta Chirchiq каби.

Рус тилидан айнан ўзлаштирилган ёки сўзма-сўз таржима килиш йўли билан ҳосил қилинган кўшма сўзлар кўшиб ёзилади: kinoteatr, radiostansiya, fotoapparat, elektrotexnika, teleko'rsatuv, yarimavtomat, bayramoldi, suvosti каби.

Қисқартмаларнинг барча турлари ва уларга кўшиладиган кўшимчалар кўшиб ёзилади: SamDU, ToshDuning каби. Лекин ёнма-ён келган икки қисқартма ажратиб ёзилади: O'zXDP МК (O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi markaziy kengashi) каби.

Бир товуш икки ва ундан ортиқ товуш тарзида айтилса, бундай ҳолат ҳарфни тақрор ёзиш билан кўрсатилади: yo'o'q, nima, himm, ufff каби.

### **Таянч иборалар:**

Кўшиб ёзиш, товуш ўзгариши, имло қоидалари товуш, адабий тил, сўз ясалиши, эгалик кўшимчаси, тўғри ёзиш.

## **Чизиқча билан ёзиш. Ажратиб ёзиш**

### **Режа:**

1. *Ўзбек тилидаги чизиқча билан ёзиладиган сўзлар ва уларнинг янги имлода акс этиши*
2. *Ажратиб ёзии қоидаларининг янги имлода ифодаланиши*

Янги ўзбек лотин алифбосининг имло қоидалари амалдаги имло қоидаларидан сезиларли даражада фарқ қиласди. Бизга маълумки, ўзбек тилида сўзлар тузилишига кўра 3 хил бўлади:

- 1) содда сўзлар: қалам, бармоқ, талаба, бино ...
- 2) ёшма сўзлар: илонбалиқ, отқулоқ, ошқозон, Дилором...
- 3) жуфт сўзлар: ота-она, aka-ука, опа-сингил, дўст-биродар...

Мазкур сўзлардан жуфт ҳамда такрор сўзлар чизиқча билан ёзилади. Чунончи, янги имло қоидаларида (51-параграф) жуфт ва такрор сўзларнинг чизиқча билан ёзилиши қайд этилган. Жорий этилаётган имло қоидаларининг 52-параграфида кўм-кўк каби сўз шаклларини чизиқча билан ёзиш таъкидланган. Бу қоида амалдаги қоиданинг 55-бўлимидаги ҳам қайд этилган. Шунингдек, янги имло қоидаларида рус тилидан айнан ёки калькалаб олинган сўзларни аслига мувофиқ чизиқча билан ёзилиши кераклиги қайд этилади. Жорий этилаётган имло қоидаларида юкламалар тўлиқ келтирилди, унга кўра амалдаги қоидаларда 9 та юклама саналган бўлса, янги имлода 11 та юклама келтирилди. Тилшуносларнинг тўғри қайд этишларича, бу ўринда баъзи нукталар диккатдан четда қолган (хусусан, -дир юкламаси ҳам эътибордан четда қолган).

Бу масаладаги фарқли томонлардан яна бири шундаки, амалдаги қоидаларда уч юкламани (-ми..., -оқ..., -гина...) қўшиб ёзиш, 6 юкламани (-чи..., -да..., -а..., -ю..., -ку..., -э) чизиқча билан ёзиш қоидалаштирилган. Янги имло қоидаларида эса тўрт юкламани (-ми, -оқ, -ов, -гина) қўшиб ёзиш, 7 юкламани (-чи, -а, -ку, -у, -да, -э, -ю) чизиқча билан ёзиш қоидалаштирилди.

Тилшунос Ш. Раҳматуллаевнинг бу масаладаги баъзи мулодазаларини ўйлаб кўриш керак бўлади. Яъни, Ш. Раҳматуллаев

юкламаларнинг ёрдамчи сўзлар сирасига киришини, шу боис уни ўзидан олдинги сўздан ажратиб ёзиш тўғрилигини айтиб ўтади. Юкламани ўзидан олдинги сўзга кўшиб ёзиш қоидадан истисно деб қаралиши лозим. Бундай истисно сўз таркиби ичida, яъни кўшимчадан олдин кела оладиган юкламага берилиши тўғри. Бундай хусусият -им (шунингдек, -дир) юкламасига хос. Юқоридаги мулоҳазани ҳисобга олиб, қоидани бошқача тузиш мумкин эди: "Юклама сўздан кейин келади ва чизиқча билан ёзилади (барча юкламалар саналади). Агар юклама кўшимчадан олдин келса, кўшиб ёзилади: «Боргандирман. Борганимсан?»

Ш. Раҳматуллаевнинг таъкидлашича, қоидаларда яна бир ҳодиса ўз аксини топмай қолган. Бу эътиroz жуда ўринли бўлиб, биз ҳам ўз ўрнида мазкур фикрга кўшиламиз. Шу ўринда мазкур фикрларни айнан келтироқчимиз:

... санашнинг бошланиши ва тугашини билдирувчи рақамлар орасига чизик ёзилишини таъкидлаш лозим эди: IX–XIV асрлардаги каби. Агар бундай санашда араб рақамлари ишлатилса, чизиқдан ташқари, ҳар биридан кейин ҳам чизиқча ёзиш зарур: 9-11-синфлар каби. Чунки чизиқча «-инчи» сон кўшимчаси ўрнига ёзилади, чизик эса "-дан... -гача" маъносини ифодалашга хизмат қилади.

Амалдаги имло қоидаларининг таркибида ажратиб ёзишдаги бир неча пунктлар мавжуд бўлиб, уларнинг баъзи бир қисмларига тўхталиб ўтмоқчимиз (жорий имло қоидаларида сўзларнинг ажратиб ёзилиши 14-пунктда ўз аксини топган бўлса, янги имло қоидаларида бу пунктларнинг кўпи ўз аксини топмади):

1) жорий имло қоидаларида сўз бирикмаларига teng келадиган қисмлар ўз-ўзидан қатъий ҳолда ажратиб ёзилиши таъкидланди, чунончи: кўп ер, оз ер, кам ер ...

2) амалдаги имло қоидаларида «тўқ қизил» каби сўзлар кўшма сифат деб қаралган бўлса, янги алифбода улар алоҳида алоҳида икки янги сўз сифатида қаралади.

3) янги имло қоидаларида сўзларнинг таркибида изофа мавжуд бўлса улар изофали бирикма сифатида қаралиши, агар изофа таркибидаги «и» қатнашмаса улар алоҳида ёзилиши

таъкидланган: «роћати жон». Шунингдек, янги имло ќоидаларида ќўшма феълларнинг ћам ёзилиши уларнинг таркибида бўладиган фонетик ўзгаришлар ћисобига олинган. Қиёсланг: бора олади - боролади, бора бер - боравер...

Хуллас, янги имло ќоидаларида амалдаги имло ќоидаларидан фарќли ўлароќ ўзбек тилидаги ажратиб ёзиладиган ћодисаларга аниќлик киритилиб, айрим ўринларга тузатиш ва ўзгартиришлар киритилган.

### **Таянч иборалар:**

Содда сўзлар, юклама, нутќ, чизиќча билан ёзиш, араб раќами, имло ќоидаси, ажратиб ёзиш, фонетик ўзгаришлар, жуфт сўз.

### **Мустаќил ишлаш учун саволлар:**

1. Амалдаги имло ќоидаларида ќандай сўзлар чизиќча билан ёзилади? Улар янги имло ќоидаларида тўла аксини топганми? Фикрларингизни мисоллар билан изоћланг.
2. Юкламалар имлоси масаласида тилшуносликда ќандай қарашлар бор?
3. Ќўшма феъллар ва изофали бирикмаларнинг ёзилиши билан боғлиќ мисоллар келтиринг. Уларнинг имлосига аћамият беринг.

## **Бош ћарфлар имлоси. Кўчириш ќоидалари**

### **Режа:**

1. *Бош ћарфлар имлоси ва янги ќоидалар*
2. *Кўчириши ќоидалари ва янги имлодаги ўзгаришлар*

Бош ћарфлар имлоси имло ќоидалар тўпламида энг катта ўрин олган ќисмлардан бири бўлиб, улар амалдаги ќоидаларда 10 параграфдан, жорий этилаётган ќоидаларда эса 9 параграфдан иборат. Ушбу ќисмда асосан икки турли ћодисага ќоида берилади: 1) атоќли отларга; 2) синтактик ћодисаларга. Амалдаги ќоидаларнинг 63-параграфида синтактик ћодиса тасвиrlанган, ќолган 9-параграфда атоќли от ва унга тенглаштириладиган ћодисалар баён ќилинган. Жорий этилаётган ќоидалардаги ушбу

қисмнинг 7-параграфида атоқли от ва унга тенглаштириладиган ћодисалар, 1-параграфида синтактик ћодисалар баён ќилинади. 1-параграфида эса ќисқартмалар ќоидалаштирилди.

Амалдаги ќоидаларнинг 64-параграфи "Атоқли отлар" деб жуда кенг бошланган. Асли атоқли от тушунчасига кейинги 8 параграфда баён ќилинган ћодисалар ћам киради. 64-параграфда киши атоқли отига, тахаллусига мисол берилган; шулар ќаторида мамлакат номига, жой, сув номига ћам мисоллар келтирилган.

Жорий этилаётган имло ќоидаларининг 67-параграфида жой номлари берилди (булар амалдаги ќоидаларнинг 64-параграфига киритилган эди). Ушбу параграфдаги янгилик шуки, биримали атоқли от таркибида келадиган сифатловчи ћам бош ћарф билан бошлаб ёзилиши маҳсус таъкидланган.

68-параграф амалдаги ќоидаларнинг 65-параграфига муќобил бўлиб, юлдуз ва сайёralардан ташқари, бошқа осмон жисмларининг атоқли оти ћам ќамраб олинди: (Ойдаги рельеф номи) каби; турдош отлар сайёра номи бўлиб келганида атоқли от ћолатида бўлиши ва бош ћарф билан бошлаб ёзилиши ћам таъкидланди.

Амалдаги ќоидаларнинг 70-параграфида хилма-хил ћодисалар бирлаштирилган. Жорий этилаётган ќоидаларда бу параграфдаги ћодисалар икки параграфда - 69, 71-параграфларда берилди. 69-параграфда маданий-маиший, саноат ва савдо корхоналарининг, адабиёт ва санъат асарларининг, саноат ва озиковќат маћсулотларининг, транспорт воситалари, спорт иншоотларининг атоқли отлари келтирилди.

Жорий этилаётган имло ќоидаларининг 70-параграфи амалдаги имло ќоидаларининг 69, 71-параграфларига муќобил бўлиб, янги таћрирда берилди ва мисоллар янгиланди.

Жорий этилаётган имло ќоидаларининг 73-параграфида синтактик ћодисалар баён ќилинди. Бу параграфга амалдаги ќоидаларнинг 67-параграфи тўғри келади. Бу параграфдаги бир ћодиса - шеърнинг ћар бир мисраси бош ћарф билан бошланиши жорий этилаётган ќоидаларга киритилмади, чунки ама-

лиётда бу қоидага қатый риоя қилинмайды: сочма шеър сатрлари бош һарф билан бошланмайды.

73-параграфда гап (жумла) бош һарф билан бошланиши айтилди ва мисол келтирилди. Ушбу параграфда эслатмалар һам берилиб, мураккаб тузилишли гапнинг қисмларида бош һарф ишлатилмаслиги аниқ таъкидланди.

Биринчи эслатмада һаммага маълум синтактик һодиса – кў chirma гапдан кейин келган автор гапи (агар у атоқли от бўлмаса) кичик һарф билан бошлаб ёзилиши айтилди ва мисоллар келтирилади.

Иккинчи эслатмада мураккаб тузилишли гапнинг қисмлари хатбошига чиқарилиб, чизик билан ёзилса, кичик һарф билан бошлаб ёзилиши айтилади ва мисоллар келтирилади.

Учинчи эслатмада һам мураккаб тузилишли гапнинг қисмлари һақида фикр юритилади. Бу ерда гап қисмларини (улар хатбошига чиқарилиши ва чиқарилмаслигидан қатъи назар) қавсли араб рақами ёки қавсли кичик һарфларда тартиб билан кўрсатилади ва бундай кетма-кетликдан кейин келадиган гап қисмларини кичик һарф билан бошлаб ёзиш таъкидланади, қавсли рақам билан санашга мисол келтирилади.

Ушбу параграфдаги 2,3-эслатмада янги қоида берилди, шу сабабли уларни диққат билан ўрганиш лозим.

Кўринадики, юқоридаги баёндан аёнки, жорий этилаётган имло қоидаларида бош һарфнинг ишлатилишига анча аниқликлар, тўлдиришлар киритилган бўлиб, уларни қунт билан ўрганиш даркор.

Жорий этилаётган имло қоидаларининг охирги қисми "Кўчириш қоидалари" деб номланади. Амалдаги қоидаларда "Бўғин кўчирилиши" деб номланган эди. Қисм номини ўзгартиришга сабаб, унда бўғиндан ташқари һодисаларнинг һам қамраб олиниши бўлди. Бўғинга доир қоидалар 75, 76-параграфларда баён қилинди. 75-параграф амалдаги қоидаларнинг 59-параграфига муқобил бўлиб, қоида таҳрир қилинди ва мисоллар сараланди. Бўғинлар орасида келадиган тутук белгиси «санъят» каби олдинги һарфга тааллуқли бўлса һам, «Раъно» каби кейинги һарфга тааллуқли бўлса һам) бўғин билан биргаликда олдинги

сатрда қолдирилиши таъкидланди. Ушбу қоида амалдаги имло қоида-ларининг ъ, ь белгилари акс этган 61-параграфи ўрнига тузилди.

80-параграфда рақам ва унга тегишли һарфий белги ажратиб кўчирилмаслиги таъкидланди: 5-"А" синфиға каби.

81-параграфда атоқли от ва рақамдан иборат ном ажратиб кўчирилмаслиги таъкидланди:

82-параграфда инициаллар фамилиядан ажратиб олдинги сатрда қолдирилмаслиги ва кейинги сатрга кўчирилмаслиги таъкидланди; шу параграфда АҚШ\БМТ каби шартли қисқартмалар ҳам ажратиб кўчирилмаслиги айтиб ўтилди.

Бош һарфлар имлоси ва кўчириш қоидаларига оид илмий мушоҳадаларга тилшунос Ш.Раҳматуллаев ўз изланишларида кенг тўхталинган. Хуроса ўрнида шуни айтмоқчимизки, янги ўзбек лотин алифбосининг амалдаги кирил билан қиёслаб ўргатиш яхши самара беради.

### **Таянч иборалар:**

Ҳарф, имло, кичик ҳарф, имло, араб рақами, атоқли от, бош ҳарф, гап қисмлари, синтактик ҳодиса.

### **Мустақил ишлаш учун саволлар:**

1. Бош ҳарфлар имлосига доир янги имло қоидаларида нечта параграф ажратилган?
2. Xалқаро ташкилотлар, давлат олий ташкилотлари ва мансаблари номининг ёзилиши билан атоқли отларнинг имлосида қандай фарқлар бор? Мисоллар орқали изоҳланг.
3. Орден ва нишонларнинг, шартли қисқартмаларнинг номи билан боғлиқ гаплар тузинг. Уларнинг жорий алифбодаги кўринишлари ва янги имлодаги ёзилишига диккат қилинг.
4. Жорий алифбода "Бўғин кўчирилиши" номи остида берилган имло қоидаларидаги қисм янги имлода қандай ном билан ўзгартирилди? Уларга мисоллар келтиринг.
5. Янги имлода мавжуд «ш», «ч», «нг» ҳарф бирикмаларининг сатрдан сатрга кўчирилиши ҳакида қандай изоҳлар бор? Уларга гаплар тузинг ва ёзилишига аҳамият беринг.

**Адабиётлар:**

1. Абдуллаев Й. Яңғы алифбо ва имлодан құлланма. -Т. 1996.
2. Рахматуллаев Ш., Қожиев А. Имло лугати. -Т. 1999.

## **Топшириқ 1.**

Берилган матнни ўқинг. Ундаги унли ва ундошларнинг ёзилишига аћамият беринг. Матнни лотин алифбосига ўтириб кўчиринг.

### **Шарафли һаёт**

Абдулла Авлоний 1878 йилнинг 12 июлида Тошкентда Мергандча маћалласида дунёга келди. Отаси Миравлон aka асли ѕўйонлик бўлиб, майда һунармандчилик тўќувчилик билан кун ўтказарди.

Абдулла 7 ёшида Ўќидаги эски мактабда Аѓромхон домлада ўқиди. 1890 йилда Ўќидаги мадрасага ўтди. Сўнг Шайхантоћурдаги Абдулмаликбой мадрасасида Мулла Умар охунда таћсил кўрди. Аммо тириклиникнинг оғирлашуви ўқишга имкон бермай қўйди. «1891 йилдан бошлаб, фаќат қиши кунларида ўқиб, ишладим», - деб ёзади адиб ўз таржимаи һолида. Кўп ўтмай, бу һам барҳам топди. У бутунлай ишга шўнг’иб кетди. Ўзи айт-ганидек, «бинокор усталигини» ўрганди. Гишт қуиши, су-воќчилик, печкачилик, дурадгорлик ишлари билан машғул бўлди.

Адабиётга һавас унда шу йиллари уйғонди. У Навоийнинг рангин шеъриятига, Фузулийнинг ғазалларига међр қўйди. Сўнгиз бир иштиёќ билан форс тилини ўрганди. Саъдий ва Ҷофизнинг сећрли оламидан завқ-шавқ олди. Ниҳоят, булар ўз самарасини берди. Ўзи камтарона қайд қилганидек, «шеър ёзишга тутинди» (Авлоний у ваќтни 1894 йил деб кўрсатади). Афуски, ёшлиқ даврида яратган шеърларининг ћеч бири бизгача саќланмаган. Шоирнинг бизга маълум бўлган шеърлари 1905 йилдан кейин ёзилган. Буни уларнинг руҳи ва характери очик-ойдин кўрсатиб туради. Мумтоз адабиёт билан ошнолик унинг шоир ва фуќаро сифатида шаклланишига бенићоя катта таъсир кўрсатди. Бу һол унинг ижодий фаолиятида һам равшан кўриниб туради.

## **Топшириқ 2.**

Берилган матнни диккәт билан ўқинг. Ундағи ажратиб күрсатылған сўзларни қўчириңг. Уларнинг һозирги шаклларини кетма-кет ёзинг. Улар иштироқида янги алифбода жумлалар тузинг.

### **Темурнинг ўлим тўшагида сўйлаганлари**

Ўғилларим, миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақла-моқ учун сизларга қолдираётган васият ва тузукларни яхши ўқинг, асло унутманг ва татбиқ этинг. Миллатнинг дардига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифларни кўринг, йўқсулларни бойлар зулмига ташламанг, «Адолат ва озодлик» дастурингиз, раҳбарингиз ўлсун. Мен каби узун салтанат сурмак истасангиз, қиличингизни яхши ўйлаб чекингиз. Бир дафъа чекканда сўнгра-да уни усталик-ла қўллангиз. Орангизда нифоқ тухумлари экилмаслиги учун кўп диккәт қилинг. Баъзи ходимларингиз ва душманларингиз нифоқ тухумларини сочмакка, бундан фойдаланмакка чалишажақдурлар. Факат васиятимда сизга идоракашликни, унинг илкуларини кўрсатдим. Буларга содик қолсангиз оғир иш бошингизга тушмас. Ўлим тўшагида сўйлаган отангизнинг сўзларини унутмангиз.

## **Топшириқ 3.**

Берилган матнни ўқинг. Матнни янги алифбога ўтириб қўчириңг ундағи унлилар имлосига аћамият беринг. Матндан фойдаланиб, «Сув - һаёт манбаи» мавзууда кичик һикоя тузинг.

### **Сув**

Сув табиатнинг бебаҳо эћсонидир. Унинг ўзига хос хусусиятлари кўп. Шулардан бири, сувнинг ўз-ўзини тозалashi бўлиб, бу қиёси йўқ табиий хоссадир. Лекин һамма нарсанинг һам че-гараси бўлганидек, сувнинг бу хоссасини һам чегараси йўқ эмас...

Ер юзида аћоли сони тинимсиз ўсиб бормоќда, турли заводлар, корхоналар кўплаб қурилмоќда. Уларнинг кундалик фаолияти сувга салбий таъсир кўрсатиб, уни заћарламоќда. Бир

пайтлар шаһардаги барча оқар сувларни ичиш, уларда тандирдан янги узилган иссиқ нонни оқизоқ қилиб ейиш мүмкін эди.

Җозирчи, җозир бундай қилиб бўлмайди. Шунинг учун бўлса керак, кейинги йиллар давомида, олимларнинг фикрича, сувларни ифлосланишдан сақлаш ва ифлос бўлмаганларини тозалашнинг янгидан янги усуулларини ўйлаб топиш билан иш битмайди. Қолаверса, уни ўта даражада тозалаб юриш ҳам зарап, бунда сувдаги фойдали моддалар йўқолиб кетиши мүмкін ва бу аћвол кутилмаган ижобий натижаларга эришишга қаршилик қиласи. Сувнинг сифати ундаги тирик организмлар миёдорига ҳам боўлиқ. Улар сув таркибига доимо ижобий ва муђим таъсир кўрсатадилар. Ўсимликлар дунёси карбон газини ютиб, инсонларга кислород чиқариб берганидек, сув кўкатлари (сув организмлари) сувдаги ўзга қўшимчаларни ютади ва сувларни тоза бўлишига ёрдам кўрсатади.

#### **Топшириқ 4.**

Берилган ғазални ўқинг. Ундаги архаизм, историзмларга аћамият беринг. Ғазалнинг насрый баёнини янги имлода беринг.

#### **Умр хуш ўтмас**

Умр хуш ўтмас баћор айёми саћро бўлмаса,  
Лолазор ичра бисоти аиш барпо бўлмаса.

Ҷосил ўтмас бодау жом ила мийнодин мурод,  
Жилвагар то соќийи гулчећра андо бўлмаса.

Базм аћли бўлсалар майхоралар анда заиф -  
Дарди йўќ айёр ўшал мажлисда асло бўлмаса.

Даћр гулзорида хушдир яхши таъмири бисот,  
Гар хазондин гарди ҳадис анда пайдо бўлмаса.

Оби ҳайвон бирла умри жовидонни не қилай  
Бир хати Хизру лаби лаъли Масићо бўлмаса.

Хок бўлун ул танеким, ишќ ўтида куймаса,  
Зерипо бўлсун сареким, анда савдо бўлмаса.

Фурқат айлар орзу бу анжуманни һар баҳор,  
Одам эрмас һар кишида бу таманно бўлмаса.

(Фурқат)

### Топширик 5.

*Берилган матнни ўқинг. Унга мос сарлавҳа топиб, матнни давом эттиринг. Ундошларнинг ёзма шаклларига эътибор беринг. Матнни янги имлода кўчиринг.*

Майнинг охирлари. Водийларда барвақт ҳазон бўлган лола-қизғалдоқлар Туркистон тизма тоғининг этакларида энди очилган.

Кечаси билан ёмғир ёккан эди. Эрталаб тоғ қархисидаги текисликдан офтоб чарақлаб чиқди. Тоғдан ошиб ўтолмаган қорамтир булутлар ён бағирларни бекитиб, чўққиларга тиравиб, бурқисиб ётар эди. Офтоб баландроқ қўтарилиди-ю, булутлар тарқаб, тоғларда ҳам ҳаво очилиб кетди.

Текисликка ёккан ёмғир тоғ тепасига қор бўлиб тушган экан. Чўққилар аввалгидан ҳам оқроқ ва силлиқроқ. Улардан пастдаги арчазор ён бағирларига қор жуда ола тушибди: бир жой қашқа бўлган, бир жой сал урвоғи теккан. Тоғнинг ярмидан пасти эса ёмғирдан кейин қорайиб, хиёл буғланиб туради ва унча аниқ қўринмайди. Текисликнинг узоқ четидан чиқиб келган юқ машинаси шу тоққа қараб жадаллаб боряпти.

Шағал ётқизилган йўлда ёмғир кўлмаклари учрайди. Гилдираклардан сачраган сув борт тахтасига шатир-шутур урилади ва йўл бўйида очилган лолақизғалдоқларни жимгина силкитиб ўтади.

### Топширик 6.

Берилган матнни ўқинг. Унинг қайси услугга мослигини кўрсатинг. Матнга илова қилинган рубоийда қўлланилган бадиий санъат турларини кўрсатинг ва унинг маъносини изоҳланг.

## Бобурнинг маҳорати

Бобур ўзининг қисқа, лекин мазмунли һаёти мобайнида қатор шеърий тўпламлар тузди. Жаҳонга шуҳрати кетган «Бобурнома» асарини ёзи. «Хатти Бобурий» деб номланган янги алифбони тузди, аруз, мусиқа ва ҳарб ишига оид рисолалари билан илмнинг ривожланишига ўз ћиссасини ќўшди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзбек адабиётининг кўзга кўринган вакилларидан биридир. У Низомий, Хусрав Деҳлавий, Лутфий, Навоий анъаналарини давом эттирган санъаткордир. Бобур асарлари ўзининг жозибадорлиги, чуқур мазмундорлиги ва бадиий равонлиги билан ажralиб туради. У ўзининг мураккаб һаёт йўли, зиддиятли дунёкараши ва шунинг билан бир ќаторда бой адабий-илмий мероси билан ўзбек адабиёти тарихида муносиб ўринни эгаллайди.

Бобур ўзбек адабиётида лирик жанрларнинг ривожига катта ћисса ќўшди. Унинг лирик мероси ћажман унча кўп бўлмаса-да, мавзу доираси, шаклий такомили, бадиий томондан ғоят гўзал ва мукаммалилити билан ћам ажralиб туради.

Бобур лирикасини ғазал, рубоий, қитъя, туюқ, маснавий, фард ва муаммолар ташкил этади.

Бобур шеъриятининг муҳим томонларидан яна бири шоир шеърларининг тарихий воқеа ва ћодисалар билан чамбарчас боғланиши ва ўша давр воқелигининг содда ва равон ифодаланишидадир.

Шоир лирикасининг марказида муҳаббат мавзуси, инсоннинг пок севгисини улуғлаш, ћижрон аламларидан шикоят, висол орзуси, вафодорлик туйўулари ётади.

Ҷажринг ғамидан оқибат ўлгум қаро кўз,  
Юз гуссаю андућ ила боргум қаро кўз,  
Васлинг била қилмадинг иложин Бобур,  
Мушкили била қилмадинг тирилгум қаро кўз.

Бобур лирикасида ёр образини яратишда классик поэзия услугига хос бўлган муболаѓадан ћам кенг фойдаланилади.

## **Топшириқ 7.**

*Берилган матнни ўқинг. Ойбекнинг «Навоий» романидан олинган мазкур парчадаги сўзларнинг асос ва қўшишмалари имлосига аћамият бериб кўчиринг.*

### **Навоий ижодиётининг бир лаъзаси**

Навоий ёлғиз бошига яна юрт қайғусини ортди. Ўз қўлини набираси қонига бўяган подшоҳдан нафратланди. Лекин Тўғонбек келтирган фармоннинг мастиликда ёздирилиши, унинг бекор этилиши фитнанинг чуқур илдизлари борлигидан дарак берарди. У тезда қароргоҳга бориб, фитналарнинг сирларини ўрганишга қарор берди. Кечаси «Маҳбуб ул-қулуб»нинг янги бобини бошлади. Оз вақт ичида бир даста қоғоз һар бири һаёт тажрибаси ва бой, ўткир фикрнинг асл дурдоналари билан тўлди. Навоий чарчади. Белида, бармоқларида оғриқ туйди. Шоир қарилекни, туганмас ташвишларининг натижаси бўлган дармонсизликни йил сайин эмас, ой сайин сезмоқда эди. Бир оз чўзилиб. ором олмоқ истаркан, ногаёнон Хўжа Афзал кириб келди. Навоий қўзларига ишонмади. Узоқ йиллар айрилиқда соғинишган дўстлар тўлқинланиб, қучоқлашиб кўришдилар. Навоий суюнчидан тетикланиб кетди. Дўстини ўтказди. Икковлари бир-бирларига тикилиб, қадда, гавдада, юзда, кўзда йилларнинг таъсирини очиқ кўрдилар. Хўжа Афзалнинг соқоллари оқарган, қўзлари аввалги жонлиликни йўқотган, юзи салқиган эди. Чамаси, ўн йил ичида ўтган муҳим воќеалар һақида бир шингил-бир шингил сўзлашиб ярим кечдан оғганда ухлашга ётдилар.

## **Топшириқ 8.**

*Берилган матнни ўқинг. Матннинг услубини аниқланг. Кўчириб ёзии қоидаларига риоя қилиб матнни янги имлода кўчиринг.*

### **Қуръони карим**

Қуръон кишилик маданиятининг ноёб дурдонаси һисобланади. У мавжуд бўлган динларнинг энг сўнгтиси бўлган ислом динининг асоси.

Кўпчиликка маълумки, дин халқнинг маънавий бойлиги бўл-гани каби Қуръон мусулмон халқлари турмушининг мазмунидир.

Бинобарин, Қуръон таржимаси һам ўша халқнинг маданий ва миллий бойлигидир. Қуръон ислом динининг муқаддас Китоби һисобланиб, у ҳақда 1400 йил давомида мингдан ортиқ Китоблар, мақолалар, тафсир ва тақризлар ёзилган. Қуръоннинг ўзи дунёда энг кўп тарқалган ва энг кўп ўқиладиган китобдир. Қуръон жаҳонда йирик тилларнинг деярли барчасига таржима қилинган. Рус тилида эса беш марта нашр этилган. 1894 ва 1907 йилларда Г.С. Саблюков томонидан нашр қилинган. Қуръоннинг русча таржимаси бир бетда арабча ёзуви, иккинчи бетда русча таржимаси билан берилган. Бизнинг давримизда һам И.Ю.Крач-ковский таржимасида икки марта (1963 ва 1986 йиллар) нашр қилинган.

Қуръон турли вақтларда турли туркий тилларга (уйғур, турк, татар) таржима қилинган бўлиб, афсуски, шу кунга қадар (оммага мос бўлган графикада) ўзбек тилида нашр қилинмаган эди. Кейинги вақтда чет элларда яшаган ватандошимиз бўлмиш Олтинхон Мулла Сайд Маҳмуд Тарозийнинг «Тафсири мубораги» араб алифбосида Саудия Арабистонида, шунингдек, Қуръони каримнинг ўзбек тилига яқин бўлган уйғурча таржимаси 1986 йили Пекинда нашр қилинган.

1990 йилдан бошлаб «Шарқ юлдузи» журналимиз саҳифаларида Қуръоннинг ўзбекчаси Алоуддин Мансур таржимасида берилди ва китоб ҳолида нашр этилди. 2001 йилда эса Абдулазиз Мансур томонидан бажарилган маънолар таржимаси нашр юзини кўрди. Бундан бутун ўзбек халқи зўр мамнуният билан фойдаланмоқда.

## Топшириқ 9.

*Қуийда берилган шеърни ўқиб, унинг насрий баёнини янги имлода беринг. Сўзларни қўшиб ва алоҳида ёзишга аҳамият беринг.*

## **Билиб қўйки, сени ватан кутади!**

**(парча)**

Сен бу кун синфда шод юрак билан

Синов навбатини кутиб турасан.

Аъло мамлакатнинг аъло фарзанди,

Билиб қўйки, сени Ватан кутади.

Глобусда бўлган ҳар кичик нуќта

Миллионлаб қондошга Ватан, албатта

Бахтиёр халқимиз яшаб абадий,

Билиб қўйки, сени Ватан кутади.

Жабрла масала қўш муаммодир,

Худди шунда бир улуғ қирилиш жодир.

Сен катта инженер, эртами, индин,

Билиб қўйки, сени Ватан кутади.

Шеърлар, лирика, балки оддий тил -

Халқларнинг тиллари бир хил эмас, бил!

Дипломат бўларсан, шу бу кун, энди,

Билиб қўйки, сени Ватан кутади.

Фанлар кўп, фанлар бор, ўрганишга куч:

Ерда юр, сувда суз, осмон узра уч.

Ҳаммасидан аъло барчадан олдин,

Билиб қўйки, сени Ватан кутади.

Аъло мамлакатнинг аъло фарзанди,

Билиб қўйки, сени Ватан кутади.

## **Гафур Гулом**

### **Топширик 10.**

Берилган матнни ўқинг. Ундаги сўзларни лотин алифбосида имло қоидаларига мос ҳолда ҳарфларнинг ёзма шаклидан фойдаланиб кўчиринг.

## **Алишер Навоий таълим-тарбия ҳақида**

**(парча)**

...Ўзбек адабиёти, маданияти тарихидан катта ўрин олган, ўзбек халқининг донишманд шоири ва олими Алишер Навоийнинг таълим-тарбия тўғрисида ўз фикрлари бор, уларни илмий асосда синчиклаб ўрганиш Ўзбекистон педагогика тарихига қимматбаҳо хазина қўшади. Навоий шоиргина эмас, балки, ҳар томонлама билимли донишманд олим ҳам эди. У ўз замонасида илм-фаннынг оташин жарчиси эди. Ана шунинг учун ҳам бу донишманд олим, мутафаккирнинг деярли барча асарларида таълим ва тарбияга доир ажойиб фикрлари бор. Унинг таълим ва тарбия ҳақидаги мероси, адабиёт соҳасидаги мероси каби, ғоят катта аҳамиятга эга. Шоирнинг асарлари бир неча юз йиллардан буён ҳар бир оиланинг токчасида ўзича фахрий ўрин эгаллаб келди, халқнинг қўлидан тушмади, мактабларда дарслік хизматини ўтади, ғазаллари қўшиқ қилиб кўйланди. Ана шу-ларнинг ўзи Навоий асарларининг тарбиявий кучи қанчалик катта эканлигини кўрсатди. Алишер Навоий таълим-тарбия ҳақидаги фикрларини ифодалашда илғор йўналишда, яъни инсонпарварлик ва халқпарварлик йўлида турди.

Алишер Навоийнинг таълим-тарбия ва маърифатга оид фикрларини ўрганиш натижасида биз унинг асарларида тарбия ғояси жуда изчил баён этилганини кўрамиз. Шунинг учун ҳам унинг энг яхши инсоний фазилатлар ҳақидаги фикрлари, таълим ва тарбия методлари ҳақидаги фикрлари ўз даврига кўра илғор фикрлардир.

### **Ўғдилмиш ва Ўзғурмиш**

Бундан минг йил аввал Юсуф Хос Ўожиб Баласоғуний томонидан ёзилган «Қутадѓу билиг» («Бахтга элтувчи билим») асари ўзбек халқининг маданияти, адабиёти, фалсафаси ва ахлоқи ҳақида битилган нодир асардир. Бу асар исломий фалсафа, яъни тасаввуф динийлик ҳамда ахлоқ масалалари билан шундай йўғрилганки, жуда кўп ҳолларда биз уларни бирбиридан ажратса олмаймиз. Шунинг учун узоқ вақтлар давомида биз бу асарни оддийгина ахлоқий-тарбиявий ёки диний-дидактик достон деб таҳқирлаб, ўрганмай келдик. Агар биз бу

дурдонамизнинг фалсафий мағзини чақиб, уни жаҳонга кўз-кўз қилсак, у Дандининг «Илоҳий комедияси» ва Гётенинг «Фауст»и каби жаҳон миллий ҳамда маданий меросига айланган асарлар даражасида бўлар эди.

«Қутадѓу билиг»да жуда катта аћамиятга эга бўлган фалсафий, дунёвий ва ахлоќий масалалар асар қаћрамонларидан бири – Ў́дудлиш ва унинг қариндоши Ўзѓурмиш орасидаги баћс-у мулоћазаларда ўз аксини топган.

Ў́дудли – аќлли, доно ва маќтовга лойиќ демакдир. Шунинг учун ћукмдор барча ишларни Ў́дудлиш билан бамаслаћат қиласи. Ў́дудлиш – оддий мусулмон йигит. У мусулмонликни одамларга яхшилик қилишда деб билади. Шунинг учун намоз, рўза, таќво-ю ибодат каби одамларга яхшилик қилиш ћам кўпроќ савоб келтиради деган ғояни илгари суради ва бошқаларни ћам шунга ундайди, одамлар ћурматига сазовор бўлади. Шу сабабли ћамма ундан миннатдор, натижада мамлакат обод, аћоли эса тинч ва фаровон.

Ўзѓурмиш – «уйғонган, тушунган» деган маънони ифодалайди. Ўзѓурмиш – таќводор одам. У на дунё ишлари билан шуѓулланади, на бирор касб-у корга эга. Шунинг учун у зоћид сифатида бир горда яшайди, ћамиша тоат-у ибодат, рўза-ю намоз билан банд. Одамларга нисбатан ћам, дунёвий ташвишларга нисбатан ћам бефарќ.

«Қутадѓу билиг»нинг бир неча бобида Ў́дудлиш билан Ўзѓурмиш орасида мунозара бўлиб ўтади. Агар Ў́дудлиш дунёда яшашдан маќсад нафаќат тоат-ибодат, балки дунё ишлари билан шуѓулланиш, мамлакатни обод қилиш, одамларга яхшилик қилиш, яхши ном қолдиришдан иборат деган фикрни илгари суриб, турмушнинг гуноћларидан сақланиш, ћирс-ћавасга берилиб кетиш, шу боис нафсдан, бойлиқдан, очкўзликдан батамом ќочиши ћакида гапиради. Умуман олганда, бу икки шахс орасидаги мунозара жуда қизиќарли ва ибратлидир.

## **Мустаќил ишлаш учун машќлар**

### **Фонетика**

*1-машк. Ёнма-ён келган унлилар имлосига аћамият бериб, уларнинг оѓзаки ва ёзма шаклларига дикќат қилиб кўчиринг.*

Табиат кўйнида мазза қилиб дам олдик. 2. Биология дарсида ўртоғим фаол қатнашди. 3. Доим мен акамни қўргани борганимда мана шу бекатда одам кўп бўлади. 4. Театр биноси таъмирланиб, муддатидан олдин ишга туширилди. 5. Шоир янги шеърини эћтирос билан муҳлисларига ўқиб берди. 6. Оила аъзоларим билан бирга бўлиш менга ҳамма ваќт ёқимлидир. 7. Сайд синфдошига анча кечикиб кўнгироқ қилди.

*2-машк. Берилган сўзлар иштирокида жумлалар тузинг. Уларнинг имлосига аћамият беринг.*

Поэма, океан, украин, майшат, стадион, шариат, материал, миллион, манфаат, шижоат, матбуот.

*3-машк. Кўши унлилар ва кўши ундошларнинг янги имлода берилишига мисоллар ёзинг:*

Намуна: манфаат, мућаббат, таассурот, чўќки, тилла. Маъновий фарқланиши: тилла - (турдош от), тила – (феъл); чўќки - (турдош от), чўки – (ўтимли феъл).

*4-машк. Кўйидаги ћарфий бирикмаларни янги имлода берилишига аћамият беринг. Улар иштирокида гап тузинг.*

Чаман, аччиќ, чучук, биринчи, куч, чевар, чиройли, кеч, шер, шоир, табиат, шакар, ширин, шаћзод, онг, кўнгил, сингил, бонг, тонг.

*5-машк. Чуќур тил орќа «Х»ва бўғиз товуши Ћ нинг имлосига аћамият беринг. Уларнинг маъно фарқлашдаги ўрнини изоћланг.*

Менга узоќдаги ќариндошимдан хат келди. 2. Унинг ћоли ачи-нарли эди.. 3. Ҷамиша мана шу ќизалоќ боѓчага йиѓлаб боради. 4. Булбулнинг хониши Навоийга маъкул бўлди. 5. Хўроз тонг саћарда ќичкириб ћовлидагиларни ширин уйќусидан уйѓотиб юборди. 6. Ҷалол мећнат кишига баҳт келтиради. 7. Баћор таровати кишига ўзгача таъсир қилади.

*6-машк. Берилган сўзларнинг маъносини изоћланг. Уларни янги алифбода ёзинг.*

Шох - шоħ, хол - ħol, хуш - ħuš, ухламо́к - uħlamoč, хийла - ħiylla, ħam- хом.

## **Янги имло бўйича олинган билимларни текшириш учун тестлар:**

1. O’zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining «Lotin yozuviga asoslangan o’zbek alifbosini joriy etish to’qri-sida»gi qonuni qachon qabul qilingan va unda nechta harfdan iborat alifbo joriy etilgan?
  - A) 1929 yilda, 35 harf
  - B) 1934 yil o’zbek tilshunoslarning 1-qurultoyida, 30 harf
  - C) 1993 yil 2 sentyabrda, 31 harf va 1 tutuq belgisi
  - D) 1995 yil 6 mayda, 29 harf
  - E) 1940 yilda, 33 harf va 2 ta belgi
2. «Lotin yozuviga asoslangan o’zbek alifbosiga o’zgartirishlar kiritish to’qrisida» qaror qachon qabul qilindi va unda yangi alifbodagi harflar miqdori nechta deb belgilandi?
  - A) 1996 yil 26 avgustda, 32 harf va tutuq belgisi
  - B) 1995 yil 24 avgustda, 26 ta harf va 3 ta harf birikmasi
  - C) 1995 yil 6-7 mayda, 26 harf va 3 ta harf birikmasi
  - D) 1929 yil, 30 harf
  - E) 1997 yil 3 martda, 29 harf va 1 tutuq belgisi
3. O’zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining qarorida ko’rsatilishicha, lotin yozuviga asoslangan o’zbek alifbosiga o’tish qachon to’liq tugallanishi shart?
  - A) 1998-1999 o’quv yilida
  - B) 1999 yilning dekabrigacha
  - C) 1999-2000 o’quv yilida
  - D) 2000 yil 2 sentyabrida
  - E) 2005 yilning 1 sentyabrida
4. O’zbek tili qaysi til oilasining qanday guruhiga mansub?
  - A) turkiy tillar oilasining oltoy guruhiga
  - B) hind-evropa oilasining tohar guruhiga
  - C) oltoy oilasining turkiy guruhiga
  - D) eron oilasining hind-evropa guruhiga
  - E) turk oilasining chiqatoy guruhiga

5. Lotin yozuviga asoslangan o'zbek tilining asosiy imlo qoidalari qachon tasdiqlangan?
- A) 1993 yil 2 sentyabrdan
  - B) 1934 yil o'zbek tilshunoslarining 1-qurultoyida
  - C) 1995 yil 6-7 mayda
  - D) 1995 yil 24 avgustda
  - E) 1940 yilda
6. Yozuvning tarixiy ahamiyati javoblarining qaysi birida o'z ifodasini topgan?
- A) Yozuv bo'limganda, ajdodlarimiz tomonidan yaratilgan yusak madaniyat namunalari bizgacha yetib kelmagan bo'lardi.
  - B) Yozuv qadimda amal qilingan tillarning leksik-grammatik xususiyatlarini o'rganish imkonini beradi
  - C) Qadimda yodgorlik egasi bo'lgan xalqning tarixiy urf-odatlari va madaniyati bilan yaqindan tanishish imkonini beradi
  - D) Jamiyat a'zolarining savodxonligini oshirishda yozuvning ahamiyati katta
  - E) A, B, C va D
7. Turkiy xalqlar O'rxun-Enasoy nomli yozuvdan qaysi davrda keng foydalangan edilar?
- A) X-XI asrlarda
  - B) eramizdan avvalgi VI-IV asrlarda
  - C) eramizdan avvalgi III-I asrlarda
  - D) V-VIII asrlarda
  - E) XIV-XV asrlarda
8. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining «O'zbek tilining asosiy imlo qoidalari tasdiqlash haqida»gi 1995 yil 24 avgustda qabul qilingan qaroriga asosan, tutuq belgisining vazifalari noto'qli ko'rsatilgan hukmni aniqlang?
- A) «s» va «h» harflari yonma-yon kelganda, ularni «sh» harf birikmasidan farqlash uchun ishlatalidi.

- B) arab tilidan o'zlashgan so'zlarda unlidan oldin kelib, uni oldingi undoshdan ajratib aytishini ifodalash uchun xizmat qiladi
- C) arab tilidan o'zlashgan so'zlarda unlidan keyin kelib, uning cho'ziqroq aytishini ifodalash uchun xizmat qiladi
- D) «n» va «g» harflari yonma-yon kelganda, ularni «ng» harf birikmasidan farqlash uchun ishlatalidi
- E) A va D javoblardagi hukm noto'qli
9. O'zbek adabiy tilida nechta undosh tovush mavjud va yozuvda nechta harf bilan ifodalanadi?
- A) 27 ta tovush, 27 ta harf
- B) 23 ta tovush, 23 ta harf
- C) 23 ta tovush, 25 ta harf
- D) 25 ta tovush, 23 ta harf
- E) 25 ta tovush, 25 ta harf
10. Harflar tartibidan foydalanib, «Bilim baxt keltirar» maqoli to'qli chiqarilgan javobni aniqlang?
- A) 2, 10, 13, 10, 14, 2, 1, 23, 20, 12, 6, 13, 20, 10, 18, 1, 17
- B) 2, 10, 13, 10, 14, 2, 1, 23, 20, 12, 6, 13, 20, 10, 18, 1, 18
- C) 2, 10, 13, 10, 14, 2, 1, 23, 20, 12, 6, 13, 21, 10, 18, 1, 18
- D) 1, 10, 13, 10, 14, 2, 1, 20, 23, 12, 6, 13, 20, 10, 18, 1, 18
- E) 1, 23, 2, 20, 3, 3, 2, 5, 33, 9, 6, 14, 25, 35, 8, 6, 4
11. Lotin Yozuvi asosidagi harflar tartibidan foydalanib « hunar » so'zi keltirib chiqarilgan qatorni toping?
- A) 7, 20, 13, 1, 17
- B) 6, 21, 12, 3, 9
- C) 7, 20, 12, 1, 17
- D) 5, 22, 14, 2, 17
- E) 7, 20, 13, 1, 18
12. «ng» bir tovushni ifodalagan so'zlarni belgilang?
- A) tungi, unga
- B) tongi, otangiz
- C) tonggi, dengiz
- D) yongan, singil

E) B va C

13. Qaysi qatordagi so'zlarda sirqaluvchi «j» tovushi berilgan?
  - A) janob, Jamshid, Jomiy
  - B) jar, ajin, ajdar
  - C) Qijduvon, gjida, mujda
  - D) jajji, jazo, javob
  - E) to'qri javob berilgan emas
14. Lotin yozuvi asosidagi harflar tartibidan foydalanib, «yurtimning» so'zi keltirib chiqarilgan qatorni toping?
  - A) 23, 20, 17, 19, 8, 12, 13, 8, 13
  - B) 23, 20, 17, 19, 8, 12, 13, 8, 29
  - C) 23, 17, 19, 8, 12, 13, 8, 13, 6
  - D) 22, 19, 17, 18, 8, 12, 13, 8, 29
  - E) 22, 20, 18, 19, 8, 13, 12, 8, 29.
15. Qaysi gapda tinish belgisi noto'qri qo'llangan?
  - A) Uy, buyum, mol-hol, hammasi senga qolsin.
  - B) Ulardan uchtasini: Sayyorani, Qayratni, Shavkatni ko'rib turamiz.
  - C) Anvar har bir kishidagi shunday xislatni: odamoxunlik, mehmondo'stlik, ochiq chehralilikni yoqtiradi.
  - D) Qayoqdan keldi shuncha olomon: bolalar, xotinlar, chollar?
  - E) Hamma narsa: uylar, devorlar, daraxtlar qoronqulikka jimgina cho'kdi.
16. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining (O'zbek tilining asosiy imlo qoidalarini tasdiqlash haqida)gi qarori qachon qabul qilingan?
  - A) 1989 yil, 21 oktyabr
  - B) 1993 yil, 29 sentyabr
  - C) 1994 yil, 15 noyabr
  - D) 1995 yil, 24 avgust
  - E) 1996 yil, 18 aprel
17. Yangi o'zbek alifbosi va imlosiga ko'ra chiziqcha bilan yozish qoidasi qaysi qatorda buzilgan?
  - A) el-yurt

- B) yozdi-oldi  
C) do'' st-u dushman  
D) kecha-yu kunduz  
E) Barcha qatorda chiziqcha to'qli ishlatalgan.
18. Qaysi so'z turkumiga oid qo'shma so'zlar doim ajratib yoziladi?  
A) qo'shma otlar  
B) qo'shma sifatlar  
C) qo'shma ravishlar  
D) qo'shma fe'llar  
E) Javoblarda ko'rsatilgan barcha so'z turkumiga oid qo'shma so'zlar ajratib yoki qo'shib yozilishi mumkin.
19. Tarkibida juft so'zlar mavjud gap berilgan qatorni toping?  
A) Men kecha u bilan yuzma-yuz gaplashdim.  
B) To'yning bo'ldi-bo'ldisi qiziq.  
C) O'sha kishi ertaga keladimi yoki kelmaydimi?  
D) O'nta sizu - bizdan bitta jizu - biz yaxshi.  
E) Boqdan savat-savat shaftoli terib chiqqan ekan.
20. Morfologik yozuv asosida yozilgan so'zlar qatorini toping?  
A) fikr, chiroq, yumshoq, yaxshilik  
B) yasha, sanoq, Samarqand, avlod  
C) ikkov, uchinchi, qutulmoq, ko'm-ko'k  
D) buloqqa, ketdi, tuzsiz, singlim  
E) Toshkent, go'sht, do'st, yuvindi.
21. Quyidagi juftliklarning qaysi biridagi so'z xato yozilgan?  
A) ta'na - tana  
B) juz'iy - juziy  
C) nash'a - nasha  
D) sur'at - sur'at  
E) Barchasi to'qli yozilgan
22. Quyidagi qaysi gapda ega bilan ot kesim orasida tire ishlatalishi lozim?  
A) Qo'shnilarim ham halol odamlar  
B) Hammayoq top-toza, yovvoyi o'tlar yo'q  
C) O'qlimdan umidim ko'p

- D) Yaxshi qiz yoqadagi qunduz, yaxshi o'qil ko'kdagi yulduz  
E) Berilgan gaplarda tire ishlatilmaydi.
23. Ha va yo'q so'zlari gap boshidan kelib, his-hayajon bilan aytilsa, ulardan so'ng qaysi tinish belgilari qo'yiladi?
- A) vergul  
B) undov belgisi  
C) ko'p nuqta  
D) so'roq va undov belgisi  
E) tire
24. Takrorlangan yo, yoki, goh, dam, ba'zan boqlovchilari yordamida boqlangan uyushiq bo'laklar orasiga qanday tinish belgilari qo'yiladi?
- A) nuqta vergul  
B) tire  
C) ikki nuqta  
D) vergul  
E) so'roq belgisi
25. Bugun havo ochiq // derazalarni lang ochib qo'ysa ham bo'ladi. Ushbu gapdagi // belgisi o'rnida qanday tinish belgisi qo'yish kerak?
- A) tire  
B) vergul  
C) nuqtali vergul  
D) ko'p nuqta  
E) ikki nuqta
26. Aytilgan so'z // otilgan o'q. (Maqol). Ushbu gapdagi // belgisi o'rnida qanday tinish belgisi qo'yiladi?
- A) ikki nuqta  
B) nuqtali vergul  
C) vergul  
D) tire  
E) ko'p nuqta

27. Tafizaxon, toqangizga Maylon akaga havasim keladi. Ushbu gapda Maylon akaga so'z birikmasi ikki tomondan qanday tinish belgilari bilan ajratilishi kerak?
- A) qavs va qavs bilan
  - B) tire va tire bilan
  - C) vergul va vergul bilan
  - D) tire va vergul bilan
  - E) Hech qanday tinish belgisi qo'yilmaydi
28. Imlo qoidasiga ko'ra to'qri yozilgan so'zni toping.
- A) xushmuomala
  - B) toshmehir
  - C) seysmalogiya
  - D) plastmassa
  - E) ulgirishmoq
29. Fikrning tugallanmaganligini ko'rsatish uchun yozuvda qanday tinish belgisi ishlatalidi?
- A) undov va so'roq belgilari
  - B) nuqtali vergul
  - C) ikki nuqta
  - D) ko'p nuqta
  - E) so'roq va undov belgilari birikkan holda.
30. Noto'qri yozilgan so'zlar qatorini aniqlang.
- A) Hatti-harakat, qahrabot, qayrib, qah-qaha
  - B) Mehr, qittay, qo'biz, xuda-behuda, ushshoq
  - C) Xushhavo, xohish, qabihlik, cho'chchaymoq
  - D) Hayhot, halitdan, qittak, dabdurustdan
  - E) Dard-hasrat, ushoq, shaffof, qoyilmaqom.
31. Kinoyaviy ma'no ifodalovchi so'z (ma'no) yozuvda qanday beriladi?
- A) So'z bosh harf bilan yoziladi
  - B) So'z ostiga chizib qo'yiladi
  - C) So'z qo'shtirnoqqa olinadi
  - D) So'z qavs ichida izohlanadi
  - E) So'z tire orqali ajratiladi

32. Qaysi qatorda ayirish belgisining qo'llanish o'rniga ko'ra xatoga yo'l qo'yilgan?
- A) ma'zur, ma'bud, ma'yus
  - B) ma'shum, ma'sulyat, ma'sul
  - C) ma'mur, ma'sum, ma'shuq
  - D) ma'lun, minba'd
  - E) Barcha javoblarda ayirishi belgisi to'qri qo'llanilgan.
33. Qaysi qatordagi so'zlarning ikkinchisi noto'qri yozilgan?
- A) ajdaho va ajdarho
  - B) bekik va berkik
  - C) bema'nilik va bema'nolik
  - D) Barcha javoblarda ikkinchi ustundagi so'zlar to'qri yozilgan
  - E) Barcha javoblarda ikkinchi ustundagi so'zlar xato yozilgan.
34. Imlo qoidalariiga ko'ra noto'qri yozilgan so'zni toping.
- A) ertalabgi
  - B) dasturulamal
  - C) AQSh
  - D) bexarxasha
  - E) Barcha so'zlar to'qri yozilgan.
35. O'zak va qo'shimchalarining yozilishida bir xillikni ta'minlaydigan prinsipga...
- A) morfologik prinsip deyiladi.
  - B) fonetik prinsip deyiladi.
  - C) an'anaviy prinsip deyiladi.
  - D) shakliy prinsip deyiladi.
  - E) fonetik va morfologik prinsip deyiladi.
36. Fonetik prinsip asosida yozilgan so'zlarni belgilang: 1) yasha; 2) yayra; 3) yashna; 4) o'yna; 5) ikkala; 6) uchala; 7) yamoq; 8) yonqoq; 9) yiqloq; 10) o'yinchoq.
- A) 1, 4, 5, 7, 8, 9
  - B) 1, 2, 3, 5, 6
  - C) 5, 7, 9
  - D) 1, 5, 7, 9, 10
  - E) 4, 5, 6, 9, 10

37. Bosh harflarning qo'llanilishida imloviy xatoga yo'l qo'yilgan qatorni aniqlang.
- A) Vodiylarni yayov kezganda,  
Bir ajib his bor edi menda.
  - B) Yaqinda bu uluq inson «O'zbekiston qahramoni» oliv unvoniga sazovor bo'ldi.
  - C) O'quvchilarda Fanlar akademiyasining muxbir a'zosi, taniqli olim bilan bo'lib o'tgan bu uchrashuv katta taassurot qoldirdi.
  - D) B va C
  - E) Barcha javoblarda bosh harflarning qo'llanilishida xatoga yo'l qo'yilgan.
38. Qaysi qatorda so'zlarning ikkinchisi noto'g'ri yozilgan?
- A) ajdaho va ajdarho
  - B) bekik va berzik
  - C) bema'nilik va bema'nolik
  - D) barcha javoblarda ikkinchi so'zlar to'g'ri yozilgan
  - E) barcha javoblarda ikkinchi so'zlar xato yozilgan.
39. Noto'g'ri yozilgan so'zlar qatorini belgilang?
- A) tasavuf, tasaruf, tasavur
  - B) hohish, mavhum, aqalli
  - C) avf, ayhannos, mone'
  - D) A, B.
  - E) A, B, C.
40. Qaysi qatorda ayirish belgisining qo'llanish o'rniga ko'ra xatoga yo'l qo'yilgan?
- A) ma'ruza, ma'buda, ma'yus
  - B) ma'shum, ma'suliyat, ma'sud
  - C) ma'mur, ma'sum, ma'shuq
  - D) mal'un, minba'd
  - E) barcha javoblarda ayirish belgisi to'g'ri qo'llangan.
41. Fonetik prinsip (tamoyil) asosida yozilgan so'zlarni belgilang. 1) ysha; 2) yayra; 3) yshna; 4) o'yna; 5) ikkala; 6) uchala; 7) yamoq; 8) yong'oq; 9) yig'loq; 10) o'yinchoq.

- A) 1, 4, 5, 7, 9
  - B) 1, 2, 3, 5, 6
  - C) 5, 7, 9
  - D) 1, 5, 7, 9, 10
  - E) 4, 5, 6, 9, 10.
42. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "O'zbek tilining asosiy imlo qoidalarini tasdiqlash haqidagi" 1995 yil 24 avgustda qabul qilingan qaroriga asosan tutuq belgisining vazifalari noto'g'ri ko'rsatilgan hukmni aniqlang?
- A) "s" va "h" harflari yonma-yon kelganda, ularni "sh" harf birikmasidan farqlash uchun ishlataladi.
  - B) arab tilidan o'zlashgan so'zlarda unlidan oldin kelib, uning oldingi undoshdan ajratib aytishini ifodalash uchun hizmat qiladi.
  - C) arab tilidan o'zlashgan so'zlarda unlidan keyin kelib, uning cho'ziqroq aytishini ifodalash uchun ishlataladi.
  - D) "n" va "g" harflari yonma-yon kelganda, ularni "ng" harf birikmasidan farqlash uchun ishlataladi.
  - E) A.D.
43. O'zak va qo'shimchalarining yozilishida bir xillikni ta'minlaydigan prinsip (yozuv, tamoyil)ga...?
- A) morfologik prinsip deyiladi
  - B) fonetik prinsip deyiladi
  - C) an'anaviy prinsip deyiladi
  - D) shakliy prinsip deyiladi
  - E) fonetik va morfologik prinsip deyiladi.
44. Bosh harflarning qo'llanishida xatoga yo'l qo'yilgan qatorni toping?
- A) Vodiylarni yayov kezganda Bir ajib his bor adi menda
  - B) Yaqinda bu ulug' inson "O'zbekiston qahramoni" oliv unvonga sazovor bo'ldi
  - C) O'quvchilarda Fanlar akademisiyining muhib a'zosi, taniqli olim bilan bo'lib o'tgan bu uchrashuv katta taassurot qoldirdi
  - D) B,C.
  - E) Barchasida xato.

45. Noto'g'ri yozilgan so'zni toping.
- A) ertalabki
  - B) dasturulamal
  - C) AQSh
  - D) bexarxassha
  - E) barchasi to'g'ri.
46. Lotin yozuvi asosidagi harflar tartibidan foydalaniб, *yurtimning* so'zi keltirib chiqarilgan qatorni toping?
- A) 23, 20, 17, 19, 8, 12, 13, 8, 13
  - B) 23, 20, 17, 19, 8, 12, 13, 8, 29
  - C) 23, 17, 19, 8, 12, 13, 8, 29
  - D) 22, 19, 17, 18, 8, 12, 13, 8, 29
  - E) 22, 20, 18, 19, 8, 13, 12, 8, 29
47. Arabcha yozuvda bitilgan eng eski turkiy yodgorliklar nechanchi acrga taaalluqli va ular qaysilar?
- A) VII asrlarga, O'rxun – Enasoy yodgorliklari
  - B) X–XV asrlarga, A. Yugnakiyning “Hibat-ul haqoyiq”, Horazmiyning “Muhabbatnama” asarlari
  - C) XI–XIII asrlarga, Sakkokiy va Atoiyning ba'zi she'rlari
  - D) XI asrga, Yusuf Hos Hojibning “Qutadug bilig” Qoshgariyning “Devonu lugotit turk” asari
  - E) XV asrga, Lutfiy va Navoiyning ayrim she'rlari.
48. Qaysi qatordagi gapda imloviy xatoga yo'l qo'yilgan?
- A) Mening eng yaqin do'stim – sensan
  - B) Do'stlik o'l kamizning qudrati, shoni
  - C) Hadichahon achchiq achchiq yigladi.
  - D) A, B.
  - E) A, B, C.
49. Lotin yozuviga asoslangan o'zbek alifbosi asosida yozilgan quyidagi so'zlarning qaysi biri imlo qoidasiga ko'ra xato yozilan?
- A) humor (umor)
  - B) shpris (shpris)
  - C) konstitutsiya (konstitutsiya)

- D) lisey (lisey)  
E) budget (budget)
50. Qaysi so'zlar ayirish belgisisiz qo'llansa, ma'nosi o'zgaradi?
- A) san'at, qal'a, sa'va  
B) jur'at, me'mor, ma'yus  
C) ma'mur, mash'al, ma'no  
D) na'matak, ma'qul, mo'tabar  
E) qit'a, ma'qul shu'la.
51. Xato yozilgan so'zni toping?
- A) quvalamoq  
B) obro'ytalab  
C) shahnshoh  
D) shotut  
E) barchasi to'g'ri.
52. Hato yozilgan so'zni toping?
- A) shohidlik, ehtirom, yubiley  
B) hushhol, ulgirmoq, qutulmoq  
C) mushkul, sahro, sa'va  
D) subh, hushbo'y, changal  
E) quyuq, mushtumzo'r, tuyassar.
53. Ketma-ket kelgan bir hil undoshlarning biri tushirilganda, so'z ma'nosi ozgaradigan qatorini belgilang?
- A) issiq, chaqqon, pilla  
B) millat jajji, tashbbus  
C) mashshoq, cho'qqi, qattiq  
D) tafakkur, hullas, achchiq  
E) himmat, quvvat, illat.
54. Qaysi so'zlarda q tovushi h tarzida talaffuz etilsa ham q yoziladi?
- A) oqim, bosqich, cho'ziq  
B) so'roq, oqibat, sogliq  
C) taqsimot, maqsad, oqsil  
D) iqlim, ishqor, botqoq  
E) chaqmoq, baqqol, qichqiriq.

55. Noto'g'ri yozilgan so'zlarni aniglang?
- A) hayhot, halitdan, qattiq, dabdurustdan
  - B) hushhavo, hohish, qabihlik, cho'chchaymoq
  - C) mehr, qittay, qo'biz, huda-behuda, ushshoq
  - D) hamroh, yahmalak, etiroz
  - E) dard-hasrat, ushoq, shaffof, qoyil
56. Qaysi so'zlarning imlosi noto'g'ri?
- A) ta'magir, ta'qiqlamoq. Yuvindixo'r
  - B) cholgu, halqum, talofat
  - C) hasharot, obihayot, mahsi
  - D) suiste'mol, shaddod, hokandoz
  - E) momaqaldiroq, olijanob, jamuljam
57. To'g'ri yozilgan so'zni toping?
- A) hushmuomala
  - B) toshmehir
  - C) seysmalogiya
  - D) plastmassa
  - E) ulgirishmoq
58. Qaysi qatordagi so'zlarda “ng” bir tovushni ifodalamoqda?
- A) tanga, jang, menga
  - B) zang, ko'ndalang, ingramoq
  - C) durang, onangiz, nonga
  - D) kongress, menga, singil
  - E) tonggi, ko'ngil, tebrangan.
59. **Baland boloxonali uy.** Ushbu birlikda qanday holatda uyning balandligi anglashiladi?
- A) **baland** so'zidan so'ng pauza bo'lsa
  - B) **boloxonali** so'zdan keyin pauza bo'lsa
  - C) uchala so'z orasida pauza mavjud bo'lmasa
  - D) har qanday holatda ham uyning balandligi anglashiladi
  - E) ushbu gapda ohang emas, balki so'z tartibi asosiy rol' o'ynaydi.
60. Morfologik yozuv asosida yozilgan so'zlar qatorini toping?
- A) fikr, chiroq, uymsoq, yahshilik

- B) yasha, sanoq, Samarqand, avlod  
C) ikkov, uchinchi, qutulmoq. Qo'mko'k  
D) buloqa, ketdi, tuzsiz, singlim  
E) Toshkent, go'sht, do'st, uvindi.
61. Juftliklarning qaysi biridagi so'z xato yozilgan?
- A) ta'na – tana  
B) juz'iy – juziy  
C) nasha-nasha  
D) sut'at – surat  
E) qal'a – qala
62. Qaysi so'zlar to'g'ri yozilan?
- A) xushtam, hayhot, shugillanmoq  
B) shuvullamoq, mushkilot, muhir  
C) muhum, mushkil maddoh  
D) kauchuk, ilhombaxsh, uvushmoq  
E) udaburon, turkugo'y, sugirta.
63. Hozirgi o'zbek adabiy tilida bir xil tovushlarning qo'shaloq kelishi so'zning qaysi o'rnlarida uchramaydi?
- A) Bir xil undoshlar so'zning o'rtasida qo'shaloq kelishi mumkin  
B) Bir xil undoshlar so'z oxirida qo'shaloq qo'llanishi mumkin  
C) Bir xil unlilar o'rtasida qo'shaloq qo'llanishi mumkin  
D) Bir xil unlilar so'z oxirida qo'shaloq qo'llanishi mumkin.  
E) Sanab o'tilgan holatlarni adabiy tilda kuzatish mumkin.
64. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "O'zbek tilining asosiy imlo qoidalarini tasdiqlash haqida"gi qarori qachon qabul qilindi?
- A) 1989 yil, 21 oktabr  
B) 1993 yil, 29 sentabr  
C) 1994 yil, 15 noyabr  
D) 1995 yil, 24 avgust  
E) 1996 yil, 18 aprel.
65. Yangi o'zbek alifbosi va imlosiga ko'ra chiziqcha bilan yozish qoidasi qaysi qatorda buzilgan?
- A) el-yurt

- B) yozdi-oldi  
C) do'st-u dushman  
D) kecha-yu kunduz  
E) barcha qatorda chiziqcha to'g'ri qo'yilgan.
66. Tarkibidagi tovush va harflar soni bir xil bo'lмаган со'з qaysi qatorda qo'llangan?  
A) hikoya  
B) ko'ylak  
C) nomus  
D) poliz  
E) po'lat.
67. Qaysi qatorda harflar alfavitida yozilmagan?  
A) j, z, i, y, k  
B) n, o, p, r, s  
C) f, h, si, ch, sh  
D) e, y, yu, o', q  
E) v, g, d, e, yo.
68. -**i** со'шимчаси со'шилган quyidagi со'zlarning qaysi biri to'g'ri yozilgan?  
A) qishloqi, mishiqi  
B) qishlogi, mishigi  
C) barchasi imlo qoidasiga ko'ra to'g'ri yozilgan  
D) qishloqi, mishiqi  
E) qishlogi, mishigi
69. **x** undoshini **h** undoshi bilan almashtirganda со'zlar ma'nosi о'згарадиган qatorni toping.  
A) hiyobon, hattot, holis  
B) kutubhona, tuhum, tahlit  
C) ahloq, shahdam, shahsan  
D) hiyla, uhlamoq, shoh  
E) taxallus, taxmin, xushhabar
70. Bir unli yo bir undosh bilan farq qiladigan со'zlar qatorini toping?  
A) bilim, baliq

- B) kamon, zamin
  - C) bolg'a, bolta
  - D) boshliq, toshloq
  - E) bormoq, qarmoq
71. O'rta Osiyoda X-XV asrda arab yozuvi bilan bir qatorda yana qanday yozuv ishlatalgan?
- A) turkiy yozuvi
  - B) rim yozuvi
  - C) uygur yozuvi
  - D) lotin yozuvi
  - E) so'g'd yozuvi
72. **Drama, prokuror, trolleybus** so'zлari yozilishi qaysi qoidaga asoslangan?
- A) so'z o'zagi va qo'shimchalarini aynan yozish
  - B) fonetik yozuv
  - C) morfologik yozuv
  - D) eshitganimiz asosidagi yozuv
  - E) shakliy yozuv.
73. Turkiy xalqlar qaysi asrlarda O'rxun-Enasoy yozuvidan keng foydalanganlar?
- A) II-III asrlarda
  - B) V-VIII asrlarda
  - C) VI-X asrlarda
  - D) VII-XI asrlarda
  - E) VIII-X asrlarda
74. Og'zaki nutqning qonun va qoidalarini tilshunoslikning qaysi bo'limi o'rganadi?
- A) fonetika
  - B) Orfografiya
  - C) orfoepiya
  - D) morfologiya
  - E) uslubshunoslik
75. Fonetik yozuv qoidasi asosida yozilgan so'zni belgilang?
- A) ketdi

- B) maktabga  
C) fikr  
D) buloqqa  
E) tug'ildi.
76. *y* harfi tushirib qoldirganda ham ma'no anglata oladigan so'zlar qatorini aniqlang?  
A) kiyma, qiyma, choynak  
B) siyla, ziyrak, biyron  
C) mayda, qayda, soyda  
D) qiyma, qayirma, sayla  
E) moyla, sayra, qaysi
77. Qaysi qatordagi so'zlarda harf to'rtta, tovush beshta?  
A) yashil, buyuk  
B) tongi, ta'na  
C) da'vo, qal'a  
D) so'ng, bong  
E) olim, havo
78. Noto'g'ri yozilgan so'zlarni toping?  
A) mudofaa, tabiiy, juz'iy  
B) tajjub, taaluq, faniy  
C) Lutfiy, mo'jiza, avf  
D) muzaffar, mutolaa, matbaa  
E) mudarris, muddao, muassasa.
79. Qo'sh undoshlarning biri tushurilganda o'zagi ma'no ifodalovchi so'zlar qatorini aniqlang?  
A) karra, arra, kalla  
B) avval, alla, baliq  
C) tilla, qattiq, ushshoq  
D) naqqosh, taassurot, izzat  
E) qissa, murakkab, manba.
80. To'g'ri yozilgan so'zlarni toping?  
A) temiryo'l, jigar rang, tim qora  
B) janubiy Farg'ona kanali, Buloq boshi qishlog'i, Oltiariq  
C) kunbotar, kuyganyor, qayinota

- D) Yangiobod, anashu, bodomqovoq  
E) poyabzal, o'rinbosar, Oltinko'l
81. To'g'ri yozilgan so'zlarni toping?
- A) O'zbekiston Oliy Kengashi, "Sen etim emassan" she'ri  
B) "Mustaqillik" ordeni, "Do'stlik" ordeni  
C) "Orol" gazetasi, "Jiguli" mashinasi  
D) "G'alaba" jamoa ho'jaligi  
E) markaziy Farg'onha kanali, katta Andijon kanali
82. Harflar tartibidan foydalanib, "Bilim baxt keltirar" maqoli to'g'ri chiqarilgan javobni aniqlang?
- A) 2, 10, 13, 10, 14, 2, 1, 23, 10, 12, 6, 13, 20, 10, 18, 1, 17  
B) 2, 10, 13, 10, 14, 2, 1, 23, 20, 12, 6, 13, 20, 10, 18, 1, 18  
C) 2, 10, 13, 10, 14, 2, 1, 23, 20, 12, 6, 13, 21, 10, 18, 1, 18  
D) 2, 10, 3, 2, 1, 20, 23, 12, 6, 13, 20, 10, 18, 1, 18  
E) 1, 23, 2, 20, 3, 3, 2, 5, 33, 9, 6, 14, 25, 35, 8, 6, 4,
83. Lotin yozuvini asosidagi harflar tartibidan foydalanib hunar so'zi keltirib chiqarilgan qatorni toping?
- A) 7, 20, 13, 1, 17  
B) 6, 21, 12, 3, 9  
C) 7, 20, 12, 1, 17  
D) 5, 22, 14, 2, 17  
E) 7, 20, 13, 1, 18
84. Imlo qoidasiga ko'ra to'g'ri yozilgan so'zni toping?
- A) mavryd  
B) huqiqsiz  
C) xurluqqo  
D) xosiyat  
E) epidemologiya
85. Noto'g'ri yozilgan so'zlar qatorini aniqlang?
- A) hatti-harakat. Qahrabo, qayrib, qah-qaha  
B) mehr, qittay, qo'biz, huda-behuda, ushshoq  
C) hushhavo, hohish, qabihlik, cho'chchaymoq  
D) hayhot, halitdan, qittak, dabdurustdan  
E) dard-hasrat, ushoq, shaffof, qoyilmaqom

86. To'g'ri yozilgan so'zlarni toping?
- A) qat-qaloq, qizil o'ngach, hay-haylamoq
  - B) kunj, hohalomoq, qiyima tahta, hushavo
  - C) hattot, o'qimoq, hilvat, hotahta
  - D) shapko'r, o'shaymoq, qabihlik, qa'tiy
  - E) ho'ngramoq, huzur-halovat, qizilurug', xohish
87. Fonetik yozuv asosida yozilgan so'zlar qatorini belgilang?
- A) zoologiya, har vaqt, kulib, pasport
  - B) bo'yoq, o'quv, tuzum, qishloq
  - C) saylov, gurilla, so'zla, ishchi
  - D) chopqich, bolalik, qishki, tilshunos
  - E) kuchli, stul, Nyu-York
88. **Guluston, mardona, qop-qora, qishki, ketdi, sap sariq** kabi so'zlar qaysi yozuv asosida yozilgan?
- A) fonetik
  - B) shakliy
  - C) morfologik
  - D) tarihiy-an'anaviy
  - E) A va B
89. O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining "Lotin yozuviga asoslangan o'zbek alifbosini joriy etish to'g'risida"gi Qonuni qachon qabul qilingan va unda nechta harfdan iborat alifbo joriy etilgan?
- A) 1929 yilda, 35 ta harf
  - B) 1934 yilda o'zbek tilshunoslарining 1- qurultoyida, 30 ta harf
  - C) 1993 yil 2 sentabrda, 31 ta harf va 1 tutuq belgisi
  - D) 1995 yil 6 mayda, 29 ta harf
  - E) 1940 yilda, 33 ta harf va 2 ta belgi
90. "Lotin yozuviga asoslangan o'zbek alifbosiga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida" qaror qachon qabul qilindi va unda yangi alifbodagi harflar miqdori nechta deb belgilandi?
- A) 1996 yil 26 avgustda, 32 ta harf va tutuq belgisi
  - B) 1995 yil 24 avgustda 26 ta harf va 3 ta harf birikmasi
  - C) 1995 yil 6-7 mayda, 26 ta harf va 3 ta harf birikmasi

- D) 1929 yil, 30 ta harf  
E) 1997 yil 3 martda, 29 ta harf 1 tutuq belgisi
91. Adabiy talaffuzning umumiy me'yoridan chekinish bo'lgan so'zlar qatorini aniqlang?
- A) ushta, usso'm, besso'm, uyssiz, qushdi, eshdi, issiz  
B) oshshi, ishshi, uyzzi, qorri, o'tta, aqqa, baqqa  
C) pas, go'sh, hursan, Samarqand, dart, balant, bant  
D) bo'sa, kesa, bo'gan, kegan, qogan, opti, qopti  
E) Javoblarining barchasida adabiy talaffuzning umumiy me'yoridan chekinish mavjud.
92. O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisning qarorida ko'rsatilishicha, lotin yozuviga asoslangan o'zbek alifbosiga o'tish qachon to'liq tugallanishi shart?
- A) 1998-1999 o'quv yilida  
B) 1999 yilning dekabrigacha  
C) 1999-2000 o'quv yilida  
D) 2000 yil 2 sentabrida  
E) 2005 yil 1 sentabrida
93. Yozuvning tarixiy ahamiyati javoblarining qaysi biri o'z aksini topgan?
- A) Yozuv bo'limganda, ajdodlarimiz tomonidan yaratilgan yuksak madaniyat namunalari bizgacha etib kelmagan bo'lardi  
B) Yozuv qadimda amal qilgan tillarning leksik-grammatik xususiyatlarini o'rganish imkonini beradi  
C) Qadimgi yo'dgorlik egasi bo'lgan xalqning tarixiy urf-odatlari va madaniyati bilan yaqindan tanishish imkoniyatini beradi  
D) Jamiyat a'zolarning savodxonligini oshirishda yozuvning ahamiyati katta  
E) A, B, C, D
94. Qaysi so'zlarni yozganda e' belgisi tushurib qoldirilsa, ma'no o'zgaradi
- A) sa'va, qal'a, sur'at  
B) ma'qul, ma'mur, ma'no

- C) me'mor, ta'na, Ra'no  
D) la'l, ma'shuq, she'r  
E) a'lo, a'zo, ba'zi
95. Qaysi qatordagi barcha so'zlar noto'g'ri yozilgan?  
A) mahtov, o'htalmoq, tahsimot  
B) nuqta, mahalla, mehnat  
C) maqsad, muhim, mehribon  
D) hissa, siyohdon, shamba  
E) shaptoli, sex, sa'y
96. Qaysi qatordagi so'zlar talaffuzida tovushga nisbatan harf ko'pligini aniqlang?  
A) achchiq, nutq, baland  
B) qiynalib, traktor, daraxt  
C) yurist, hursand, metr  
D) do'st, go'sht, dastyor  
E) g'isht, shirin, farzand.
97. Fonetik yozuvda yozilmaydigan so'zlar qatorini ko'rsating?  
A) o'zim, toqqa, buloqqa  
B) ettovi, angla, yasha  
C) ketdi, shanba, balandda  
D) ishlayver, sanoq, tanlov  
E) keloldi, bo'yoq, so'roq
98. Lotin yozuvi asosidagi yangi o'zbek alifbosida nechta harfiy birikma bor?  
A) 5  
B) 3  
C) 4  
D) 2  
E) 1
99. Yozma nutqning qonun-qoidalari tilshunoslikning qaysi bo'limida o'rganiladi?  
A) morfoligiya  
B) fonetika  
C) orfoepiya

- D) orfografiya
- E) leksikologiya

100. Qaysi so'zlarni yozganda a' belgisi tushurib qoldirilsa, imloviy xatoga yo'l qo'yilgan hisoblanadi?
- A) sur'at, she'r, jurat
  - B) ma'mur, a'lo, a'zo
  - C) ta'na, la'l, ba'zi
  - D) Ra'no, ma'qul, sa'va
  - E) barcha qatorda
101. Noto'g'ri yozilgan so'zlarni toping?
- A) harf, davr, muassasa
  - B) Tibbiyot, taajjub, badiiy
  - C) muloqat, muomila, mudao
  - D) taassurot, munozara, gavhar
  - E) muhokama, sharoit, mulozamat
102. Vazirlar Mahkamasining 1995 yil 24 avgustdagи qarori bilan tasdiqlangan "O'zbek tilining asosiy imlo qoidalari"ga ko'ra chiziqcha bilan yozish qaysi javobda xato berilgan?
- A) el-yurt
  - B) baxt-saodat
  - C) do'st-u dushman
  - D) 2-, 3-, 4-sinf
  - E) Barchasi to'gri
103. Qaysi qatordagi barcha so'zlarni yozishda xatoga yo'l qo'yilgan?
- A) o'tloqqa, yoqgani, chelakcha
  - B) o'ringa, xururgga, tutoqqan
  - C) oyoqqa, tayoqga, kelajakga
  - D) tukuncha, pedagokka, sog'gani
  - E) dramaturgga, o'tloqqa, yog'gan
104. Qaysi qatordagi so'zlar alifbo tartibida yozilmagan?
- A) akademiya, dovuyrak, rais
  - B) javob, nazm, yodgor
  - C) rahbar, talaffuz, shoir

- D) kashfiyot, matonat, erksevar  
E) yaylov, o'simlik, g'alaba
105. Qaysi qatordagi so'zlarning ikkinchisi imlo qoidasiga ko'ra xato yozilgan?  
A) bekinmoq va berkinmoq  
B) battar va badtar  
C) hayqirish va ayqirish  
D) A, B, C qatordagi ikkinchi so'zlar xato yozilgan  
E) A, B, C, qatordagi ikkinchi so'zlar to'g'ri yozilgan
106. Qaysi qatordagi so'zlarda a' belgisi unli tovushning cho'ziqroq aytilishini bildiradi?  
A) sur'at jur'at  
B) mas'ul, ma'qul  
C) ma'no, da'vo  
D) qat'iy, e'lön  
E) qal'a, qit'a
107. Qaysi so'zlarda a' belgisi unlining undoshdan ajratib aytilishini bildiradi?  
A) ma'no, sa'va  
B) she'r, ma'no  
C) mac'ul, fe'l  
D) sur'at, jur'at  
E) a'lo, ta'na
108. **Zoologiya, konstititsiya** so'zlarini qaysi imlo qoidasiga ko'ra yozamiz?  
A) fonetik yozuv asosida  
B) morfologik yozuv asosida  
C) shakliy yosuv asosida  
D) so'zlarni eshitganmiz bo'yicha  
E) o'zbek tili talaffuz qoidalariiga moslashtirilgan holda
109. **a'** belgisi yozilmaydigan so'zlar ishtirok etgan qatorni ko'rsating?  
A) da/a'/vat, juz/a'/iy, za/a'/faron, nash/a'/ali  
B) qa/a'/nshar, za/a'/rif, darvoqe/a', na/a'/jib

- C) minba/a'/d, mas/a'/ud, ma/a'/uys, qur/a'/a
- D) in/a'/ikos, mo/a'/jaz, bil/a'/aks zulqa/a'/a
- E) na/a'/l, na/a'/ra, daf/a'/atan, qa/a'/da, na/a'/matak

110. **t** tovushi bilan tugaydigan so'zlar berilgan qatorni ko'rsating?

- A) ijtiho..., zabarja..., istibdo..., jonzo...
- B) hay..., ijoba..., nadoma..., muqovama...
- C) tibran..., kaso..., jil..., daroma...
- D) umdur..., uva..., bebur..., gar...
- E) taqli..., qas..., ham..., hasa...

111. Qaysi qatordagi so'zlar **n** tovushi orqali yoziladi?

- A) besara...jom, ga...jina, gulchi...
- B) cha..barak, gu...baz, za..burug', su...bul, gaji.., za...bar
- C) cha...barchas, za...barak, yo...g'ir, da...ba
- D) za...bil, gu...burlamoq, guju..., do...-daraksiz
- E) ch..bar, gaji...dor, gulcha...bar, da...gar

112. Qaysi qatordagi so'zlar **i** tovushi orgali yoziladi?

- A) chuv(i,u)r-chuv(i,u)r, ch(i,u)rq etmadi, shat(i)r-shutur
- B) char(i)m, ch(i)g'ir, chug'(i,y)rchiq, jud(i,y)r
- C) ir(i)m, bukr(i), ch(i)bor, cha(g')ir, junj(i,y)kmoq
- D) shif(i,e)r, shuk(i,y)r, dumb(i,y)l, mumk(i,y)n
- E) shig'(i)l, chors(i,y), ir(i)n, bo'ys(i,y)indirilmoq

113. To'g'ri yozilgan so'zlarni toping?

- A) karnay gul, achchiq tosh, mingoyoq
- B) o'rribosar, ahborot noma, hamkasb
- C) O'rta er, molboqar, mingoyoq
- D) ushburchak, tuyaqush, tok qaychi
- E) kosonsoy, tog'olcha, toshdevor

114. To'g'ri yozilgan so'zlarni toping?

- A) Yangi yo'l, Kosonsoy, Sherobod
- B) Oltin O'rda, hamuyrt, achchiqtosh
- C) Buloq boshi, karnaygul, darshona
- D) Homtavoq, yangi er, qo'ziqorin
- E) Beshyog'och, nozim hona, burulish

115. Rus alifbosi asosida yaratilgan amaldagi o'zbek alifbosiga xos tovushlarni ifodalovchi qaysi harflar qo'shilgan?
- A) o', j, n, y
  - B) b, q, h, f
  - C) g, r, ch, sh
  - D) h, g', q, o'
  - E) k, u, p, b
116. Hozirgi o'zbek adabiy tilida mavjud bo'lgan undosh tovushlar yozuvda necha harf vositacida ifodalanadi?
- A) 23
  - B) 22
  - C) 21
  - D) 24
  - E) 25
117. Noto'g'ri yozilgan so'zlarni aniqlang?
- A) oljanob, taqqlamoq ohanrabo
  - B) axloq, talofat, masjum
  - C) taqchil, bug'u, hasharot
  - D) bo'y sunmoq, gulsapsar, binoyi
  - E) obihayot, rayhon, jangovar
118. **x** va **h** harflarining imlosi qaysi qatorda noto'gri berilgan?
- A) hushyor hiyobon, hosiya
  - B) halqum, mahsi, sahovat
  - C) hushbo'y, vahshiy, dahliz
  - D) homiy, hushfe'l, hushnud
  - E) xoxlamoq, hujayra, hijron
119. Yozuvda bir yo'lga sig'may qolgan so'zni keyingi satrga ko'chirganda, xatoga yo'l qo'yilgan qatorni aniqlang?
- A) dan-gasa, tan-ga, jur'at
  - B) ish-chan, so'g-ra, matbaa
  - C) me-shchan, cing-il voqe-a
  - D) oi-la, ko'-pik, unur
  - E) cha-ngitmoq elt-moq, hikoya

120. Qaysi qatordagi so'zlarda ayirish belgisi (*a'*) noto'g'ri ishlatilgan?
- A) ta'sir, qit'a, me'mor
  - B) ta'na, shu'la, fe'l
  - C) a'lo, sh'er, da'vo
  - D) af'yn, voqe' had'ya
  - E) ma'no, ta'lim, mas'ul
121. Bosh harflar imlosi haqidagi qaysi fikr noto'g'ri?
- A) Har bir gap bosh harf bilan boshlanadi.
  - B) She'rning har bir misrarasi bosh harf bilan boshlanadi.
  - C) Atoqli otlar bosh harf bilan yoziladi.
  - D) Planeta va yulduzlarning nomlari bosh harf bilan yoziladi.
  - E) Atoqli otlardan hosil bo'lgan turdosh otlar bosh harf bilan yoziladi.
122. So'zlar tarkibida **q** tovushi **h** talaffuz etiladigan qatorni toping?
- A) uytuq, chiziq, qoziq
  - B) chumchuq, qisqa, to'qmoq
  - C) maqbara, to'liq, tutqun
  - D) maqtanmoq, taqsimot, taqsir
  - E) chiroq, qaymoq, qirg'oq
123. Berilgan so'zlarning qaysi birida **n** va **g** ikki alohida tovush hisoblanadi? 1) langar; 2) tenglik; 3) reyting; 4) alanga; 5) mangu; 6) inglis.
- A) 3, 6
  - B) 1, 4, 5, 6
  - C) 2, 3, 4, 6
  - D) 1, 3, 6
  - E) 6
124. To'g'ri yozilgan so'zni toping?
- A) noma'qbul
  - B) seysmalogiya
  - C) toshmehir
  - D) hamd-sano
  - E) masum

125. To'g'ri yozilgan so'zlarni toping?
- A) shapko'r, o'shaymoq, kabillik, qa'tiy
  - B) hattot, o'qimoq, hilvat, hontahta
  - C) kunj, hohlamoq, qiyma tahta, hushhabar
  - D) qat-qaloq, qizil o'ngach, hay-haylamoq, qal'a
  - E) hamuyrt, yaro'g-aslaha, mash'um
126. Quyidagi juftliklarning qaysi biridagi so'z xato yozilgan?
- A) chini-chinni
  - B) otalik-otaliq
  - C) azm-azim
  - D) singan-singgan
  - E) barchasi to'g'ri
127. Qaysi qatordagi so'zlarning ikkinchisi xato yozilgan?
- A) nafis va nafs
  - B) murosa va muroasa
  - C) hayqirish va ayqirish
  - D) A, B, C qatordagi ikkinchi so'zlar xato yozilgan
  - E) A, B, C qatordagi ikkinchi so'zlar to'g'ri yozilgan
128. Fonetik yozuv qoidasi asosida yozilgan so'zni belgilang?
- A) etigi
  - B) fikr
  - C) mактабга
  - D) ketdi
  - E) yuribdi
129. Qaysi qatorda harflar alfavitida yozilmagan?
- A) sh, ch, e, uy, ya
  - B) f, h, si, ch, sh
  - C) n, o, p, s
  - D) j, z, i , y, k, l
  - E) v, g, d, e, yo
130. Qaysi qatordagi so'zlarning imlosi noto'g'ri berilgan?
- A) suiiste'mol, shaddod, hokandoz
  - B) hasharot, obihayot, mahsi
  - C) meliorativ xalqum, talofat

- D) tamyil, xafrafahm, foyiz
- E) momaqaldoq, oljanob, jamuljam

131. Xato yozilgan so'zlarni toping?

- A) taascub, lutf, manopoliya
- B) shohidlik, ehtirom, yubiley
- C) tarozu, tavoze, hushbo'y
- D) tarozi sahro, sa'va
- E) quyuq, mushtumzo'r, muyassar

132. Lotin yozuviga asoslangan o'zbek alifbosi asosida yozilgan quyidagi so'zlarning qaysi biri imlo qoidasiga ko'ra xato yozilgan?

- A) shpris (shpris)
- B) humor (umor)
- C) milisiya (milisiya)
- D) konstitutsiya (konstitutsiya)
- E) budjet (budget)

133. O'rxun obidaridagi yozuv yo'nalishi qanday bo'lgan?

- A) o'ngdan chapga
- B) chapdan o'ngga
- C) balandda pastga
- D) pastdan balandga
- E) A va C

134. Qaysi qatordagi so'zlar o'z tarkibidagi tovushlar sonidan kam harf bilan qayd etilgan?

- A) eng, yangi;
- B) uypanch, uyng;
- C) ayanch, yayov;
- D) noyabr, tong;
- E) oktyabr, tayanch

135. Qaysi so'z o'z tarkibidagi tovushlar miqdoriga teng harf bilan qayd etilgan?

- A) yacheyka;
- B) eyarmon;
- C) yayov;

- D) euyvchi;
- E) yalang

136. O'zbek imlosining qaysi qoidasida so'zning aytilishi bilan yozilishi bir-biriga mos kelmaydi?

- A) fonetik yozuvda
- B) morfologik
- C) shakliy
- D) A, B
- E) A, B, C

137. Fe'l nisbatlarini yasovchi *-dir*, *-tir*, *-kaz* qo'shimchalari bilan yasalgan *kuldir*, *eshittir*, *o'tkaz*, *ko'rgaz* fe'llari qaysi qoidaga ko'ra yoziladi?

- A) fonetik yosuv
- B) morfologik yosuv
- C) shakliy yosuv
- D) fonetik va morfolgik yosuv
- E) berilgan yosuv qoidalariغا amal qilinmaydi

138. Noto'g'ri yozilgan so'zlar qatorini aniqlang?

- A) yo'qsil, onhazrat
- B) mashaqqat, nahv
- C) ag'iyor, benasib
- D) A va C
- E) A, B, C

139. To'g'ri yozilgan so'zlar qatorini aniqlang?

- A) bilog'on, birpast
- B) biqn, bosh-yalang
- C) nainki, nadomad
- D) nafsilamr, mo'g'uł
- E) nafsilamir, mo'g'il

140. Qaysi qatordagi so'zlarning ikkinchisi imlo qoidasiga ko'ra xato yozilgan?

- A) surgun-surgin
- B) qism-qisim
- C) turgun-turg'in

- D) A, B, C qatorlardagi ikkinchi so'zlar xato yozilgan  
E) A, B, C qatorlardagi ikkinchi so'zar to'g'ri yozilgan
141. Qaysi yozuv qoidasi aynan bir qo'shimcha har hil yozilgan yo'l qo'yadi?
- A) fonetik yosuv
  - B) morfologik yosuv
  - C) shakliy yosuv
  - D) imlo qoidasiga ko'ra qo'shimchalar bir hil yoziladi
  - E) morfologik yoki shakliy yosuv
142. Qaysi qatordagi so'zda qo'sh undosh xato qo'llangan?
- A) taraddud
  - B) shilliqqurt
  - C) yashshamagur
  - D) hiqqildoq
  - E) Berilgan so'zlarda qo'sh undoshlar imlo qoidasiga ko'ra to'g'ri qo'llangan
143. Qaysi qo'shimchalar doimiy morfologik yosuv qoidasi asosida yozilmaydi?
- A) fe'l nisbatlari yasovchi qo'shimchalar
  - B) jo'nalish kelishigi qo'shimchasi *-ga*
  - C) fe'lning zamon va shaxs qo'shimchasi *-di*
  - D) tartib son yasovchi qo'shimchalar
  - E) A, B, C
144. Bizning davrimizda jahon xalqlarining necha foizi lotin alifbosini o'z yozuvlariga asos qilib olganlar?
- A) 50 foizi
  - B) 40 foizi
  - C) 30 foizi
  - D) 20 foizi
  - E) 15 foizi
145. Qaysi qatordagi so'z xato yozilgan?
- A) tahqir
  - B) tahir
  - C) taqir

- D) hushta'm
- E) tahir

146. Xato yozilgan so'zlar qatorini toping?

- A) qaytadan, xushta'b
- B) qaytadan, hoynahoy
- C) qiymatbaho, hoyu havas
- D) qimmatbaho, shahsuvor
- E) qo'gisdan, shahanshoh

147. Qaysi qatordagi so'z imlo qoidalariga ko'ra xato yozilgan?

- A) hayhot
- B) hatti-harakat
- C) hushhol
- D) hohlovci
- E) hamjihat

148. Qaysi so'zda **a'** belgisi noo'rin qo'llangan?

- A) ta'ma qilmoq
- B) ta'm bilmoq
- C) ta]zirini bermoq
- D) ta'riflamoq
- E) ta'sir qilmoq

149. Quyida berilgan so'zlarning qaysi biri imlo qoidasiga ko'ra xato yozilgan? 1) taqsim; 2) tahsim; 3) tahlit; 4) taqlid; 5) ta'qirlamoq; 6) taqazo etmoq

- A) 2, 3, 5, 6
- B) 1, 4, 5, 6
- C) 2, 5, 6
- D) 1, 3, 5, 6
- E) 2, 3, 5

150. Qaysi so'z imlo qoidasiga ko'ra noto'g'ri yozilgan?

- A) bazur
- B) bazo'r
- C) istehzomuz
- D) berkinish
- E) A, D

151. Quyidagi so'zlarning qaysi birida nuqtalar o'rnidagi bo'g'iz tovushi ishlataladi? 1) musho...ada; 2) kabi...lik; 3) ho..ish; 5) hafa...ol; 6) gul...ayri; 7) ala..simoq; 8) ala...siramoq; 9) ta..lika; 10) mu...ofaza
- A) 1, 2 6, 8, 10  
B) 1, 2, 3, 7, 8, 9, 10  
C) 1, 2, 3, 5 8, 9, 10  
D) 2, 3, 5, 6, 7, 8  
E) 1,2, 3, 5, 9, 10
152. Qiyidagi hodisalarining qaysi biri bevosita orfografiya va orfoeziya bilan bog'liq emas?
- A) ko'p ma'nolik  
B) omonimlik  
C) paronimlik  
D) A, B  
E) A, B, C
153. O'zbek tilida keng qo'llanadigan inglizcha so'zlarning to'g'ri yozilishini qaysi lug'at orqali bilishimiz mumkin?
- A) "O'zbek tilining imlo lug'ati"  
B) "Ingliz tilning imlo lug'ati"  
C) "Inglizcha-o'zbekcha lug'at"  
D) O'zbek tilining izohli lug'ati  
E) A va C
154. Qaysi qatorda h tovushi noto'g'ri ishlatalgan?
- A) hislat, hursand, hurofot  
B) sahiy, hislat, havf  
C) hazon, hislat sahiy  
D) havf hurofot, hursand  
E) Barcha javoblarda noto'g'ri qo'llangan
155. Qaysi qatordagi so'zlarning bo'sh o'rnlari h harfi bilan to'ldirilishi keak?
- A) i...los, mi..., i...cham  
B) i...roj, si..., i...tiyor  
C) de...qon, ze...n, e...rm

- D) ri...ta, so'....ta, i...tilof  
E) i...tiro, omi...ta, pi...lamoq
156. Qaysi qatordagi so'zlarning bo'sh o'rirlari i harfi bilan to'ldirishi kerak?
- A) to'lq...n, to'k...n, to'sq...n  
B) uch...n, tutq...n, but...n  
C) muhb...r, muhs...n, mud...r  
D) A, B  
E) A, C
157. Qaysi qatordagi so'zarning bo'sh o'rirlari e harf tovushi bilan to'ldirilishi kerak?
- A) ...'zoz, r...hta, om...hti  
B) ...htiros, ...htirom, s...h  
C) b...hush, b...hi, m...h  
D) ...'tibor, z...hn, m...'roj  
E) m...hmon, b...hush, ...hcham
158. Quyidagi gaplarning qaysi birida **men** bo'lagi mantiq urg'usi bilan qo'llangan?
- A) Men bugun qiziq voqealarni ko'rdim  
B) Qiziq voqealarni men bugun ko'rdim  
C) Bugun men qiziq voqealarni ko'rdim  
D) Bugun qiziq voqealarni men ko'rdim  
E) Qiziq voqealarni bugun ko'rdim men
159. ***Qishloq*** so'ziga **-i** qo'shimchasi qo'shilsa, qanday yozuvga amal qilinadi?
- A) -i so'z o'zgartiruvchi bo'lganda, morfologik, -i so'z yasovchi bo'lganda fonetik yozuvga  
B) -i so'z yasovchi bo'lganda, morfologik, -i so'z o'zgartiruvchi bo'lganda fonetik yozuvga  
C) faqat fonetik yozuvga  
D) faqat morfoligik yozuvga  
E) shakliy yozuvga
160. Imlo qoidasiga ko'ra xato yozilgan o'zni toping?
- A) hazil-huzul

- B) quvalamoq
- C) qavm-qarindosh
- D) shosupa
- E) berilgan so'zlar to'g'ri yozilgan

161. So'z o'zak-negizlarini va qo'shimchalarini yozishda bir xillikni ta'minlovchi qoida (prinsip)ni belgilang?

- A) fonetik va morfologik yozuv
- B) shakliy yozuv
- C) morfologik yozuv
- D) fonetik yozuv
- E) imloda bunday qoidaga asoslangan yozuv yo'q

162. Quyidagi juftliklarning qaysi biridagi so'z xato yozilgan?

- A) ta'na – tana
- B) ta'rif – tarif
- C) nash'a – nasha
- D) ta'b – tab
- E) barchasi to'g'ri yozilgan

163. Noto'g'ri yozilgan so'zlar qatorini toping?

- A) dabdarustdan, ensiklopediya
- B) sho'g'imiq, hatafahm
- C) sho'ng'imiq, hushta'b
- D) maddohlik, kulimsiramoq
- E) dard-hisrat, shaffof

164. Lotin yosuviga asoslangan o'zbek alifbosi asosida yozilgan qiyidagi so'zlarning qaysi biri imlo qoidasiga ko'ra xato yozilgan?

- A) avaiatsiya (avaiatsiya)
- B) bargga (bargga)
- C) noyabr (noyabr)
- D) oktayabr (oktayabr)
- E) tog'ga (tog'ga)

165. Qaysi qatordagi so'z imlo jihatdan xato qo'llangan?

- A) Navro'z bayrami tantanalari televidenie orqali namoyish qilindi

- B) Yaralarim uncha emas, mana tuproqdan tashqarida uyribman  
C) O'g'rini tutib, podsho huzuriga keltirisdi  
D) Hazm bo'lmanan taom uni egan odamning o'zini eydi  
E) Berilgan gapardagi so'zlar imlo jihatdan adabiy til me'yoirlari asosida to'g'ri yozilgan
166. **Baland boloxonali uy.** Bu birlikda qanday holatda boloxonaning balandligi anglashiladi?  
A) Har qanday holatda ham bolohonaning balandligi anglashiladi  
B) uchala so'z orasida pauza mavjud bo'lmasa  
C) **boloxonali** so'zidan so'ng pauza bo'lsa  
D) **baland** so'zidan so'ng pauza bo'lsa  
E) ushbu gapda ohang emas, balki so'z tartibi asosiy rol o'ynaydi
167. To'g'ri yozlgan so'zlar qatorini belgilang?  
A) hay'at husayni leytenant  
B) haftafahm, shug'ulanuv, badamal  
C) elkrifaksiya, afv tasavuf  
D) shprisi, ba'qamti, baynalminal  
E) shukihbahsh, ventilyator halim
168. Nutq tovuslarining yozuvida ifodalanish usullarini qaysi bo'lim o'rgatadi?  
A) orfoepiya  
B) orfografiya  
C) grafika  
D) fonetika  
E) morfologiya
169. O'zbek tili imlo qoidasiga ko'ra qaysi unli tovush so'z ohirida qo'shaloq qo'llanishi mumkin?  
A) a  
B) o, i  
C) a, i  
D) a, o, i  
E) i
170. Qaysi so'zda ayirish belgisi noo'rin qo'llangan?  
A) ta'qir

- B) ta'm
- C) ta'zir
- D) ta'b
- E) ta'qib

171. Talaffuzda *past*, *qasd*, *xursand* so'zlaridagi ohirgi tovush tushib qoladi, yozma nutqda ushbu so'zlar qanday qoidaga ko'ra yoziladi?

- A) shakliy yozuv
- B) morfolgik yozuv
- C) fonetik
- D) oxirgi undosh yozilmaydi
- E) berilgan yozuv qoidalariiga amal qilinmaydi

172. O'zakda *u(uy)* tovushlari bo'lган fe'llardan ot yasalganda, yasovchi *im* qo'shimchasi qaysi yozuv qoidasi asosida yoziladi?

- A) so'zlarning birinchi qismi fonetik, ikkinchi qismi morfologik yozuv asosida
- B) shakliy yozuv
- C) morfologik yozuv
- D) fonetik yozuv
- E) so'z yasovchi qo'shimchalar doim morfologik yozuv asosida yoziladi

173. Dastlabki yozma yodgorliklardagi O'rxun-Enasoy yozuvlarini qaysi davrga kelib o'qishga erishiladi?

- A) XIX asrda
- B) XIII asrda
- C) XV asrda
- D) XI asrda
- E) XX asrda

174. Quyidagi juftliklarning qaysi biridagi so'z xato yozilgan?

- A) chini-chinni
- B) noma'qul-noma'qbul
- C) hosiyat-hosiyat
- D) singan-singgan
- E) Barchasi to'g'ri yozilgan

175. O'zbek tili imlo qoidasiga ko'ra unli tovushlar so'z tarkibida qo'shaloq qo'llanishi mumkin?
- A) a, i, u
  - B) a, i, o, u
  - C) a, i, o, o'
  - D) a, i, o, u, o'
  - E) a, i, o
176. Qanday so'zlarni o'zaro farqlamaslik orfografik xatoni vujudga keltiradi?
- A) ko'p ma'noli so'zlarni
  - B) sinonim
  - C) omonim
  - D) paronim
  - E) C va D
177. Quyidagi qo'shimchalardan qaysi biri fonetik yozuv qoidasi asosida yoziladi? 1) -qa; 2) -ib; 3) -di, 4) -gan
- A) -ga, -gan
  - B) -ga, -di, -gan
  - C) -ga, -ib, -di
  - D) -ga
  - E) berilgan qo'shimchalar morfologik yozuv qoidasi asosida yoziladi
178. *Shahar, qishloq* so'zlariga -li, -lik qo'shimchalari qaytarzda qo'shiladi?
- A) faqat -lik qo'shiladi
  - B) -lik qo'shilsa sifat, -li qo'shilsa ot yasaladi
  - C) ot turkumidagi so'z yasalsa -lik qo'shiladi
  - D) -li qo'shilsa sifat yasaladi
  - E) faqat -li qoshiladi
179. Qaysi qatordagi so'zlar xato yozilgan?
- A) hushta'm
  - B) taqir
  - C) tahir
  - D) tahqir

E) tahir

180. **Kuy** fe'liga *-indi* murakkab qo'shimchasi qaysi yozuv qoidasi asosida qo'shilib yoziladi?

- A) ot yasalgan morfologik yozuv, o'zlik nisbati yasalgan fonetik yozuv asosida
- B) ot yasalgan morfologik yozuv, o'zlik nisbati yasalgan fonetik yozuv asosida
- C) doim fonetik yozuv asosida
- D) doim morfologik yozuv asosida
- E) shakliy yozuv asosida

181. Qaysi imlo qoidasiga ko'ra yozilgan so'z og'zaki talaffuzga hamma vaqt teng kelavermaydi?

- A) fonetik yozuv asosida yozilgan so'z
- B) morfologik yozuv asosida yozilgan
- C) shakliy yozuv asosida yozilgan so'z
- D) A va B
- E) A, B, C.

## Mashqlar. Fonetika

*1-mashq. Yonma-yon kelgan unlilar imlosiga ahamiyat berib ko'chiring. Ularning og'zaki va yozma shakllariga ahamiyat bering.*

1. Tabiat qo'ynida mazza qilib dam oldik. 2. Biologiya darsida o'rtoq'im faol qatnashdi. 3. Doim men akamni ko'rgani borganimdabekatda odam ko'p bo'ladi. 4. Teatr binosi ta'mirlanib ishga tushdi. 5. Shoir yangi she'rini muxlislariga o'qib berdi. 6. Oila a'zolarim bilan birga bo'lish menga hammavaqt yoqimlidir. 7. Said sinfdoshiga ancha kechikib qo'ng'iroq qildi.

*2-mashq. Berilgan so'zlar ishtirokida jumlalar tuzing. Ularning imlosiga ahamiyat bering.*

Poema, okean, ukrain, maishat, stadion, shariat, material, million, manfaat, inshoot, matbuot.

*3-mashq. Qo'sh unlilar va qo'sh undoshlarning yangi imloda berilishiga namunaga asosan misollar yozing:*

Namuna: manfaat, muhabbat, taassurot... Ma'noviy farqlanishi: tilla - (ot, turdosh ot) tilla (fe'l)

cho'qqi - (ot, turdosh), (cho'qi - fe'l).....

1. San'at albatta, insondan fidoiylikni talab etadi. («Xalq so'zi» gazetasi). 2. Me'mor Fazliddinning bu g'oyasi Bobur Mirzoga ma'qul bo'lishimi ko'pchilik sezib turardi. (P. Qodirov). 3. Bu yil imtihonlarni a'llo bahoga topshirsam shaharga tushib mazza qilib tomosha qillardim. «Turkiston gazetasি».

*4-mashq. Berilgan magollardan ovozdor (sonar) tovushlarni aniqlab, ularning tagiga chizib ko'chiring.*

1. Yaxshi yaxshiga yondashtirar, yomon yo'ldan adashtirar. 2. Mard bir marta o'ladi, qo'rkoq yuz marta. 3. Yaxshidan ot qoladi, yomondan dod. 4. Va'daga vafo - mardning ishi, va'dasiz - subutsiz kishi. 5. Yaxshiga qora yuqmas, yomonga el boqmas. 6. Qozonga yaqin yursang qorasi yuqar, yomonga yaqin yursang, balosi. 7. Avval o'yla, keyin so'yla. 8. O'ychnining o'yi bitguncha, tavakkalchining ishi bitar.

*5-mashq. Berilgan gaplarni yangi imloda ko'chirib, ko'chish belgisining vazifasiga ahamiyat bering.*

Yashil bo'yoq bilan bo'yalgan, ust tomoni o'ymakor panjarali katta va og'ir darvozaga yetganda, yigitning yuragi bir oz oz o'ynab ketdi. Darvozaning bir tavaqasi ochiq. U uzoqdan ichkariga qaradi. Qarshisida, daraxtlar ostidagi katta supada, dastro'molchasi bilan yelpinib o'tirgan, qordek oppoq ko'ylakli, oq soqoli bir tutamgina cholga ko'zi tushdi, yuragi yana po'killadi... Bu davlatmand kishining oldiga qanday kiradi? U sodda, uyatchan, kamtarim yigit edi. Lekin bir lahza allaqanday kuch uni itarganday bo'ldi. (Oybek).

*6-mashq. Berilgan gaplardan harfiy birikmasi mavjud so'zlarni yangi imloda ko'chirib yozing. Ularning yozilishi va talaffuziga ahamiyat bering.*

1. Osh ustida ikkovi ham biron og'iz so'z aytishmadi. (S. Ahmad.) 2 Beshovimiz bir quti urug' olsak nainki eplab

boqolmasak? (A. Qahhor.) 3. Yigirma bir xo'jalik bir brigada bo'lib, Mirzacho'lga ko'chib ketdi. (P. Qodirov.) 4. Uch yilda qorayib oltmishta uy qurban edik. (P. Qodirov.) 5. Ulardan biri kutilmagan javobni berdi. (H. Olimjon.) 5. Gulshan kirganda dahlizining to'rida uch nafar kaniz sanalga (iroqi) tikib o'tirar edilar. (A. Qodiriy.) 6. Hunarni asrabon, netkumdur oxir? 7. Olib tufroqqamu, ketkumdur oxir? (A. Havoiy.)

*7-mashq. Quyida berilgan gaplardan o'zbek-kirill va o'zbek-lotin alifbosida shakllari bir xil va ayni bir harfni ifodalaydigan shakllarni ko'chiring.*

Bir milliard so'zini tez-tez eshitib turamiz. Lekin milliardning naqadar katta son ekanini ko'z oldingizga keltirmagan bo'lsangiz kerak. Bir milliard dona qog'oz varag'i ustma-ust qo'yib taxlansa, qalinligi bir yuz ellik uch kilometr bo'lar edi. Bir milliard varaqli kitobning og'irligi bir yuz ellik tonna keladi. Bir milliard varaq kitobni o'qish uchun o'ttiz ming yil kerak bo'ladi. («Fan va turmush» jurnali).

ESLATMA: O'zbek-arab alifbosidagi 32 harf 16 tagshakl asosida hosil qilingan, harflar shu tagshakllarining ost yoki ust qismiga nuqta(lar) qo'yish bilan farqlangan. Tagshaklning bir xilligi ozbek-kirill alifbosida ham bor: r-r, e-e, u-ÿ,k-ќ, x-һ ...

*8-mashq: Quyida berilgan so'zlardan bir xil tagshaklga ega bo'lgan harflarni aniqlab, ularning ostiga chizing.*

Navoiy, salobat, chiroyli, ko'klam, qurbon, islom, yo'lbars, shifokor, muxotir, ishlamoq, yaxshi, taassurot, farzand, hurmat, havas, xalq, yomg'ir, yer osti qazilmalar, g'alaba, yorqin, yovuz, olmos, oila, ayol sog'lom, avlod, tashakkur.

*9-mashq. Berilgan gaplarning qaysi birida sirg'aluvchi [m] va qaysi birida portlovchi [m] kelgan o'rinnlarni aniqlang va ularni alohida yangi alifboda ko'chiring.*

1. Ta'rifingizni eshitib jigarlarimiz laxta-laxta qon bo'lib ketgan. (A. Qodiriy). 2. Bugun men rasman sizlarga boshliq bo'lish majburiyatida qolgan ekanman, yana hech ahamiyati yo'qdir (A. Qodiriy). 3. Mingboshi bu gapdan so'ng xotirjam bo'lib gap

boshladi. (Cho'lpon). 4. Sening harakating va istaging aksiga natijalanib tursa, ruhan ezilasan, vijdongan azoblanasan. (A. Qodiriy). 5. Qumning har yer-har yeridan halqa-halqa bo'lib, qozonda qaynaganday bilq-bilq suv suzib chiqmoqda, hovuz beti jimir-jimir etib jilovlanmoqda. (O. Muxtor). 6. O'qituvchi jurnalni qo'lga olganda talabalar odatdagidan sergaproq o'tirishdi. Tijorat ishlari ko'payib ketgan O'tkirkbekning bu gaplaridan xabari yo'q edi. 8. Jahon adabiyotiga doir adabiy durdonalar kitobxonlarga manzur bo'ldi. 9. Projektordan tushib turgan sutday yorug'lik ko'zni qamashtirardi. 10. Ajdarho kutilmagan zarbadan qalqib boshini ko'tara olmadi. (O'zbek xalq ertaklari).

*10-mashq. Quyidagi so'zlarni yangi imloda ko'chiring, tutuq belgisining ishlatalishi o'rinalarini izohlang.*

1. Ra'no bog'ga qaytib chiqqanda Anvar boshini ko'tarmay mutolaa bilan band edi. (A. Qodiriy). 2. Agar sa'valarning tovushini eshitib turmaganda Zumradni yanada vahima bosishi tayin edi. (O'zbek xalq ertaklari) 3. Sur'at singlisiga chiroyli kitob sovg'a qildi.

*11-mashq. Quyidagi harfiy birikmalarning yangi imloda berilishiga ahamiyat bering. Ular ishtirokida gap tuzing.*

Chaman, achchiq, uchun, birinchi, kuch, chevar, chiroyli, kech, sher, shoir, shabnam, shakar, shirin, Shahzod, ong, ko'ngil, singil, bong, tong.

*12-mashq. Chuqur til orqa «x» va bo'g'iz tovushi «h» ning imlosiga ahamiyat bering. Ularning ma'no farqlashdagi o'rnini izohlang.*

1. Ishga uzoqdagi qarindoshimdan xat keldi. 2. Uning holi achinarli edi. 3. Hamisha mana shu qizaloq bog'chaga yig'lab boradi. 4. Bulbulning xonishi Navoiyga ma'qul bo'ldi. 5. Xo'roz tong saharda qichqirib hovlidagilarni shirin uyqusidan uyg'otib yubordi. 6. Halol mehnat kishiga baxt keltiradi. 7. Bahor tarovati kishiga o'zgacha ta'sir qiladi.

*13-mashq. Berilgan so'zlarning ma'nosini izohlang. Ularni yangi alifboda yozing.*

Shox-shoh, xol-hol, xush-hush, uxlamoq-uhlamoq, xiyla-hiyla, xam-ham, adabiy-abadiy, chopon-cholpon, ariq-ariq, asir-asr, qalam-karam, fan-fan, san'at-sanoat, sher-she'r, shoir-shuur.

*14-mashq. Ko'chiring. Aytilishi yozilishidan farq qilgan unlilarning tagiga chizing.*

Baho, davlat, savol, havas, qo'ng'iroq, moshina, kanki, shamol, javob, traktor, havo, tamom, jahon, jigar, yigit, tuzsiz, yuzsiz, ketdi, o'tdi, soldi, guliston, yuvundi, taranmoq, shoshdi, qochdi.

*15-mashq. Nuqtalar o'rniga h va x undoshlaridan zarurini qo'yib, so'zlarni ko'chiring.*

Me...ribon, nq...at, ol...qli, zoy...at, su...bat, ...o'jalik, a...oli, ba...tli, kutub... ona, mash...ur, mu...im, poyta...t, tu...um, ...abar, ...irmat, ...ali, ...arakat, ...irmon, ...ushboy, ...alq, ...orij, ...alol, ...avas, ...ashamat.

*16-mashq. Berilgan gaplarni ko'chiring, s va t harflarining mosini qo'ying.*

1. Otam zavodning quyish ...exida ishlaydi. 2. Biz to'plagan kollek...iyamizni maktabga sovg'a qildik. 3. ...ement-qurilish materiali. 4. Jamoa xo'jaligimiz gektaridan 35 ...entnerdan paxta hosili olib, rejani 120 foiz bajardi. 5. ...irkda yaxshi tomoshalar bo'layapti. 6. Li...eyimizda yangi yil tomoshalari ancha vaqtgacha davom etdi.

*17-mashq. Berilgan she'riy parchani ko'chiring. Ostiga chizilgan so'zlar ishtirokida gaplar tuzing. Ularning og'zaki va yozma holatlariiga ahamiyat bering.*

Yillarning salomin yillarga eltidir.

Yillar o'tib ketar Bizdan so'ramay

Yakshanba, dushamba, seshanba kabi.

Kunduzlari tunlarning sochin taramay

O'polmas tonglarning pushti zang labin.

Ha, yillar o'tadi, zamon ketadi,

Sen va men qolamiz aziz birodar.

Yurt qolar, el-ulus qolar abadiy.

Va biz quvonch tashib pochtalyon qadar.  
Yillarning salomin yillarga etib,  
Boramiz yo'llardan yo'llarga o'tib.  
Inson bir shahardan boshqa shaharga  
Ko'chib borganida neler o'yarkan?

*18-mashq. Berilgan matnni ko'chiring. Harfiy birikmalar imlosiga ahamiyat bering.*

Nomunosib qo'shni.

Eshik qo'ng'irog'i bosildi. Afandi ochib qarasa, bir yigit turribdi.  
-Uyingizni almashtirar ekansiz, e'ltonni o'qib keldim, - dedi u.  
-Kasbingiz nima ozi?  
-Muhandis.  
-Bo'lmaydi, - dedi Afandi.  
-Nega?  
-Dombirachi bo'lsangiz, boshqa gap, - dedi Afandi jiddiy.  
-Sabab? - dedi yigit taajjublanib.  
-Axir, o'ng tomondagi qo'shnim - surnaychi, chap tomondagisi - karnaychi, - dedi Afandi kulib.

*19- mashq. Maqollar.*

Begona tuproq - devona tuproq  
Bulbul chamanni sevar,  
Odam – Vatanni.  
  
Vatangado bo'lguncha, kafangado bo'l.  
Vatan tinch - sen tinch.  
  
Yeridan ayrilgan etti yil yig'lar,  
Eldan ayrilgan o'lguncha yig'lar.  
  
Yomon o'z g'amida,  
Yaxshi - el g'amida.  
  
Xalqqa suyansang, to'lasan,  
Xalqdan chiqsang, so'lasan.  
  
Qush butoqqa sig'inar,  
Odam – Vatanga.  
  
Aybsiz do'st izlagan do'stsiz qolar.

Ayzilgan yo'lida qolar,  
Bo'lingan – do'lida.

*20-mashq. Gilam paypoq.*

Har yili dam olishga borganimda onamga gilam paypoq olib kelaman, kavkaz tomonda ko'p bo'ladi. Juba deyishadi, jurabi deyishadi. Oyim huddi noyob narsaga ega bo'lgandek, uzundan-uzoq duo qiladi. Shundoq mehribon og'li borligini aytib qo'shilarga maqtanadi. Uning oyog'i kasal. Salqin tushishi bilan shishib ketadi, og'riydi.

Qo'ni-qo'shnilar ahvol so'rasha, ularniyam, oziniyam yupatadi:

-Ha, endi keksachilik-da, o'rgilay. Lekin onamning oyoq og'rig'i faqat keksalikdan emas. Buni boshqalar bilmasa ham, men bilaman. Yaxshi bilaman. Bolaligimda ko'p kasal bo'lardim: qizamiq ko'kyo'tal, bergak shuning uchun oshhonadagi mihda ko'r qarg'aning patidan tortib, gultojiho'rozgacha ilig'lik turardi... Ayniqsa tomoq og'rig'i yomon qiynaydi. Oyoqasi borligini haliyam tushunolmayman.

*21-mashq. Hikoyat.*

Luqmoni Hakim avval bir qul erdi. Kunlardan bir kun xojasi: «Yo Luqmon, falon yerga borib, arpa ekkil, falon yerga borib bug'doy ekkil», - dedi. Ersa Luqmon borib, arpa ekkil degan yerga bug'doy ekti, bug'doy ekkil degan yerga arpa ekti. Qachonkim ekin tamon bo'ldi ersa Luqmonning xojasi keldi, ko'rdikim, arpa yerida bug'doy ekilmish va bug'doy yerida arpa ekilmish. Xojasi aydi: «Nechun mundoq qilding?» Luqmon aydi: «Men gumon qildimki, arpa yerinda bug'doy bitar va bug'doy yerinda arpa bitar, deb andoq qilib erdim». Taqi Luqmon aydi: «Ey Xoja, nechunkim yozuq o'rninda savob bitar savob o'rninda yozuq bitar? Tunu kun zulm qilursan, to qiyomatda savob umid etarsan?» Xojasi bu so'zni ehitti, ersa bir on urdi, jami etgan gunohlaridan tavba va istig'for qildi va ham Luqmonni ozod qildi.

Endi bilmoq kerakkim, har kim dunyoda ne eksa, oni olar.

*22-mashq. KO'NGIL*

Ko'ngil, sen munchalar nega  
Kishanlar birla do'stlashding?

Na faryoding, na doding bor  
Nechun sen muncha sustlashding?

\* \* \*

Haqorat dilni og'ritmas,  
Tubanlik mangu ketmasmi?  
Kishanlar parchalanmasmi?  
Qilichlar endi sinmasmi?

\* \* \*

Tiriksan, o'limgansan  
Sen-da odam, sen-da insonen  
Kishan kiyma,  
Bo'yin egma,  
Ki sen ham hur tug'ilgansan!

### *23-mashq. AZIZ MOMO*

Qadim zamonlarda Aziz momo ismli keksa bir kampir yashar ekan. Uning to'qsonta o'g'li bo'lib, to'qson kun qishning har kuni Aziz momoning bir iliq o'tsa, Aziz momo darg'azab bo'lib, o'z o'g'llariga «To'qson, to'qsoning ham mening bir kuniimcha yo'qsan» deb, koyib berar ekan. Shundan keyin u «Aziz momo kunlari» deb ataluvchi navro'z arafasidagi olti kun mobaynida qattiq sovuqlarni yuborar emish.

## **Oy bilan kun**

Bir paytlar Oy bilan Kun er-xotin bo'lishgan ekan. Ular er-xotinlik davrlarida juda yaxshi, inoq yashashar ekan. Ular tur mush va tirikchilikda, odamlarga xizmat qilishda ham barcha ishlarni babbaravar bo'lib olishgan ekan. Kun kunduzi yotog'idan chiqib tirikchilik g'amini yer, odamlarga iliqlik ulashib, kech kirkach uyiga horib-charchab qaytar ekan. Oy pishirgan narsalarini uning oldiga qo'yib, yedirb-ichirib, keyin o'zi chiqib ketar ekan. Chunki qorong'u bo'lsa, odamlar hech narsani ko'rolmay qolishar ekan-da. Shuning uchun Oy kechasi uydan chiqib, hamma yoqni yoritib, odamlarning mushkulini yengillashtirar ekan. Kun bilan Oy shunday kun kechiraverishibdi.

Kundan-kun, oydan-oy o'tib, Oy bilan Kun farzand ko'rishbd. Otini Yulduz qo'yishibdi. Keyincha bitta bolalari ikkita bolalari uchta, uchta bolalari to'rtta bo'libdi. Bora-bora ular shunchalik ko'payib ketishibdiki, sanab sanog'iga yetolmay qolibdilar.

Kunlardan bir kun nima ham bo'lib er-xotin urishib qolishibdi. Kun va Oy arazlashib qolishibdi. Kun uydan chiqib ketibdi. Biroq bolalaridan birini o'zi bilan olib ketishni o'ziga maqsad qilib olibdi, oymomo sal uyquga ketdi deguncha, Kun bolalaridan birovini olmoqchi bo'larmish-u, Oy bilib qolib, uni tortib olarmish. «Yulduz uchdi» degan gap shundan qolgan ekan.

Hozir ham Kun bolalarini ko'rmoqchi bo'lib, Oy uyquga ketganda ularni olib qochmoqchi bo'larmishu, Oy uyg'onib ketib, bolasini olib qolarmish. Kunduzlari esa ularni Kunga umuman ko'rsatmasmish.

#### *24-mashq.*

So'nggi safarda ham Kurka Iz oshpaz bo'ldi. U ham olishuvni boshqalar qatori qiziqish bilan kuzatib bordi, Joning omadi kelmaganda o'zicha kulimsirab qo'ydi, qozoniga qarab qo'yib, dimog'ida ming'illadi:

-Shu yo'rg'ani uslab olmasam, odam emasman!

Yo'rg'a tinimsiz ta'qiblar oqibatida yanada yovvoyilashib ketdi. Baribir Jayron bulog'iga kelib ketaverdi. Buloq yalanglikdai yakka-yu yagona suvloq bo'lib, bir mil tevarak-atrofda g'animdan bekinadigan pana joy yo'q edi. Shu sababliyam yo'rg'a yaqin-atrofda ishonch hosil qilgachgina buloqqa suv ichgani keladi.

U galasidan ayrilib, butun qishni yolg'iz o'zi qishladi. Qari Kurka buni yaxshi bilib, rejalarini shunga mosladи. Bir o'rtog'inining to'riq baytali bor edi. Qari shu baytalga egar urdu, zanjir, belkurak, yana bir arqon hamda yo'g'on qoziq olib, buloqqa ravona bo'ldi.

Bir to'da jayron ulardan hayiqib, pana-panalarga g'oyib bo'ldi. Vollar o't uzra yoyilib yotadi, to'rg'aylar qo'shig'i jaranglaydi. Yerdan beg'ubor, qorsiz qish nafasi ko'tarilgan, ko'klam yaqin qolgan.

### **Интерактив усулларни жорий этиш бўйича топшириклар Tanlovchanlik va diqqatni to'plashga oid test**

1. Yo'riqnomा: harflardan iborat ushbu matn orasida sifat turkumiga oid so'zlar bor. Siz harflar orasidan shu so'zlarni topib, javoblar varag'iga yozishingiz lozim. Bajarish vaqtı 5 minut.

K T S h Y O X R D Y O Q L M L I D A L V I Q U R U Q D E X X J  
O Q T R A Y U P Q A O E N L G K Y O Q I M T I R A V N G O Q  
I S h D U J K Y A C h C h I Q K U Y O U R I J Q A R I O G S h Q I  
J I S h A D T P U S h T I O D D I Y R I Q U Y Y A X S h I V I K R  
E K E C h K I V U Y F F A Q O Q A I D I E Q O R A H A N O M A  
R D F U Z A X M U D N O C h A Q Q O N O Z G ' I N E N G I L E  
R M A Z M U N M A Y D A S I F A T L I M A C H A M

2. Yo'riqnomा: harflardan iborat ushbu matn orasida ravish turkumiga oid so'zlar bor. Siz harflardan shu so'zlarni topib, javoblar varag'iga yozishingiz lozim. Bajarish vaqtı 5 minut.

V I T A N Y O Q I Y M A N K S h Z A L K U G S h Z A I S h L A T  
P R Y U M O Q M S I N A B L ' D U M A L A M O Q K O ' R P O  
Z A D V G Y O R J O M I B O R K A S T F G ' I Y R I D D R T A I  
P R F A O M U F S h S I D Z A L G ' L A T N A E R M A L M U N  
M A L O L Q A E R G A Q A E R D A N K O ' E R C h A D A K Y  
M O N O L A S T U Z F A X M H H U S M N O V T Y O Q Y M H  
K S h L D U M A L M O Q K O ' Y U Y A

3. Yo'riqnomा harflardan iborat ushbu matn orasida fe'l turkumiga oid so'zlar bor. Siz harflar orasidan shu so'zlarni topib javoblar varag'iga yozishingiz lozim. Bajarish vaqtı 5 minut.

I D J E O L D I R Z X T R A L D A M O Q D M Y U I D A V I S T  
A V Y U U Y U T I N D I L G A N I M A D I N B O R K E L S I N  
M O Q T R E A N G L A O T L A T A R M O Q V I L T Y U D A T  
M A N O N B O R I B K E M L M O T I R Q O M J Z Y O Z D I T  
G A P I R D M S S h Q Z O K M S T X K M N O S D I L M O S M  
A B V G D Z J Z Y K L O P R F X T S G ' H H O K

4. Yo'riqnomা: harflardan foydalanib ot turkumiga oid so'zlarni topib, javoblar varag'iga yozishingiz lozim. Bajarish vaqtı 5 minut.

P A U C h D S O R A M A A L D B O F I A B G ' O R K E L Q K E  
R K A L I K T A O S Q I R G ' B E K D M B K A S S A M S N T L  
A F B B O M U Z A O Q O S A U S O A T Y O Z J P R S T A R U

Z F G ' O N D M S h O N M O ' T I T G Y U F X T S S h R R U X  
H Y U L M O H K Y S A R U L M M O S T F O Q M A L O X B A  
L R N I O Y O D I R S M E N E I N S A M V A E N

5. X va H tovushlarini yozma tarzda farqlay olmaslik savodxonlik darajasini pasaytirib yuborishi hammaga ma'lum. Quyidagi topshiriq talabidan birinchidan, **X** va **H** ni farqlashni, ikkinchidan, ochiq va yopiq bo'g'inlar to'g'risidagi tasavvurni, uchinchidan, ma'nodosh so'zlarni topishni bilishni talab etadi. Bu usul orqali, nutqning boyligini, ko'rsatuvchi, uslubiy farqni bildiruvchi ma'nodosh (sinonim) so'zlarni bilishning muhimligi ko'rindi.

## “H” tumani hokimiyati

H	O	K	I	M
H	A	Z	I	N
H	U	N	A	R
H	A	L	I	M
H	I	L	O	L
H	A	K	I	M
H	U	Z	U	R
H	A	B	I	B
H	U	D	U	D
H	A	L	O	L
H	A	V	A	S

**Мустақил ишлаш учун талабаларга тавсия қилинган рефератлар рўйхати:**

1. Графика тилишуносликнинг асосий бўлими сифатида.
2. Ёзувнинг турлари ва уларнинг хусусиятлари.
3. Ёзувлар тарихидан маълумотлар.
4. «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиши тўйғрисидаги Қонуни» һақида мулоҳазалар.
5. Ўзбек халқи маданий турмушида кўлланган ёзувлар һақида умумий маълумот.
6. Ўзбек-араб, ўзбек-кирилл, ўзбек-лотин алифболарининг ўзаро қиёси.
7. 1929 йилда қабул қилинган ўзбек лотин алифбоси ва янги алифболар таълими.
8. Ўзбек тили асосий имло қоидаларининг қабул қилинини.
9. Янги алифбодаги унлилар һақида.
10. Ундошлилар таснифи ва уларнинг янги алифбода акс этиши.
11. Янги алифбодаги һарфларнинг босма ва ёзма шакллари.
12. Имло қоидалари ва уларнинг шархи. (матнлар асосида зарур ўринлар ёритилади).
13. Иши қоғозлари. Уларнинг янги имлода берилшии.
14. Янги ўзбек алифбосининг афзалликлари.

**Курс учун тавсия қилинаётган адабиётлар рўйхати:**

1. Абдуазизов А. Тиллар оламига саёҳат. -Т., 1988.

2. Абдураҳмонов Г., Рустамов А. Қадимги туркий тил. -Т., 1982.
3. Абдураҳмонов Г., Мамажонов С. Ўзбек тили ва адабиёти. -Т., 1995.
4. Абдураҳмонов Г. Ўзбек халқи ва тилининг шаклланиши. -Т., 1999.
5. Абдумажидов Г. «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида»ги қонунга шарҳлар. -Т., 1999.
6. Абдуллаев Й. Янги алифбо ва имлодан қўлланма. -Т., 1996.
7. Абдуллаев Й. Ўзбек тилини излаборатория. -Т., 1996.
8. Батманав А. Таласские памятники древнетюркской письменности. - Фрунзе 1971.
9. Баскаков Н.А. Введение в изучение тюрских языков. -М., 1962.
10. Бобоқулов Р. Эски ўзбек ёзуви. -Т., 1989.
11. Ёқубов О., Бектемиров Х. Давлат тили ҳақидаги қонун ва атамашунослик масалалари. -Т., 1999.
12. Жуманиёзов Р. Эски ўзбек ёзуви. -Т., 1989.
13. Жувонмардиев А. Ўзбек тилини излаборатория. -Т., 1978.
14. Зиёдов А., Тоҳиров З. Лотин ёзувидаги ўзбек алифбосини ўрганамиз. -Т., 1993.
15. Ирисқулов М. Тилишуносликка кириши. -Т., 1992.
16. Исҳоқов Ф. Эски ўзбек тилини излаборатория. -Т., 1990.
17. Йўлдошева Ф. Давлат тилини ўрганишга доир матнлар. -Т., 1995.
18. Кононов А.Н. Грамматика языка тюркских рунических памятников (VII-IX вв.). -Ленинград, 1980
19. Маҳмуд Қошибарий. Девону луғатит-турк. I, II, III, томлар. -Т., 1960-63.
20. Малов С.Е. Памятники древнетюркском письменности. -М., Л., 1951.
21. Рамазон К. Адабий тил ва имло тўғрисида мақола, қарорлар. -Т., 1934 (лотин имлосида).
22. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг янги алифбоси ва имлоси. -Т., 1999.
23. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек лотин алифбоси. -Т., 1995
24. Санакулов У., Насриоддинзода Б. Қадимги ёзувлар ва эски ўзбек алифбоси. -Т., 1990.
25. Тенишев Э. Р. К истории узбекского языка. Сборник статей. -М., 1953.
26. Тил-имло конференцияси материаллари (1929 йил май ойининг 15-23 кунларида Самарқандда бутун Ўзбекистон миёсида тўпланган ўзбек тил-имлочилари ва адаблари конференциясининг тўла ҳисобот (лотин имлосида). -Т., 1932.
27. Шамсиева П. Матнишуносликка оид тадқиқотлар. -Т., 1986.
28. Қодиров М., Эрназаров Т. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ва имлоси курсининг дастури. -Т., 1997.
29. Ҳисанбоева О. Педагогика тарихидан хрестоматия. -Т., 1993.

## МУНДАРИЖА

1КИРИШ .....	3
2Графика .....	5
2.1Графика ҳақида умумий маълумот. Тил ва ёзувнинг ўзаро муносабати .....	5
3Оғзаки нутқ ва ёзма нутқ .....	10
4Ёзувнинг тарихий аҳамияти .....	10
2Ёзув ва унинг турлари .....	11
5.1Ёзувнинг тарихий аҳамияти. Ёзув турлари. Фонографик ёзувнинг ўзига хос хусусиятлари .....	11
6Ўзбек ёзуви тарихидан қисқача маълумот .....	16
7Ўзбек ёзувлари тарихидан .....	18
8Имло тўғрисида баъзи мулоҳазалар .....	20
8.1Чўзиқлилар масаласи .....	20
9Қисқа унлиларни ёзувда тушириб қолдириш масаласи .....	21
10Ўзбекистон Республикасининг «Лотин ёзувига асосланган Қонуни» ҳақида. Ўзбек лотин алифбосига ўтишнинг афзалликлари.....	23
11Ўзбек тилига хизмат қилган уч алифбо-ўзбек араб алифбосига, ўзбек кирилл алифбосига, ўзбек-лотин алифбосига қиёсий баҳо. 1929 йилда қабул қилинган ўзбек лотин алифбоси ва янги алифбонинг қиёсий таҳлили.....	27
12Ўзбек лотин алифбосидаги ҳарфлар тартиби .....	31
13Босма ва ёзма ҳарфлар. Бош ва кичик ҳарфларнинг ёзилиши .....	35
14Ҳарфларни қўшиб ёзиш. Ўзбек лотин ёзувидаги ҳарф бирикмалари. Ўзбек кирилл алифбосидаги ҳарф бирикмалари. Графемаларнинг ўзбек лотин алифбосида акс этиши .....	38
15Ўзбек лотин ёзувидаги ҳарф бирикмалари.....	39
16Кирилл алифбосидаги ъ...ъ...белгиси билан сўзларнинг янги алифбода бериши. Кирилл алифбосида кўлланилган ц..ҳарфли сўзларнинг янги ўзбек лотин алифбосидаги акс этиши .....	42

171995 йил 24 августда қабул қилинган «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари» .....	44
18Унлилар имлоси. Ундошлар имлоси.....	46
19Ҳарфлар имлоси .....	47
20Унлилар имлоси .....	47
21Асос ва қўшимчалар имлоси. Сўзларни қўшиб ёзиш имлоси .....	48
22Қўшиб ёзиш .....	50
23Асос ва қўшимчалар имлоси. Сўзларни қўшиб ёзиш имлоси .....	52
24Қўшиб ёзиш .....	55
25Чизикча билан ёзиш. Ажратиб ёзиш.....	57
26Бош ҳарфлар имлоси. Кўчириш қоидалари.....	59
27Топшириқ 1. Шарафли ҳаёт .....	63
Топшириқ 2. Темурнинг ўлим тўшагида сўйлаганлари .....	64
Топшириқ 3. Сув .....	64
Топшириқ 4. Умр хуш ўтмас .....	65
Топшириқ 5. .....	66
Топшириқ 6. Бобурнинг маҳорати .....	66
Топшириқ 7. Навоий ижодиётининг бир лађзаси .....	67
Топшириқ 8. Қуръони карим .....	68
Топшириқ 9. Билиб қўйки, сени ватан кутади!.....	69
Топшириқ 10. Алишер Навоий таълим-тарбия ҳақида .....	70
Ўѓдилмиш ва Ўзғрмиш .....	71
Мустакил ишлаш учун машқлар. Фонетика .....	72
Янги имло бўйича олинган билимларни текшириш учун тестлар ....	74
Mashqlar. Fonetika .....	110
Oy bilan kun .....	117
Интерактив усууларни жорий этиш бўйича топшириклар .....	118
Мустакил ишлаш учун талабаларга тавсия қилинган рефератлар рўйхати .....	120

Курс учун тавсия қилинаётган адабиётлар рўйхати ..... 120

Муђаррир: ф.ф.н. *A. Мадвалиев*

Таќризчилар: ф.ф.д. *M. Курбонова*

ф.ф.н. *H. Маћкамов*

Тех.муђаррир: *C. Юсупова*

Тех.ходим: *A. Юнусов*

Тошкент Давлат шарќшунослик институтининг Метод  
кенгаси томонидан нашрга тавсия этилган (№6, 26.06.2002).

Босишига рухсат этилди 07.01.03.

Бичими 60x84  $\frac{1}{16}$  Шартли 7,75 б.т. 200 нусхада босилди. Буюртма №  
Тошкент Давлат шарќшунослик институтининг кичик босмахонаси  
Тошкент, Шађрисабз кўчаси, 25

© Тошкент Давлат шарқшунослик институти